

Ў‘ЗБЕКИСТОН ISSN 2181-502X

QISHLOQ VA SUV XO‘JALIGI

№1. 2021

**2021 йил — Ёшларни
қўллаб-қувватлаш ва
аҳоли саломатлигини
мустаҳкамлаш йили**



**Ҳурматли юрдошлар,
қишлоқ ва сув хўжалиги
ходимлари, деҳқону
фермерлар, барчангизни
Янги – 2021 йил
билан самимий табриклаймиз!**

Жиззах вилоятидаги МЧЖ шаклидаги

“ЖИЗЗАХКЕНТЕКС”

пахтачилик кластери жамоаси
юртдошларимизни янги

2021 йил

билан муборакбод этади.
Азиз дўстлар, юртимиз тинч,
ҳаётимиз янада фаровон,
дастурхонларимиз файзли ва
тўкин бўлсин!

"JIZZAXKENTEKS" MCHJ GA QARASHLI PAXTA TOZALASH KORXONASI



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Муҳтарам ватандошлар!

Бетакрор диёримизга янги – 2021 йил кириб келмоқда.

Сиз азизларни, мўътабар нурунийларимиз, меҳрибон опа-сингилларимиз, навқирон ёшларимизни – кўп миллатли бутун халқимизни ушбу гўзал айём билан чин қалбимдан табриклайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик, бахту саодат ва фаровонлик тилайман.

Азиз дўстлар!

Ҳаммамиз гувоҳимиз, 2020 йил бутун дунё қатори юртимиз учун ҳам оғир ва мураккаб келди. Коронавирус пандемияси, глобал инкироз инсониятни жиддий синовдан ўтказмоқда.

Мана шундай мураккаб вазиятга қарамасдан, мард ва олижаноб халқимизнинг матонати, фидокорона меҳнати билан барча соҳаларда катта ўзгаришларни амалга оширдик.

Иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларини ривожлантиришга эришдик. Юқори технологияларга асосланган ўнлаб янги корхоналар, транспорт тизимлари ишга туширилди. Замонавий уй-жойлар, йўл ва кўприклар, боғча ва мактаблар, шифохоналар, маданият ва санъат, спорт масканларини барпо этдик.

Миришкор деҳқон ва фермерларимиз барча қийинчиликларни мардона енгиб, мўл ҳосил етиштирдилар. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини учун янада кенг имкониятлар очилди. Йил давомида аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар учун минглаб янги иш ўринлари яратилди.

Ўтиб бораётган йил жамиятимизнинг маънавий-маърифий ҳаётида ҳам муҳим воқеаларга бой бўлди.

Хорижий давлатлар, аввало, яқин қўшниларимиз билан дўстлик ва ҳамкорликни янада кучайтирдик. Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини юксалтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Қадрли юртдошлар!

Биз кириб келаётган 2021 йилга яхши ният ва катта режалар билан “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб ном бердик.

Янги йилда иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда бошлаган кенг қўламли ислохотларимизни изчил давом эттирамиз.

Юртимизда тинчлик ва барқарорлик, миллатлар ва элатлар ўртасидаги тотувлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш асосий вазифамиз бўлиб қолади.

Халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга алоҳида аҳамият берамиз.

Азиз ёшларимиз, меҳнаткаш ва оқила опа-сингилларимиз, муҳтарам кексаларимизнинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш эътиборимиз марказида бўлади. Соғлиқни сақлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш масалалари янги босқичга кўтарилди.

2021 йилда давлатимиз мустақиллигига **30 йил** тўлади. Ушбу шонли санани, иншооллох, барчамиз биргаликда муносиб нишонлаймиз.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш, миллий юксалиш пойдеворини яратишга қаратилган улкан ишларимизни қатъий давом эттирамиз.

Азиз ватандошларим, кадрдонларим!

Шу гўзал оқшомда барчамизнинг ниятимиз, тилагимиз битта:

юртимизда яшаётган ҳар бир оила, ҳар бир инсон мурод-мақсадига етсин!

Жонажон Ўзбекистонимиз гуллаб-яшнасин, дунёмиз тинч бўлсин!

Кириб келаётган 2021 йил она диёримизга файзу барақа, янги ютуқ ва зафарлар олиб келсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОҲОТЛАРИ, ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИДАГИ ҲАРАКАТЛАРИМИЗ БАРДАВОМ ВА САМАРАЛИ БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга навбатдаги Мурожаатномани тақдим этди.

Пойтахтимиздаги Халқаро конгресс марказида бўлиб ўтган тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ташкилотлари раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Мурожаатнома 15 та телеканал орқали жонли эфирда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида онлайн ёритиб борилди.

Қуйида Юртбошимизнинг Мурожаатномасидан иқтибосларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

Барчамиз яхши биламизки, бугунги кунда бутун инсоният коронавирус пандемияси деган глобал офатни бошидан ўтказмоқда. Бундай улкан фалокат жаҳон миқёсида сўнгги юз йилда рўй бермаган, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Халқимизнинг букилмас иродаси, фидокорона меҳнати ва матонати, аҳоли ва давлат органларининг биргалиқдаги саъй-ҳаракатлари туфайли мавжуд қийинчиликларни мардона енгиб ўтмоқдамиз.

Халқаро валюта жамғармаси ва халқаро рейтинг агентликлари таҳлилларига кўра, бу йилги синовларга қарамасдан, Ўзбекистон дунёнинг санокли давлатлари қаторида ижобий ўсиш суръатларини сақлаб қолди.

Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар, ер майдонлари тўлиқ хусусий кластер ва кооперацияларга берилгани пахтачиликда ҳосилдорликни бир йилда ўртача 10 фоизга ошириш имконини яратди.

Мева-сабзавотчилик, ғаллачилик ва чорвачилиқда ҳам 500 га яқин кластер ва кооперациялар фаолияти йўлга қўйилди. Бунинг натижасида, пандемиянинг салбий таъсирига қарамасдан, 1 миллиард долларлик мева-сабзавот экспорт қилинди.

Бу йил 91 минг гектар ер майдони қайтадан фойдаланишга қиритилди. 133 минг гектар ёки ўтган йилга нисбатан 2 баробар кўп майдонда сувни тежайдиган технологиялар жорий этилди.

Деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгаларига 300 миллиард сўм имтиёзли кредит ва субсидия ажратилгани ҳам қишлоқ аҳолисини ижтимоий қўллаб-қувватлашда янги йўналишга айланди.

Ўзбекистон “Очиқ маълумотларни кузатиш” халқаро индексида 125 поғонага кўтарилиб, 44-ўринни эгаллади. Бунда давлат ва жамият бошқаруви соҳасидаги 20 та йўналиш бўйича кўрсаткичларни ошқор қилиб бориш амалиёти жорий этилгани муҳим аҳамият касб этди.

“Иқтисодий эркинлик” рейтингига ҳам мамлакатимизнинг 26 поғона кўтарилгани ислоҳотларимизнинг халқаро майдондаги яна бир эътирофи бўлди.

Мамлакатимиз тарихда биринчи марта Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо этиб сайланди. Яқинда АҚШ давлат департаменти томонидан Ўзбекистон диний эркинлик соҳасидаги “махсус кузатувдаги давлатлар” рўйхатидан чиқарилгани ҳам кенг кўламли демократик ислоҳотларимизнинг эътирофидир.

Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуг мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Бериунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак.

Ана шу муҳим йўналишларда бошлаган ишларимизни давом эттириш ва янги, юксак босқичга кўтариш мақсадида кириб келаётган 2021 йилга мамлакатимизда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”, деб ном беришни таклиф этаман.

Умуман, халқимиз хотиржам бўлиши керак: сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, бу борада кафолатланган захирани яратиш ва уларни бозорга узлуксиз етказиб бериш ҳамда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш ишларига устувор даражада эътибор қаратилади. Бунинг учун Ҳукумат ва ҳокимликлар томонидан барча чоралар кўрилади ҳамда бу масала Президентнинг доимий назоратида бўлади.

Шунингдек, 2021 йилда иқтисодий ёлти камида 5 фоизга ўсишини, бюджет дефицити ялпи ички маҳсулотга нисбатан 5,4 фоиздан ошмаслигини таъминлашимиз зарур. Келгуси 2 йилда эса бюджет дефицитини 2 фоиздан оширмаслик бўйича Ҳукумат зарур чора-тадбирларни белгилаши лозим.

Камбағалликни қисқартириш ва қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтиришда энг тез натижа берадиган омил бу – қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва самарадорликни кескин оширишдир.

Бунда ҳар гектар ердан олинадиган даромадни ҳозирги ўртача 2 минг доллардан камида 5 минг долларгача етказиш устувор вазифа қилиб қўйилади. Бунинг учун қишлоқ хўжалигига энг илғор технологиялар, сувни тежайдиган ва



биотехнологияларни, уруғчилик, илм-фан ва инновациялар соҳасидаги ютуқларни кенг жорий этишимиз лозим.

Аввало, фермер ва деҳқонларнинг ердан манфаатдорлигини ошириш керак. Манфаатдорлик ва адолат бўлган жойда, албатта, ўзгариш ва ўсиш бўлади. Бу борада ердан фойдаланиш ҳуқуқларини кафолатлаш ва ерларни бозор активларига айлантириш масаласини кўриб чиқиш вақти келди.

Келгуси йили барча вилоятларда Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар марказлари ташкил этилиб, уларда “ягона дарча” тамойили асосида 100 дан ортиқ агрохизматлар кўрсатиш йўлга қўйилади. Бу марказлар орқали ернинг сифатини яхшилаш, касалликларга қарши курашиш, уруғликларни танлаш билан боғлиқ муҳим хизматлар кўрсатилади.

Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, рақамлаштириш, ернинг унумдорлигини ошириш, замонавий агротехнологияларни жорий этишга илк бор 600 миллион доллардан зиёд кредит ва грант маблағлари жалб қилинади.

Сувни тежайдиган технологиялар жорий этиладиган ер майдонлари 5 баробарга кўпайтирилиб, 430 минг гектарга етказилади, 90 минг гектар янги ерлар ўзлаштирилади.

Бугунги мураккаб шароитда юртимизда бошланган кенг қамровли ислохотлар, янги Ўзбекистонни барпо этиш сари ташлаётган дадил қадамларимизнинг бардавом бўлишини таъминлаш энг асосий вазифамиз бўлиши шарт.

Шуни таъкидлаш керакки, ўз олдимизга қўйган марраларга эришиш учун бизда табиий ресурслар ҳам, куч ва имкониятлар ҳам, салоҳият ҳам етарли.

Ортимизда, тоғдек таянч ва суянч бўлиб турган кўпмиллатли халқимиз – ҳаёт йўлларидида тўғри йўл кўрсатадиган мўътабар нурунийларимиз, меҳнаткаш, оқила опа-сингилларимиз, илғор ва замонавий фикрлайдиган, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган азму шижоатли ёшларимиз бор.

Биз барчамиз “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!” деган ягона мақсад атрофида бирлашиб, масъулият ва жавобгарликни чуқур ҳис этган ҳолда, фидокорона меҳнат қилиб, ўз орзу-мақсадларимизга, иншооллоҳ, эришамиз.

Ҳаёт олдимизга яна қанча синов ва муаммоларни қўйиши мумкин ва биз ҳар қандай ҳолатга тайёр туришимиз зарур. Лекин қанчалик қийин ва мураккаб бўлмасин, демократик ислохотлар йўлидан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз. Олдинга, фақат олдинга қараб борамиз. Ва биз бунга ҳар томонлама қодиримиз. Чунки бугунги халқимиз – кечаги халқ эмас. Бугунги Ўзбекистон ҳам – кечаги Ўзбекистон эмас.

Ҳеч шубҳасиз, ўз кучимиз ва имкониятларимизга бўлган ишонч бизни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек эзгу мақсад йўлида бирлаштириб, янада кучли ва мустақкам қилмоқда. Бу интилишлар улкан амалий ишларга айланиб, буюк халқ ҳаракати тобора кенгайиб бормоқда. Бундай қудратли сафда бўлишнинг ўзи катта бахт, катта шарафдир.

Барчамизга ана шу улуғ сафда бошқаларга ибрат ва намуна бўлиш, жонажон Ватанимиз, азиз халқимизга фарзандлик меҳри ва садоқати билан хизмат қилиш насиб этсин!

ЎЗБЕКИСТОН ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ ЖАМОАСИ

Меҳнаткаш халқимизни Янги йил байрами билан муборакбод этади!

Азиз юртдошлар, кириб келган 2021 йил янги Ўзбекистон тарихи учун сермазmun, баракали ва муваффақиятли йил бўлсин. Халқимизнинг эзгу ва савобга йўғрилган кенг кўламли ишлари янги йилда ҳам давом этсин. Ҳар кунимиз тинч ва осудаликда ўтсин!



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА СУВНИ ТЕЖАЙДИГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИ ЯНАДА ЖАДАЛ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнги икки йилда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сувни тежайдиган технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат томонидан қўллаб-қувватланаётганлиги натижасида 2020 йилнинг ўзида қўшимча **133 минг гектар** майдонда сувни тежайдиган технологиялар жорий этилди.

Бироқ, тобора кучайиб бораётган сув тақчиллиги ҳамда сув ресурсларига бўлган эҳтиёж ўсиб бораётгани қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш самарадорлигини кескин оширишни талаб этмоқда.

Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизмларининг самарадорлигини ошириш, суғориладиган майдонлар сув билан барқарор таъминланишига эришиш мақсадида:

Сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда **томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш тизимларини ҳамда ерни лазерли ускуна ёрдамида текислаган ҳолда дискретли суғориш усулини жорий қилиш суръатини беш баробарга ошириш, яъни 2021 йилда 230 минг гектар майдонда мазкур технологияларни жорий қилиш ҳамда суғориладиган 200 минг гектар майдонларни лазерли ускуна ёрдамида текислаш орқали сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича таклифи маъқуллансин.**

2021 йилда сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш бўйича прогноз кўрсаткичлар 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бош вазир ўринбосари Ш.М.Ғаниев:

а) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ҳамда вилоятлар ҳокимлари билан биргаликда мазкур қарорга 1-илова билан тасдиқланган прогноз кўрсаткичларга мувофиқ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари кесимида манзилли

дастурлар ишлаб чиқиб, **2021 йил якунига қадар республика бўйича камида:**

160 минг гектар пахта, **30 минг гектар** мевали экинлар, **15 минг гектар** узум ва **5 минг гектар** бошқа экинлар етиштириладиган майдонларда томчилатиб суғориш;

14 минг гектар донли экинлар, **2 минг гектар** сабзавот ва полиз ҳамда **2 минг гектар** озуқабоп экинлар етиштириладиган майдонларда ёмғирлатиб суғориш;

600 гектар пахта етиштириладиган майдонларда дискретли суғориш технологияларини жорий қилишни таъминласин;

200 минг гектар экин майдонларида, шундан **43 минг гектар** шולי етиштириладиган майдонларда лазерли ускуна ёрдамида текислашни ташкил этсин;

б) республиканинг барча ҳудудларида сув тежовчи технологиялар бўйича хусусий ёки давлат-хусусий шериклик асосида сервис ва диллерлик марказларини ташкил этиш чораларини кўрсин;

в) ўтган йилларда томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинган майдонларда фойдаланилган бир йиллик томизгичли шлангларни утилизация қилиш мақсадида кичик корхоналар ва цехлар фаолиятини ташкил этиш учун шароитлар яратсин;

г) сув тежовчи технологияларни жорий қилиш учун жалб қилинган хорижий ва маҳаллий кредит маблағларини ўз вақтида қайтариш мақсадида уларнинг биринчи навбатда инфратузилма объектлари (электр энергияси) мавжуд бўлган ҳудудларда жорий этилишига эътибор қаратсин;

д) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 декабрдаги “Пахта хомашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4087-сон қарорига

мувофиқ ташкил этилган сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этишга қўмаклашувчи ишчи гуруҳларининг (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ҳокимлари) **сувни тежайдиган технологияларни жорий этишдаги роли ва масъулиятини кескин ошириш чораларини кўрсин.**

2021 йилдан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни **давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги янги тартиби белгилансин:**

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига **сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаш** учун субсидиялар 2-иловага мувофиқ тақдим этилади;

сувни тежайдиган технологияларни харид қилиш ва қуришга ажратиладиган **банк кредитлари бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаш** учун 3-иловага мувофиқ субсидиялар тақдим этилади;

маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган лазерли қурилмага эга автоматлаштирилган ер текислагич агрегатларини сотиб олган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига **сотиб олинган ер текислагич агрегатлари қийматининг 30 фоизи Давлат бюджетидан қоплаб берилади.**

Мазкур бандда назарда тутилган субсидия маблағлари жорий қилинган **сувни тежайдиган технологиялар камида беш йил ишлатилиши шарт билан ажратилади.**

Белгилансинки, сувни тежайдиган технологиялар жорий қилинган ер майдонлари **камида 5 йил мобайнида мақбуллаштирилмайди**, ер участкаси ёки унинг бир қисми давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилишига ердан фойдаланувчи розилиги асосида сарф этилган маблағларнинг бозор қиймати ва олиб қўйиш сабабли етказилган зарарнинг



ўрни тўлиқ қопланганидан сўнггина рухсат этилади.

Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов, А.Э.Эргашев):

2021 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда тасдиқланган прогноз кўрсаткичларига мувофиқ мазкур қарорнинг 2-бандида кўрсатилган **тадбирларни молиялаштириш учун зарур маблағларни назарда тутсин;**

бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 21 сентябрдаги “2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва харажатларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 575-сонли қарори асосида республика бюджетидан мақбуллаштирилган харажатлар йўналишларида кўрсатилган **пахта хомашёси етиштирувчиларининг томчилатиб суғоришни жорий этиш учун назарда тутилган 98,9 миллиард сўм миқдордаги маблағларнинг ажратилишини таъминласин;**

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) тижорат банклари билан биргаликда экин ерларини лазерли ускуна ёрдамида текислаш бўйича кўрсатиладиган механизация хизматлари учун Молия вазирлиги ҳузуридаги **Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасидан ажратиладиган пахта ва ғалла имтиёзли кредитлари ҳисобидан 250 миллиард сўм тўлаб берилишини таъминласин.**

2021 йилда сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни қўллаб-қувватлаш учун талаб қилинадиган **1,5 триллион сўм субсидия маблағларининг:**

330 миллиард сўмини – Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) Давлат бюджетидан ажратилишини таъминласин;

1 170 миллиард сўмини – Бош вазир ўринбосарлари Ж.А.Қўчқоров ва С.Ў.Умурзаков, Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев), Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р.Хамраев) бюджетни қўллаб-қувватлаш учун халқаро молия институтларидан жалб қилинган қарз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш чораларини кўрсин.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С.У.Умурзаков, Ш.А.Вафаев), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев), Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р.Хамраев) халқаро молия

институтлари ва хорижий молия ташкилотларидан жалб қилинган маблағлар доирасида сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш учун фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига (кластерлар, кооперациялар) **тижорат банклари орқали 200 миллион долларгача кредит линияларини очсин.**

Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р.Хамраев) икки ой муддатда Инновацион ривожланиш вазирлигига (И.Ю.Абдурахмонов) ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитлари ҳамда сув билан таъминланганлик ҳолатларини инобатга олиб, **сувни тежайдиган технологияларни қўллаш самарадорлиги бўйича долзарб муаммоларнинг илмий ечимига қаратилган илмий-инновацион лойиҳаларни шакллантириб, танлов эълон қилиш учун таклифлар киритсин.**

Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р.Хамраев, В.М.Ахмаджонов):

бир ой муддатда республика миқдорида ва бошқа давлатларда ишончли фаолият олиб бораётган томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш тизимларини ишлаб чиқарувчи ҳамда қурувчи чет эл ва маҳаллий корхоналар рўйхатини шакллантирсин ҳамда мазкур тизимларни жорий қилиш истагида бўлган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига етказсин;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ш.Ж.Тешаев) билан биргаликда тегишли мутахассисларни жалб қилиб, 2021 йил 1 февралга қадар республиканинг тупроқ-иқлим, сув билан таъминланганлик ва бошқа шароитларни ҳисобга олган ҳолда асосий экин турлари бўйича сувни тежайдиган технологияларни жорий қилишнинг **услубий қўлланмаларини ишлаб чиқсин;**

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ш.Ж.Тешаев), Инновацион ривожланиш вазирлиги (А.С.Назаров) ҳамда Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти (А.Б.Ўразгелдиев) билан биргаликда **икки ой муддатда ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитини ҳамда суғориш усулларини инобатга оладиган, қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш меъёрлари бўйича вақтинчалик нормативларни ишлаб чиқиш тасдиқласин.**

Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р.Хамраев) Молия вазирлиги (А.Э.Эргашев), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазир-

лиги (К.А.Юлдашев), “Худудий электр тармоқлари” АЖ (У.М.Мустафоев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоят ҳокимликлари билан биргаликда:

2021 йил 1 апрелга қадар ҳар бир ҳудудда Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги **биттадан насос станциясида** сарфланаётган электр энергияси ва чиқарилаётган сув ҳажмини замонавий ахборот технологияларини жорий қилган ҳолда, **инсон аралашувисиз, онлайн тартибда шаффоф мониторинг юритиш тизимини** синов тариқасида жорий қилсин;

2021 йил 1 декабрга қадар Сув хўжалиги вазирлигининг мавжуд **1 688 та насос станциясида** электр энергиясининг сарфи ҳамда чиқарилган сув ҳажми ҳисобини юритувчи республика бўйича **ягона электрон ахборот тизимининг** ишга туширилишини таъминласин.

Бунда, мансублик чегарасидаги электр энергияси ҳисоблагичларини Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига мос ҳисоблагичларга алмаштирилиши ва сарфланаётган электр энергияси ахборотининг таъминланиши бўйича “Худудий электр тармоқлари” АЖ бошқаруви раиси У.М.Мустафоев, истеъмолчи балансида бўлган электр энергияси ҳисоблагичлари ҳамда сув ҳажми ҳисобини юритувчи ускуналар ўрнатилиши ва ахборот билан таъминланиши бўйича сув хўжалиги вазири Ш.Р.Хамраевнинг **шахсан масъуллиги белгилаб қўйилсин.**

Молия вазирлиги мазкур банднинг учинчи хатбошисида кўрсатилган тадбирларни Сув хўжалиги вазирлигининг ҳисоб-китобларига асосан Давлат бюджети, халқаро молия институтлари ва донор мамлакатларнинг грантларини жалб қилиш ҳисобидан молиялаштириши белгилансин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Б.К.Абдиназаров) Инновацион ривожланиш вазирлиги (А.С.Назаров) ҳамда Сув хўжалиги вазирлиги (В.М.Ахмаджонов) билан биргаликда 2021 йил 1 октябрга қадар илғор хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда **Ўзбекистонда сувни тежайдиган технологияларни қўллаш самарадорлигини ўрғаниб, ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитлари ҳамда сув билан**





таъминланганлик ҳолатларини инobatга олган ҳолда зарур тавсиялар ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Илғор хорижий мутахассисларни жалб қилиш билан боғлиқ харажатлар Вазирлар Маҳкамаси захира жамғармасидан қоплансин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Б.К.Абдиназаров), Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р.Хамраев), “Ўзстандарт” агентлиги (Д.Н.Саттаров) ва “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси (М.Н.Юнусов) сувни тежайдиган суғориш тизимларининг бутловчи буюмлари ва эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқиш соҳасида саноат тармоқлари ўртасидаги ўзаро кооперацияни кенгайтириш ҳамда соғлом рақобат муҳитини яратиш, маҳаллий ва хорижий технологиялар асосида **намунавий типдаги республика табиий-иқлим шароитига мос келувчи сув тежовчи технологияларнинг стандартларини ишлаб чиқсин.**

Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р.Хамраев), Молия вазирлиги (А.Э.Эргашев) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021 йил 1 февралга қадар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилари томонидан сувни тежайдиган технологияларни жорий қилишда Давлат бюджетидан субсидиялар ажратилган **ҳар бир лойиҳа камида беш йил муддатда самарали фойдаланилиши** бўйича жавобгарлик белгилаш юзасидан қонунчиликка тегишли ўзгартиришлар киритишни назарда тутувчи ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда:

Давлат бюджетидан субсидиялар ажратилган ҳолда жорий қилинган сувни тежайдиган технологиялардан белгиланган тартибда ва муддатларда фойдаланилмаганда ажратилган субсидия маблағларини қайтариб олиш ҳамда қўлланилган солиқ имтиёзларини бекор қилишни;

жамоатчилик назорати механизмларини жорий қилишни, жумладан, давлат томонидан субсидия ажратилган ҳолда татбиқ этилган сувни тежайдиган технологиялардан ўрнатилган тартибда фойдаланмаслик ҳолатлари тўғрисидаги фотосуратлар ва видеоёзувларни юборган шахсларни қайтариб олинган субсидия маблағларининг беш фоизигача миқдоридagi пул мукофоти билан рағбатлантиришни назарда тутсин.

Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р.Хамраев) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (М.М.Холмухамедов) ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлиги (Ш.У.Турдикулова) билан биргаликда Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги профессионал таълим муассасаларида **2021/2022 ўқув йилидан бошлаб сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш ва фойдаланиш бўйича мутахассислар (консультант) тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш тизимининг жорий этилишини таъминласин.**

Бунда, сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш ва фойдаланиш бўйича мутахассислар (консультант) тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш харажатлари Сув хўжалиги вазирлиги ва буюртмачиларнинг маблағлари ҳамда донор мамлакатларнинг грантлари ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р.Хамраев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Қ.Р.Сариев, С.Ж. Хўжаметов), Хоразм (Ф.Ў.Эрманов, О.Б.Юсупов), Бухоро (Ф.Б.Умаров, С.Н.Хикматов), Жиззах (Э.А.Салиев, О.Ш.Ашурматов) ва Сирдарё (Ф.Ф.Мирзаев, К.Э.Сабиоров) вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда илмий-тадқиқот институтларини жалб қилган ҳолда **2021 йил 1 февралга қадар қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда шўр ювишнинг мутлақо янги тизимини жорий қилиш бўйича тегишли қарор лойиҳасини киритсин.** Бунда:

шўр ювишда сув сарфини кескин камайтириш, иккиламчи шўрланиш даражасини пасайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар;

томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш тизимлари жорий этилган майдонларда шўр ювишнинг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда аниқ таклифлар;

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти “Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш услублари” ва “Шўр ювиш технологиялари” бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларининг янги авлоди яратилиши ҳамда тегишли таълим йўналишларида ўқув режаларига киритилиши инobatга олинсин.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С.У.Умурзаков) Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р.Хам-

раев), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев), Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (А.А.Хайитов) билан биргаликда 2021 йилда халқаро ташкилотлар грантларини жалб қилиб, **ҳар бир худудда лазерли ускуна ёрдамида экин майдонларини текислаш ҳисобига сув сарфини камайтириш бўйича биттадан намунавий лойиҳани амалга оширсин.**

2020-2021 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда сувни тежайдиган технологиялар қамровини кенгайтириш бўйича йўл хариталари 4а-4м иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Молия вазирлиги (А.Э.Эргашев) Сув хўжалиги вазирлиги (А.А.Мирзаев) ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ш.Ж.Тешаев) билан биргаликда бир ой муддатда мазкур қарорга мувофиқ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг **сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаш тартибини ишлаб чиқсин** ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бош вазир ўринбосари Ш.М.Ғаниевга 2021 йилда сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш бўйича прогноз кўрсаткичларига зарур ҳолларда қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 5-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р.Хамраев) манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Мазкур қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ш.М.Ғаниев ва Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар чорак якуни бўйича ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**
Тошкент шаҳри,
2020 йил 11 декабрь



СУВЧИ - ДЕҲҚОН МАДАДКОРИ

Қийин ва ниҳоятда мураккаб келган 2020 йилда барча соҳалар қатори сув ҳўжалиги тизими ҳам улкан синов ва қийинчиликларни бошдан ўтказди. Олдинги йилларга нисбатан сув ресурслари ўртача 20 фоизга кам бўлишига қарамасдан, сувчиларимизнинг машаққатли меҳнатлари эвазига истеъмолчиларга суғориш учун вегетация мавсумида барча манбалардан 32,5 млрд. м³, шу жумладан, дарё ва сойлардан 31,2 млрд. м³ сув етказиб берилди. Сув танқислигини юмшатиш мақсадида тик қудуқларга 1000 дона ЭЦВ насослари ҳамда коллектор тармоқларига 1163 дона дизель насослари ўрнатилиб, ер остидан 423 млн. м³ ва зовурлардан 847 млн. м³ сув олинди. Бунинг натижасида сув таъминоти оғир бўлган 325 минг гектар майдонга керакли миқдорда сув етказиб берилди.

Сув тежовчи технологиялар 133,6 минг гектарда ёки аввалги йилларга нисбатан икки баробар кўп майдонда жорий қилинди. Бунинг натижасида вегетация даврида 280 млн. м³ сув тежалиб, 300 минг гектардан ортиқ суғориладиган майдонларнинг сув таъминоти яхшиланишига эришилди. Пахта хомашёси етиштирувчиларга 133,0 млрд. сўм субсидия ажратилди.

Сув ҳўжалиги эксплуатация ташкилотларига Давлат бюджетидан 4 531,4 млрд. сўм миқдоридан маблағлар ажратилган бўлиб, шундан, 768,7 млрд. сўми иш ҳақи ва ажратмаларга, 3 762,7 млрд. сўми бошқа харажатларга (электр энергияси харажатлари учун 3 274,1 млрд. сўм) ажратилди.

Ушбу маблағлар ҳисобига, жумладан, 86 та насос ва 145 та электродвигателлар энергия тежамкор бўлган янгисига алмаштирилди. 2 минг 541 та насос агрегати ва 1 минг 204 та суғориш қудуқлари таъмирланди.

Шунингдек, энергия тежамкорликка катта эътибор қаратилиши туфайли жорий йилда сарфланган электр энергияси 7 млрд. 178 млн. кВт. соатни ташкил этди. Бу билан 2019 йилга нисбатан 231 млн. кВт. соат (104 млрд. сўмлик), охириги ўртача уч йилликка нисбатан 737 млн. кВт. соат (332 млрд. сўмлик) электр энергияси тежалди.

Капитал қўйилмалар ҳисобидан 6 минг 324 км магистрал ва ҳўжаликлараро суғориш тармоқларида таъмирлаш ва тозалаш ишлари бажарилди, улардаги 6 минг 249 та гидротехник иншоот ва 5 минг 918 та гидрост таъмирланди. Натижада каналларда сув йўқотилиши 1,5 млрд. м³ га камайди.

1 минг 164,2 км. канал ва суғориш тармоғи, 878,7 км. коллектор-дренаж тармоғи, 88 та гидротехника иншооти, 59 та насос станцияси, 392 дона суғориш ва 79 та вертикал дренаж қудуқлари ҳамда бошқа сув ҳўжалиги объектлари қурилди ва реконструкция қилинди. Шунингдек, 13 минг 942 км. коллектор-дренаж тармоқлари тизимли равишда таъмирланди ва тикланди.

294,5 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати тубдан яхшиланди, кучли ва ўрта шўрланган майдонлар 29,8 минг гектарга камайди, сизот сувлари сатҳи 2 метргача



бўлган майдонлар 85,7 минг гектарга қисқарди, 206,9 минг гектар майдонда ерларнинг мелиоратив барқарорлиги таъминланди. 100 минг гектардан зиёд ер майдонлари қайта фойдаланишга киритилди.

Давлат-хусусий шериклик тамойили бўйича 32 та лойиҳа устида иш олиб борилди. Шундан 8 таси 2020 йилда давлат реестридан ўтказилди. Бунинг натижасида 12 млрд. сўм бюджет маблағлари тежалади. Шунингдек, мазкур лойиҳалар доирасида хусусий шериклар томонидан 30 млрд. сўм инвестиция киритиш бўйича битим имзоланди.

“Ақлли сув” қурилмалари сони 159 тага етказилди. 10 та гидроузелнинг бошқарув жараёнлари тўлиқ автоматлаштирилди. “Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини мониторинг қилиш” ахборот тизими ишлаб чиқилди. Сув ҳўжалиги соҳасидаги барча ахборот тизимларини ўзида қамраб олган 5 та модулдан иборат “Вазиятлар маркази” ахборот тизими яратилиб, синов тариқасида ишга туширилди.

Бунинг натижасида, сув ҳўжалиги иншоотларида реал вақт режимида сувни назорат қилиш ва унинг ҳисобини юритиш, вилоят ва туман чегарасида етказиб берилмаётган сув ресурсларини онлайн кузатиб бориш ҳамда сувнинг аниқ ҳисоб-китобини юритиш имкониятига эришилди. Сувни бошқариш жараёнларида инсон омилини камайтириш, сувнинг техник йўқолишларининг олдини олиш, сувдан белгиланган лимит асосида фойдаланиш ҳамда сувни оператив бошқариш имконияти яратилди.

Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги, Саудия тараққиёт жамғармаси каби йирик халқаро молия институтлари билан ҳамкорликда 6 та инвестиция лойиҳаси доирасида 196,5 млн. АҚШ доллари ўзлаштирилди. Бунинг натижасида 2020 йил якунига келиб жами 191,3 минг гектар суғориладиган ерларнинг сув таъминоти ҳамда 100 минг гектар ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. 200 км. дан ортиқ каналлар ва улардаги гидротехник иншоотлар қайта тикланди, 105 дона тик қудуқлар қурилди, 11 та насос агрегати ўрнатилди, умумий қуввати 100 м³/с бўлган 1 та насос станцияси ишга туширилди. 257 та насос агрегатлари фаолияти тўхтатилиши натижасида ҳар йили 25,9 млрд. сўм эксплуатация маблағларини иқтисод қилиш, ирригация тизими каналларининг фойдали иш коэффициенти 15 фоизга ошириш, йилига 700-800 млн. м³ сувни тежаш имконияти юзага келди. Ушбу лойиҳалар доирасидаги ишлар давом этмоқда.



Сув ҳўжалиги соҳасида кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасаларини тамомлаган 500 нафардан ортиқ битирувчи тизимга ишга олинди. Ишсиз ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича “Манзилли режа”га асосан 2000 нафардан зиёд ёшларга иш ўрни яратилди.

Вазирлик тасарруфига олинган 11 та коллежга янги ўқув йилида 1250 нафар, жумладан, 8 та коллежда “Сув тежовчи технологияларга хизмат кўрсатиш техниги” йўналишига 310 нафар ўқувчи қабул қилинди. Ушбу коллежларда мелиоратив машина механизмларидан фойдаланиш бўйича 3 кунлик қисқа курслар ташкил этилиб, эксплуатация ташкилотларининг 220 нафар ходимлари ўқитилди.

2020 йилда 25 та мавзу бўйича илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларига 2 млрд. сўм маблағ йўналтирилди. Республика давлат илмий-техник дастурлари доирасида 5 та фундаментал, 13 та амалий лойиҳа амалга оширилди.

Жорий йилда Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтининг 7 нафар тадқиқотчиси, шундан 2 нафари Хитой Халқ Республикасида докторлик (PhD) диссертациясини ҳимоя қилди.

2020 йилда жисмоний ва юридик шахслардан вазирликка келиб тушган 2 минг 198 та мурожаат ўрганилди. Шундан 780 таси (35,4%) қаноатлантирилган, 1 минг 383 тасига (62,9%) ҳуқуқий тушунтириш берилган, 35 таси (1,5%) бўйича ҳозирги кунда ўрганиш олиб борилапти. Шу билан бирга, Сув ҳўжалиги вазирлиги раҳбарияти томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда сайёр қабуллар ўтказилди.

Соҳада қилинаётган ишлар билан кенг жамоатчиликни хабардор қилиш мақсадида 8 та матбуот анжумани ва

4 та пресс-тур ўтказилди. Вазирлик веб-сайтига 700 га яқин, ижтимоий тармоқларга 1000 дан ортиқ материаллар жойлаштирилди. Телевидениеда 100 га яқин кўрсатув ва лавҳалар намойиш этилди, матбуотда 150 дан ортиқ мақола чоп этилди.

Ҳурматли Президентимизнинг соҳага бўлган эътибори ва бевосита қўллаб-қувватлашлари натижасида жорий йилда сув ҳўжалигига доир 1 та Фармон ва 3 та қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 14 та қарори қабул қилинди. Хусусан, Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 10 июлдаги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепцияси қабул қилиниши, шубҳасиз, кейинги ўн йилликда сув ҳўжалиги истиқболини белгилаб берувчи тарихий ҳужжат бўлди. Концепциянинг устувор йўналишлари ва тегишли даврга мўлжалланган мақсадли параметрлари ва кўрсаткичларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалигини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш якунланаяпти.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқимизга йўллаган Мурожаатида 2021 йилда сувни тежайдиган технологиялар жорий этиладиган ер майдонларини 5 баробарга кўпайтириш ва 430 минг гектарга етказиш, сувни тежаш ҳисобидан 90 минг гектар янги ерларни ўзлаштириш вазифасини қўйдилар. Ушбу вазифаларнинг ижросини тўлиқ таъминлаш, Янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессансга ҳисса қўшишда олдинги сафларда бўлиш учун биз – барча мироблар бор куч-ғайратимиз билан интиламиз.

Шавкат ХАМРАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазири.

СУВ ҲЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ


Она Ватанимиз рабнақи йўлида фидокорона меҳнат қилаётган юрtdошларимизни кираб келаётган

Янги – 2021 йил

билан самимий нубораквод этади.

*Янги йил ҳаммамизга қутлуғ келиб, кўнраилардаги
эзиқ тилаклар, барча режалар рўёбга отсин!
Онағ, бахт, қувонч ҳалимиза ҳамроҳ бўлсин!*

2021



МАЙСАЛАР ҚИШЛАЙДИ, ҒАЛЛАКОР ИШЛАЙДИ

галлани январ-феврал ойларида парваришлашнинг муҳим агротехник чора-тадбирлари

Республикада 2021 йил ҳосили учун жами 1 млн. 224 минг гектар майдонларда бошоқли дон экинлари экилган бўлиб, бугунги кунда ушбу майдонларнинг 43 минг 543 гектари унидириб олинмаган, 156 минг 274 гектар майдонда ғалла ниҳоллари 1-2 барг, 296 минг 792 гектар майдонда ниҳоллар 3-4 барг, 541 минг 495 гектар майдонда ниҳоллар туплаган ҳолатда ривожланмоқда.

Бошоқли дон экинлари бугунги кунда мураккаб физиологик жараёнларни ўтамоқда. Бу йил декабр ойининг куруқ ва илик келиши, ёғингарчиликнинг кам бўлиши натижасида бошоқли дон экинлари тиним даврига тўлиқ ўтмасдан ўсиш ва ривожланишда давом этмоқда.

Бундай об-ҳаво шароитлари 2021 йил январь ва феврал ойларида ҳам кузатилиши башорат қилинмоқда ва ғалла ниҳоллари ўсиш ҳамда ривожланиш фазаларини бироз ўзгартирган ҳолатда қишлоқни ўтказмоқда.

Республикамиз вилоятлари шароитида январ ҳамда феврал ойларида кутилаётган об-ҳаво шароитини инобатга олган ҳолда кечки, ривожланишдан орқада қолган, кузда озиклантирилмаган ғалла майдонларида азотли ўғитлар билан озиклантириш ҳамда суғориш ишларини амалга оширишни тақозо этмоқда.

Ушбу бериладиган ўғит ва сув ўсимлик илдиз системасининг ривожланишини кучайтиради ва туплаш бўғинининг катталашишига ҳамда туплаш бўғинида шакар моддаларининг кўпайишига сабаб бўлади. Бу шароитда ғалла ўсимлиги ўсиш ўрнига вегетатив органларини, яъни туплаш бўғинини каттартиради ва эрта баҳорда катта туплаш бўғинларидан йирик найчаларни ҳамда пояларни шакллантиради. Катта найча ва поялардан йирик бошоқлар ҳосил бўлишини таъминлайди.

Озиклантирилмаган ва суғорилмаган, тупроқда намлик етарли бўлмаган ғалла майдонларидаги ниҳоллар совуққа, бошқа стресс омилларга берилувчан ҳамда касаллик ва зараркунандаларга тез чалинувчан бўлиб қолади. Эрта баҳордан тупланмасдан найчалаш фазасига ўтиб кетиши ғалланинг ҳосилдорлиги пасайиб кетишига сабаб бўлади.

Қиш мавсумининг илик келишига қарамай, айрим вилоятлардаги далаларда ғалла ривожига орқада, туплаш даражаси пастлиги кузатилмоқда. Ривож паст бўлган яхши тупламаган ғалла майдонларида бегона ўтларнинг кўпайиши ҳамда касалликлар ва зараркунандаларнинг ривожланиши кучайиб, ҳосилдорликка жиддий зарар келтириши кўп йиллик амалиётда кузатилган.

Шунинг учун кеч экилган, ривождан орқада қолган ғалла майдонларига об-ҳаво шароитидан келиб чиқиб, азотли минерал ўғитлар ва мавжуд биоўғитлар билан озиклантириш ва суғориш ишларини тақозо этмоқда.

Андижон, Фарғона, Наманган вилоятларида

Январ ҳамда феврал ойларида кутилаётган об-ҳаво шароитини инобатга олган ҳолда кечки, ривожланишдан орқада қолган, кузда озиклантирилмаган ғалла майдонларида азотли ўғитлар билан озиклантириш ҳамда суғориш ишларини амалга ошириш лозим.

Ҳозирга кунларда Андижон, Фарғона, Наманган вилоятларининг айрим туманлари далаларида ғалла ривожига орқада, туплаш даражаси пастлиги кузатилмоқда. Ривож паст бўлса-да, яхши тупламаган ғалла майдонларида бегона ўтларнинг кўпайиши ҳамда касалликлар ва зараркунандаларнинг ривожланиши кучайиб, ҳосилдорликка жиддий зарар етказилади.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, қуйидаги агротехник ишларни амалга ошириш зарур:

1. Бугунги кундаги об-ҳаво шароитларидан келиб чиқиб, кеч экилган, ниҳоллар униб чиқмаган ғалла майдонларини ҳаво ҳарорати -1°C даражадан паст бўлганда суғориш тавсия этилмайди. Ушбу ғалла майдонлари ҳаво ҳарорати 0-5°C даража бўлганда суғориш ишлари ўтказилади;

2. Ғалла ниҳоллари ривождан орқада қолган, 1-2 та, 3-4 та баргли ғалла майдонларига гектарига 100 кг. меъёрда азотли минерал ўғитлар билан озиклантириш ҳамда суғориш ишларини кўплатмасдан, шарбат усулида амалга ошириш лозим.

Ушбу майдонларга ниҳоллар тўла туплагунга қадар биостимуляторлардан Геоумат, Узгуми, Гумимакс, Байкал-М каби кимёвий воситалар билан 1-мартга ҳамда тўла туплагандан кейин эса карбамид азотли ўғити билан суспензия сепишни ташкил этиш керак.

Бу тадбирлар бутун мамлакат бўйлаб амалга оширилади.

3. Ғалла ниҳолари тўла туплаган майдонларга карбамид ўғитидан гектарига 100 кг. дан, агар аммиакли селитра ёки сульфат аммоний ўғитидан берилмаган бўлса, гектарига 150 кг. дан берилиб, суғоришни шарбат билан ўтказиш тавсия этилади.

4. Тўла туплаган, ривожига яхши, ғалла ниҳоллари ер юзасини тўла қоплаган майдонларга карбамид азотли ўғити билан суспензия сепишни ташкил этиш даркор;

5. Айрим сабабларга кўра, экиш олдида фосфорли ва калийли ўғитлар билан озиклантирилмаган ёки ғалла кеч экилган майдонларга соф ҳолда 60-70 кг. дан фосфорли ва 60 кг. дан калийли ўғитларни солиш тавсия этилади. Бунда аммофос берилмаган бўлса, физик ҳолда 200 кг/га, оддий суперфосфат берилмаган бўлса, 500 кг/га миқдорда берилди;

Калийли ўғит сифатида калий хлор ўғитидан 100 кг/га миқдорда берилиши тавсия этилади. Озиклантирилган майдонларни энгил, кўплатмай суғориш мақсадга мувофиқ бўлади;

6. Ғаллачиликдаги энг муҳим агротехник тадбирларидан бири, бу – ғалла майдонларида баҳорги азотли ўғитлар билан навбатдаги иккинчи озиклантиришни амалга ошириш ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, азотли ўғитлар йиллик меъёрининг 40 фоизини, яъни физик ҳолда аммиакли селитра ҳисобида гектарига 300-320 кг. меъёрда озиклантиришни 15-20 февралга қадар яқунлаш керак;

7. Озиклантириш ўтказилган ғалла майдонларига тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир минтақа шароитидан келиб чиқиб, гектарига 600-700 м³ меъёрда озиклантириб, суғориш ишларининг шарбат усулида амалга оширилиши берилган ўғитлардан фойдаланиш самарадорлигини оширади.

Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятларида

1. Кузги бошоқли дон экинлари экилган майдонлардаги ўсимлик ҳолатини таҳлил қилиб, кеч экилган, ривождан орқада қолган ғалла майдонларида январ-феврал ойи об-ҳавоси шароитидан келиб чиқиб, имконият даражасида меъёрдан ташқари, қўшимча физик ҳолда 100 кг/га миқдорда карбамид азотли ўғити билан озиклантириш ишлари амалга оширилса, ўсимлик генератив органларининг шаклланишига, тупланиш жараёнига, ўсимликда тупланиш бўғинининг бақувват бўлишини таъминлаб, ниҳолларнинг қишга, совуққа чидамлилигини оширади.

2. Ҳаво ҳароратининг кўтарилиши натижасида тиним давридан чиққан ғалла майдонларида гектарига 10-12 кг. дан карбамид ва биоўғитлардан (таркибида гумин кислотаси ҳамда микроэлементлари мавжуд бўлган "Биоўғит"лар) иборат суспензия тайёрлаб сепиш (ўсимликларни баргидан озиклантириш) тавсия қилинади. Ушбу тадбирнинг барча ғалла майдонларида ўсимликнинг ўсув даврида 2-3 марта амалга оширилиши ғалла ҳосилдорлигини 15-20 фоизга оширади.

3. Озиклантириш ўтказилган ғалла майдонларига тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир минтақа шароитидан келиб чиқиб, гектарига 600-700 м³ меъёрда озиклантириб, суғориш ишларининг шарбат усулида амалга оширилиши берилган ўғитлардан фойдаланиш самарадорлигини оширади.

5. Феврал ойи охири, март ойи бошидан ғалла майдонларида суғориш ишларини бошлаш ва тупроқнинг 35-40 см. қатлами намланишини таъминлаш ғалланинг илдиз тизими жойлашган тупроқ қатламнинг



юмшашига олиб келади. Сирдарё ва Жиззах вилоятларида сизот сувлари кўтарилишининг, қайта шўрланишининг юзага келмаслигини таъминлаш мақсадида ғаллани кўллатмасдан, суғориш меъёрларига амал қилган ҳолда бажарилишини таъминлаш зарур. Суғорилган ғалла майдонларида ўсимликлар илдизи яхши ривожланади. Ғалланинг ўсиш ва ривожланиши жадаллашади.

4. Ғалла экилган ҳар гектар майдонга 5 тоннадан маҳаллий ўғит жамғариш, ғалла майдонларида ҳосил чуқурларининг қовланишини ташкил этиш ва маҳаллий ўғитлар билан тўлдириш ҳамда суғориш ишларини шарбат усулида ўтказиш тавсия қилинади.

Бу тадбирлар бутун мамлакат бўйлаб амалга оширилади.

Самарқанд, Бухоро, Навоий вилоятларида

1. Ғалла ниҳоллари ривождан орқада қолган 1-2 та, 3-4 та баргли ғалла майдонларига гектарига 100 кг. меъёрда азотли минерал ўғитлар билан озиклантириш ҳамда суғориш ишларини кўллатмасдан, шарбат усулида амалга ошириш лозим.

Тўла туплагунга қадар ушбу майдонларга биостимуляторлардан Геогумат, Узгуми, Гумимакс, Байкал-М каби кимёвий воситалар билан 1-мартга ҳамда тўла туплаган кейин эса карбамид азотли ўғити билан суспензия сепишни ташкил этиш лозим.

2. Ғалла ниҳоллари тўла туплаган майдонларга карбамид ўғитидан гектарига 100 кг. дан, агар аммиакли селитра ёки сульфат аммоний ўғитидан бериладиган бўлса, гектарига 150 кг. дан берилиб, суғоришни шарбат билан ўтказиш тавсия этилади.

3. Тўла туплаган, ривожли яхши, ғалла ниҳоллари ер юзасини тўла қоплаган майдонларга карбамид азотли ўғити билан суспензия сепишни ташкил этиш лозим.

4. Ғаллазорлардаги бегона ўтларга, касаллик ва зараркунандаларга қарши кимёвий курашни ташкил этишга зарур бўлган кимёвий воситалар захирасини ва уларни кўллашга зарур бўлган ОВХ-05 штангали пуркагичларни тўла таъмирдан чиқариш.

Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида

1. Ғалла ниҳоллари тўла туплаган майдонларга карбамид ўғитидан гектарига 100 кг. дан, агар аммиакли селитра ёки сульфат аммоний ўғитидан бериладиган бўлса, гектарига 150 кг. дан берилиб, суғоришни шарбат билан ўтказиш тавсия этилади.

2. Тўла туплаган, ривожли яхши, ғалла ниҳоллари ер юзасини тўла қоплаган майдонларга карбамид азотли ўғити билан суспензия сепишни ташкил этиш лозим.

3. Ғаллачиликдаги энг муҳим агротехник тадбирларидан бири, бу – ғалла майдонларида баҳорда навбатдаги иккинчи озиклантиришни азотли ўғитлар билан амалга ошириш ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, азотли ўғитлар йиллик меъёрининг 40 фоизини, яъни физик ҳолда аммиакли селитра ҳисобида гектарига 300-320 кг. меъёрда озиклантиришни 30 январдан бошлаб 15 февралга қадар якунлаш.

4. Феврал ойи охири, март ойи бошидан ғалла майдонларида суғориш ишларини бошлаш ва тупроқнинг 35-40 см. қатламини намланишини таъминлаш ғалланинг илдиз тизими жойлашган тупроқ қатламини юмшашига олиб келади. Суғорилган ғалла майдонларида ўсимликлар илдизи яхши ривожланади. Ғалланинг ўсиш ва ривожланиши жадаллашади.

5. Ғалла экилган ҳар гектар майдонга 5 тоннадан маҳаллий ўғит жамғариш, ғалла майдонларида ҳосил чуқурларининг қовланишини ташкил этиш ва маҳаллий ўғитлар билан тўлдириш ҳамда суғориш ишларини шарбат усулида ўтказиш тавсия қилинади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида

1. Ғалла ниҳоллари ривождан орқада қолган 1-2, 3-4 та баргли ғалла майдонларга гектарига 100 кг. меъёрда азотли минерал ўғитлар билан озиклантиришни ҳамда суғориш ишларини кўллатмасдан шарбат усулида амалга ошириш лозим.

Ушбу майдонларга тўла туплагунга қадар биостимуляторлардан Геогумат, Узгуми, Гумимакс, Байкал-М каби кимёвий воситалар билан 1-мартга ҳамда тўла туплагандан кейин эса карбамид азотли ўғити билан суспензия сепишни ташкил этиш лозим.

2. Ғалла ниҳоллари тўла туплаган майдонларга карбамид ўғитидан гектарига 100 кг. дан, агар аммиакли селитра ёки сульфат аммоний ўғитидан бериладиган бўлса, гектарига 150 кг. дан берилиб, суғоришни шарбат билан ўтказиш тавсия этилади.

3. Тўла туплаган, ривожли яхши, ғалла ниҳоллари ер юзасини тўла қоплаган майдонларга карбамид азотли ўғити билан суспензия сепишни ташкил этиш лозим.

4. Айрим сабабларга кўра, экиш олдида фосфорли ва калийли ўғитлар билан озиклантирилмаган ёки кеч экилган майдонларга соф ҳолда 60-70 кг. дан фосфорли ва 60 кг. дан калийли ўғитларни солиш тавсия этилади. Бунда аммофос бериладиган бўлса, физик ҳолда 200 кг/га, оддий суперфосфат бериладиган бўлса, 500 кг/га бўлишини таъминлаш лозим.

5. Ғаллачиликдаги энг муҳим агротехник тадбирларидан бири, бу – ғалла майдонларида навбатдаги иккинчи озиклантиришни баҳорда азотли ўғитлар билан амалга ошириш ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, азотли ўғитлар йиллик меъёрининг 40 фоизини, яъни физик ҳолда аммиакли селитра ҳисобидан гектарига 300-320 кг. меъёрда озиклантиришни 20 февралдан бошлаб 1 мартга қадар якунлаш.

Ушбу ишлар амалга оширилганда:

Биринчидан: об-ҳаво камёғин, қуруқ ва илиқ келганда ғаллани суғориш ғалла ривожини тезлаштиради.

Иккинчидан: шу кунларда берилган сув ғалланинг ниҳоллари жойлашган тупроқ қатламидаги ишқорли муҳитни ўзгартиради. Чучук сув илдиз жойлашган тупроқдаги шўрни ювиши ҳисобига ғалланинг илдиз системаси яхши ривожланади ва туплаш жараёнини тезлаштириб, март ойининг ўрталарига 3-4 тадан туп ҳосил қилишини таъминлайди.

Учинчидан: ғалла экилган майдонлар тупроқ қатламидаги намлик 35-40 см. дан пастроққа тушади. Натижада ғалланинг қурқоқчиликка чидамлилиги ортиб, апрел ва май ойларидаги қурқоқчилик ҳамда сув танқислиги вақтида ҳам ғалла ҳосили камайишининг олдини олади.

Тўртинчидан: май ойларида ҳаво ҳароратининг бирдан кўтарилиб, +35-40°C ли иссиқ бўлганда ҳам, ғалла майдонларидаги тупроқнинг 35-40 см. чуқурлигида намликнинг сақланиши, ўсимликларнинг минерал озиклантирилиши, суспензия билан ишлов берилиши натижа-сида ғаллани муддатидан олдин пишиши, яъни дон тўлиқ бўлишини таъминлайди ва бошоқнинг пуч бўлиб қолиши ёки ингичка дон ҳамда зирабош бошоқлар пайдо бўлишининг олди олинади.

Бешинчидан: кузги бошоқли дон экинлари кеч экилган, ривождан орқада қолган ғалла майдонларида об-ҳаво шароитини инобатга олиб, имконият даражасида гектарига 100 кг. дан азотли ўғитлар билан озиклантириб, суғориш ишлари сифатли амалга оширилса, ўсимлик генератив органларининг шаклланишига, тупланиш жараёнига, ўсимлик тупланиш бўғинининг бақувват бўлишига таъсир қилиб, ниҳолларнинг қишга, совуққа чидамлилигини оширади.

Ғалла етиштириш кластер усулида ташкил этилган туманларда бугунги кундаги об-ҳаво шароитларини инобатга олиб, кластер хўжаликлари раҳбарлари ғалла майдонларида ниҳолларнинг ривожланишини доимий назорат қилиб бориши учун кузатувчилар гуруҳини шакллантириб, ҳар 2-3 кунда кузатув натижалари таҳлилларини амалга ошириши лозим.

Шунингдек, ғаллазорлардаги бегона ўтларга, касаллик ва зараркунандаларга қарши кимёвий курашни ташкил этишга зарур бўлган кимёвий воситалар захирасини ва уларни кўллашга зарур бўлган ОВХ-05 штангали пуркагичларни тўла таъмирдан чиқариш.

Юқоридаги берилган тавсияларнинг об-ҳаво шароитларини ҳисобга олган ҳолда бажарилиши юзасидан барча тумандаги 4 та сектор раҳбарларига ҳамда тегишли соҳа раҳбарларига кўрсатмалар берилиши 2021 йилда ғалланинг ҳар 1 гектари ҳисобидан 70-80 центнер ва ундан ортиқ ҳосил олинишига замин яратади.

Равшанбек СИДДИҚОВ,
ДДЭИТИ директори, қ.х.ф.д., РФА академиги,
Н.ЮСУПОВ, И.АДАШЕВ,
таънч докторантлар.



МАШИНАЛАРНИ ТАЪМИРГА ТАЙЁРЛАШ

Маълумки, қиш мавсумида транспорт тракторларидан ташқари ҳамма техника воситалари ишдан бўшаган бўлади. Аммо бу зинҳор механизаторлар ва муҳандис-техник ходимларга иш йўқ, дегани эмас. Қиш мавсуми улар учун қизғин иш мавсумидир.



Кластерлар ва фермер хўжаликларининг трактор ва қишлоқ хўжалиги машиналарини таъмирлаш устахоналарига олиб келиш, уларни ювиб-тозалаш, қисмларга ажратиш, дефектовкалаш ва носозларини таъмирга топшириш айна кунларда бажарилиши лозим бўлган юмушлардир.

Тракторнинг двигатели, картер, ёнилғи, мой ва гидравлика насослари, редукторлар, узатмалар қутиси, гидрокўтаргич каби суюқлик солинадиган узеллари керосин ёки махсус эритмаларнинг бири билан ювилади. Эритмалар таркиби: 1 литр сувга 100-150 грамм кальцийнацлаштирилган сода; 1 литр сувга хлорид кислотанинг 5 фоизли эритмасидан 100 грамм; 1 литр сувга 75-80 грамм каустик сода ва 25 грамм керосин.

Тракторни таъмирлашга топширишдан олдин унинг электр жиҳозлари, ёнилғи насоси ва форсункалари, вентилятор тасмалари ечиб олинадилар ва омборга топширилади.

Занглаган, куйган ёки резъбаси деформацияланган бирикмаларни бўшатишда торец калитлар ишлатилади. Куч ишлатиш тўғри келадиган кўзгалмас бирикмалар олдин мойланади, кейин пресслар ёрдамида қисмларга ажратилади.

Втулкалар ва валларни жойидан чиқаришда уларни шикастламаслик мақсадида отбойник ва тишли чиқаргичлар қўлланилади.

Узел ва деталлардаги нуқсонларни аниқлаш (дефектовка). Бу тадбирни ўтказишдан асосий мақсад, таъмирлашни талаб қилмайдиган (соз), таъмирталаб (носоз) ва бутунлай яроқсиз (брак) детал ва узелларни аниқлашдир.

Дефектовкада носоиз деталларнинг қуйидаги техник ҳолатлари ҳисобга олиниши зарур:

- биринчи ҳолат – деталларнинг яроқсизлиги назоратловчи механикнинг кўзига яққол ташланиб туради. Масалан, батамом ейилган ёки синган лемехлар, культиватор ёки ўтўргич пичоқлари, ғалла ва пахта сеялкаларининг сошниклари,

шпинделлар ва комбайн сегментлари янгиларига алмаштирилади ёки қайта тиклашга берилади ёхуд ҳисобдан чиқарилади;

- иккинчи ҳолат – қисм ва агрегатларнинг яроқсизлиги билиниб турса-да, уни қайси детал келтириб чиқаргани номаълумлигича қолади. Масалан, двигателнинг тақиллаб ишлаши (поршен ҳалқалари ёки вкладишлар носоз), илашиш муфтасининг шатаксираши (дисклар ейилган ёки пружиналар синган), редуктор корпусининг қизигани (подшипниклар синган ёки валлардан бири эгилган), ёнилғининг белгиланган меъёрдан кўп сарфланиши (форсункалар ёки насос бузилган);

- учинчи ҳолат – деталлар батамом яроқсиз эмас, яъни улар қолдиқ ресурсга эга. Аммо муҳандислар олдида бу ресурс муайян агротехник мавсумни (масалан, шудгор ёки ўрими) бажаришга етадими ёки уни оширишнинг технологик чораларини кўриш керакми, деган муаммо пайдо бўлади.

Охириги икки ҳолатда носоз машина ва агрегатларни техник диагностикалаш талаб этилади.

Дефектовка натижалари билан керакли эҳтиёт қисмлар ва таъмирлаш материалларининг турлари ва миқдорлари аниқланади, кластерлар, туман "Агросервис МТП" устахоналари ёки махсус корхоналарда тикланиши зарур бўлган носоз узел ва деталлар рўйхати тузилади. Уларнинг бир қисми цехда ясалади ёки сотиб олинади.

Машинани диагностикалаш. Бунда қисмларнинг созлиги ва ишга яроқчилилик даражаси текширилади; қисм ва узелларнинг техник ҳолатлари баҳоланади; мукамал ёки жорий таъмирлаш зарур бўлган объектлар аниқланади.

Диагностика жараёнида машинанинг техник ҳолатини баҳоловчи параметрлар (қисмларнинг тебранишлар ва шовқин даражаси, мой босими ва бошқ.) текширилади. Масалан, бир вақтда двигатель теб-

ранишининг ортиши ва мой босимининг камайиши тирсақли вал подшипниклари ейилганини кўрсатади. Тажрибали механизатор ва механиклар қисмларга «соз» ёки «носоз», «яроқли» ёки «яроқсиз» баҳосини беришда диагностик аломатлардан кенг фойдаланади. Чунончи, двигателдан қора тутун чиқаётган бўлса, форсункалар ва ёнилғи насоси текширилади. Илашиш муфтасининг шатаксираши, узатмалар қутиси, орқа кўприк ва подшипниклар корпусларининг қизиши, айланаётган деталлардан чиқаётган бегона шовқинларга қараб улардаги носозликлар аниқланади.

Дефектовкалаш ишлари кўчма КИ-13905М, КИ-13925 ва стационар КИ-13940, КИ-13950 русумли диагностика қурилмалари воситасида адо этилади. Ҳар бир МТП да бундай қурилмаларнинг бўлиши шарт. Чунки «АХОС-340», «АПИОН-630С», «Магнум-7240», ВТ-150, Т-402 ҳайдов ва ТТЗ-60.10, ТТЗ-80.10 транспорт тракторлари, «Доминатор-130», «Кейс-2166» ғалла комбайнлари ҳамда МХ-1,8 ва «Кейс-2022» пахта териш машиналари каби мураккаб машиналар ва уларнинг таркибий қисмлари техник ҳолатини текшириш, носозликларни қидириш, деталларнинг қолдиқ ресурсларини баҳолаш ва таъмир (мукамал-ресурсли ёки жорий-эксплуатацион) турини аниқлаш тадбирларини фақатгина диагностика усули ёрдамида бажариш мумкин. Машиналар тўғри диагностикаланганда соз қисмларни асоссиз равишда носозга чиқариш, аксинча, носозларни соз деб топиш, ресурси бор деталларни янгиларига беҳуда алмаштириш, энг муҳими, эҳтиёт қисмларни кўплаб сотиб олиш ва ортиқча маблағ сарфлашга чек қўйилади.

Шундай қилиб, техника воситалари таъмирга пухта тайёрланса, устахоналарга махсус далолатномалар асосида топширилса, таъмирлаш ишларида сифат ва фаолат таъминланади.

Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ,
т.ф.д. (ҚХМИТИ).

СУВ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ

2020 йил 25 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигида “Сув хўжалиги соҳасида давлат-хусусий шериклик тамойилларини жорий этиш” мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Тадбирда вазирлик мутасаддилари, соҳа мутахассислари ва олимлар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.



Анжуманда таъкидландики, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сонли Фармони билан тасдиқланган сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясида давлат-хусусий шериклик (ДХШ) тамойиллари асосида 2020 йилда 5 та, 2025 йилгача 25 та ва 2030 йилгача 50 та лойиҳаларни амалга ошириш вазифаси белгиланган.

Давлат-хусусий шериклик механизмида дунёнинг барча ривожланган мамлакатларида иқтисодийнинг кўплаб соҳаларида кенг фойдаланилади. Сув хўжалигида давлат-хусусий шерикликни жорий этишда Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари пешқадам ҳисобланади.

Давлат билан хусусий бизнес ҳамкорлиги механизми кўпгина афзалликларга эга бўлиб, ҳар қандай давлат учун стратегик аҳамиятга эга лойиҳаларни самарали амалга оширишнинг кучли қуроли саналади. Аввало, давлат ва хусусий бизнес шериклиги ўзида бюджет орқали молиялаштиришнинг муқобил шаклини намоён қилади. Давлат билан хусусий бизнес ҳамкорлиги тарзидаги хўжалик юритиш ишлари мамлакат иқтисодий секторига қўшимча манбаларни жалб қилиш имконини беради.

Худди шу аснода, тегишли шартнома орқали пайдо бўладиган ўзаро муносабат орқали хўжалик юритувчи субъектлар – давлат билан хусусий сектор ўртасидаги ресурс ва салоҳият бирлашади. Бу жараёндаги энг муҳим жиҳат шундан иборатки, давлат мулкидан фойдаланиш самарадорлиги сезиларли даражада ошади.

Фармонда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, сув хўжалиги соҳасида давлат-хусусий шериклик ва аутсорсинг-ни жорий этиш, алоҳида сув хўжалиги объектларини фермер, кластер ва бошқа ташкилотларга фойдаланиш учун бериш, тежалган маблағларни сув хўжалиги об-

ектларини модернизация қилиш ҳамда ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантиришга йўналтириш билан боғлиқ чора-тадбирлар амалга ошириляпти.

Айни пайтда вазирлик томонидан 2020-2021 йиллар давомида ДХШ қоидалари ва тартиб-таомиллари асосида амалга ошириш юзасидан 24 та лойиҳа шакллантирилган. Шундан 10 таси кластер тизимида фаолият юритиб келаётган хўжаликлар билан амалга оширилади. Улардан 5 таси якунланди, қолган 5 таси 2021 йилда якунига етказилади. Шунингдек, 2021 йилда 9 та лойиҳани бошқа юридик шахслар билан ва 1 та лойиҳани хорижий ҳамкорлар билан амалга ошириш режалаштирилган.

ДХШ бўйича дастлабки лойиҳалар аллақачон самарасини бера бошлади. Хусусан, 2020 йил июнь ойида Сирдарё мелиоратив экспедицияси билан “Сирдарё мелиоратив қурилиш” масъулияти чекланган жамияти ўртасида имзоланган қиймати 9 млрд. сўмлик ДХШ битими бўйича ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун 1,5 млрд. сўмлик воситалар келтирилган.

Бетон заводи, бетон қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳамда техникаларни таъмирлашни йўлга қўйиш натижасида 50 та иш ўрни яратиш кўзда тутилган.

Шунингдек, 27 октябрь куни Чирчиқ-Оҳангарон ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига қарашли “Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ тумани ирригация ва мелиорация объектларини “ТСТ AGRO CLUSTER” масъулияти чекланган жамиятига ДХШ асосида бошқарувга бериш” лойиҳаси бўйича битим имзоланди, ушбу лойиҳа бўйича барча ташкилий тадбирлар амалга оширилди.

Бир қатор лойиҳалар юзасидан ишлар давом эттирилмоқда. Мисол учун, Самарқанд вилояти Нарпай тумани ирригация ва мелиорация объектлари ҳамда насос

станцияларини, Тошкент вилояти насос станциялари ва энергетика бошқармаси таркибидаги “Хондайлик”, “Сойлик-1”, “Сойлик-2” насос станцияларини ДХШ асосида бошқарувга бериш бўйича лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилляпти.

Фарғона вилояти Ёзёвон тумани “Толқудуққум” насос станциясини ДХШ асосида бошқарувга бериш лойиҳаси бўйича концепция тасдиқланган ва техник-иқтисодий ҳисоб-китоб ишлаб чиқилган ҳамда молиявий хулоса олиш учун Молия вазирлигига тақдим қилинган.

Республикамиз сув хўжалиги соҳасида давлат-хусусий шерикликни жорий этиш юзасидан хорижий давлатларнинг етакчи компаниялари билан ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда. Бунга Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги билан Янги Зеландиянинг “Sustainable Energy Services International” компанияси ўртасида насос станцияларини бошқаришда давлат-хусусий шерикликни жорий этиш тўғрисида англашув меморандуми имзоланганини айтиб ўтиш мумкин. Мазкур меморандум доирасида сув хўжалиги тизимида бир нечта насос станцияларини давлат-хусусий шериклик қоидалари асосида бошқариш билан боғлиқ аниқ вазифалар белгилаб олинган.

Бир сўз билан айтганда, сув хўжалиги соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг татбиқ этилиши иқтисодий, ижтимоий ва инфратузилмавий вазифаларни ҳал этиш учун хусусий инвестицияларни жалб этиш, илғор бошқарув тажрибасини жорий этишга хизмат қилмоқда.

Матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари вакиллари мавзу юзасидан ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар.

**Сув хўжалиги вазирлиги
Матбуот хизмати.**

МАҲОРАТ ДАРСИГА АЙЛАНГАН АНЖУМАН

Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2020 йилнинг 11 декабрь куни имзоланган “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарор умуман сув танқислигини юмшатиш, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда оби-ҳаёт тақчиллиги сабаб юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда ҳолатларга тайёр туриш бу соҳада амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.



Сир эмас, юртимизда сув етишмовчилиги йилдан-йилга яққол кўзга ташланмоқда. Буни битта факт – сув ресурслари 2020 йилда аввалги йилдагига нисбатан 15 фоиз камайгани ҳам тасдиқлайди. Шундай шароитда сув танқислиги муаммосини ҳал этиш кўп жиҳатдан барча экинзорларга сув тежамкор замонавий технологияларни жорий этишга боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Декабрь ойининг ўрталарида Жиззах вилоятининг Шароф Рашидов туманида томчилатиб суғориш технологияларини жорий этишга бағишланган йирик анжуман ташкил этилди. Семинарда вилоятдаги пахтачилик туманларининг ҳокимлари, уларнинг қишлоқ ва сув хўжалигига масъул ўринбосарлари, қишлоқ ва сув хўжалиги идораларининг раҳбар ва мутахассислари, агрокластерлар, фермер хўжаликлари раҳбарлари, банк-молия, электр таъминоти тизимлари, ОАВ вакиллари таклиф этилди.



Даставвал тадбир иштирокчиларига 2020 йилда вилоятда салкам 10 минг гектардаги экинлар ёмғирлатиш, пульсар, юмшоқ қувурлар ёрдамида суғориш каби инновацион технологиялар ёрдамида парваришлангани ҳақида маълум

мот берилди. Шу жумладан, 4 минг 972 гектар майдондаги ғўзалар томчилатиб суғориш усулида суғорилгани, бунинг натижасида эса, вегетация даврида 27 миллион метр-куб сув, 40 фоиз минерал ўғит, 35 фоиз ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари, механизация харажатлари иқтисод қилингани, энг муҳими, ушбу майдонларда ҳосилдорлик ўртача 10-15 центнерга кўпайгани таъкидлаб ўтилди.

– Бу борада, айниқса, Шароф Рашидов туманида қўлга киритилган натижалар таҳсинга лойиқ, – деди вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Ойбек Ашурматов. – Ушбу туманда 4 минг 300 гектар майдондаги ғўза томчилатиб суғориш усулида парваришланиб, бу майдонларнинг ҳар гектаридан ўтган йиллардагига қараганда 10-15 центнер ортиқ ҳосил олинди. Шунинг учун ҳам биз бугун аграр соҳага алоқадор кўпчилик мутахассислар, фермерларни бу ерга тўплаганмиз.

– Оби-ҳаётни иқтисод қилиш, ердан олинадиган ҳосил чўғини ошириш, бу билан озиқ-овқат хавфсизлигини кафолатлаш, юртдошларимиз дастурхони файзи-баракасини таъминлашдан барчамиз манфаатдормиз, – дея қўшимча қилди Шароф Рашидов тумани ҳокими Маҳмуд Холбўтаев. – Туманимиз дала меҳнаткашлари 2020 йилда томчилатиб суғориш борасида анчамунча тажриба тўплашга муваффақ бўлишди. Улар ана шу тажрибаси билан ўртоқлашишга, бу усулнинг ўзига хос “сирлари”ни “очишга” тайёр...

Айтиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг номи юқорида келтирилган қарори билан 2021 йилда Жиззах вилояти ҳудудларида ҳаммаси бўлиб 41500 гектар майдонга суғоришнинг илғор усуллари

жорий этиш белгилаб қўйилди. Жумладан, 27,7 минг гектар майдондаги пахта ана шу илғор инновацион усуллардан бири – томчилатишни қўллаган ҳолда етиштирилади. Сув билан таъминланиши мураккаб бўлган Арнасой ва Зафаробод туманларида 5 минг, Зарбдор ва Пахтакор туманларида 4 минг гектардан



ортиқ, Дўстлик туманида 3500, Шароф Рашидов туманида 3066 ва, ниҳоят, Мирзачўл туманида 2724 гектар майдонда томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш кўзда тутилган.

Албатта, ушбу факт ва рақамларни ҳақиқатга айлантиришнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун катта маблағ, жуда кўп махсус техника ва технология, энг муҳими, дала меҳнаткашлари ва соҳа мутахассисларининг бир ёқадан бош чиқариб ҳамкорлик қилишлари талаб этилади. Шу маънодан олиб қараганда, ортда қолган қишлоқ хўжалиги йилида томчилатиб суғориш борасида Шароф Рашидов туманида эришилган натижалар бутун Жиззах воҳаси дала меҳнаткашлари учун ўзига хос “маҳорат дарси” бўлиб қолиши шубҳасиз.

Худойберди КАРИМОВ,
ўз мухбиримиз.

Суратларда: Ш.Рашидов туманида бўлиб ўтган семинардан олинган лавҳалар.

АГРАР СОҶА УЧУН ЕТУК КАДРЛАР ЕТИШТИРУВЧИ МАКОН

Мамлакатимизда ва Ўрта Осиё минтақасида қишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича энг нуфузли ва етакчи олий ўқув юртиларидан бири бўлган Тошкент давлат аграр университети юксак малакали мутахассислар тайёрлашда ўзига хос ўринга эга.

Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги институти Ўрта Осиё давлат университети Қишлоқ хўжалиги факультети негизида 1930 йил 26 майда мустақил барпо этилган. Кейинчалик унинг номи Тошкент қишлоқ хўжалиги институти деб ўзгартирилган. 1991 йилдан бошлаб институтга аграр университет мақоми берилган.

Университетнинг тараққиёт йўли мамлакатимиз тарихи, қишлоқ хўжалиги, иқтисодиёти, маданияти ва олий таълими ривожини билан узвий боғлиқ. Бугун биз университет тараққиётига ўз билимлари ва тажрибалари билан катта ҳисса қўшган устозларимиз А.Биссеров, М.Байбеков, И.Сучак, Х.Камилов, Г.Бабаджанов, А.Мирзаев, Г.Ибрагимов, А.Имамалиев, З.Саиднасинова, Х.Мирзалиева Э.Шайхов, К.Раҳмонбердиев, А.Абдуллаев, М.Баҳодиров каби жонкуяр инсонлар номини ҳурмат билан тилга оламиз. Уларнинг жонкуярлиги, фидойилиги туфайли университет кичик бир институтдан Ўрта Осиёнинг йирик ўқув ва илмий марказига айланди.

Ҳозирги кунда В.Зуев, Х.Бўриев, Ҳ.Кимсанбоев, Ш.Нурматов, А.Қадирходжаев, Ҳ.Шералиев, Х.Атабаева, И.Белоплипов, И.Турапов, Б.Хасанов, Х.Шаумаров, С.Собиров, А.Қаюмов, С.Ғуломов, Р.Дусмуратовлар университет ҳаётида фаол қатнашиб келмоқдалар.

Республикаимиз мустақилликка эришгандан сўнг университет жамоаси асосий эътиборини олий аграр таълим тизимини ислоҳ этишга қаратди. Унинг тараққиёт босқичи пиллапояларида янги қадамлар

ташланди. Янги иқтисодий фикрлаш ва чуқур касбий билимларни эгаллаш учун барча шароитлар яратилди.

Сўнгги йилларда Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан қишлоқ хўжалигига жуда катта эътибор қаратилиб, соҳани ривожлантириш бўйича бир қатор фармон ва қарорлар имзоланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги “Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 8 майдаги “Тошкент давлат аграр университетида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 19 августдаги “Тошкент давлат аграр университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2020 йил 30 июлдаги “Аграр таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари мамлакатимизда аграр соҳанинг ривожланиши учун дастуруламал ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда университет ва АҚШ, Германия, Италия, Австрия, Нидерландия, Япония, Туркия, Хитой, Жанубий Корея, Хиндистон, Вьетнам, Болгария, Беларусь, Латвия, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Туркменистон, Қирғизистон ҳамда Тожикистоннинг 90 дан ортиқ етакчи олий ва илмий-тадқиқот муассасалари ўртасида ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Улар билан профессор-ўқитувчилар ва талабалар алмашинуви, илмий-тадқиқот, малака ошириш йўналишлари бўйича бир қатор ишлар йўлга қўйилган.

Сўнгги уч йилда тузилган ҳамкорлик шартномаларига асосан Россия, Польша, Жанубий Корея, Хитой, АҚШ, Германия каби давлатларнинг 80 нафардан ортиқ



етақчи мутахассислари иштирокида 150 дан ортиқ мавзуларда вебинар дарс машғулоти ва мастер-класслар ўтказилди.

Шунингдек, ўқув жараёнига Германия, Жанубий Корея, Россия, Қозоғистон давлатларидан 15 нафар хорижий мутахассис жалб этилди. Хорижий олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорликда 7 та ўқув адабиёти чоп этилди.

Университетнинг 215 нафар педагог-ҳодими ва илмий-тадқиқотчиси хорижий мамлакатларда ташкил этилган малака ошириш, стажировка ўташ, семинар ва конференцияларда иштирок этди. Шундан 12 нафари “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали К.Тимирязев номидаги Россия давлат аграр университети, Латвия табиий фанлар ва технологиялар университети, Қозон давлат аграр университетида малака ошириш курсларида иштирок этди.

Университетнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида Жанубий Кореянинг KOICA ташкилоти томонидан 0,5 гектар майдонда замонавий Гидропоник иссиқхона ташкил этилди, Германиянинг GIZ ташкилоти томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш, сенсорик баҳолаш бўйича 4 та замонавий ўқув лаборатория, АҚШнинг USAID ташкилоти томонидан Ахборот-маслаҳат маркази ҳудудида мева-сабзавотларни сақлаш бўйича 20 тонналик замонавий совуткич омбори, БМТнинг қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти ФАО ташкилоти томонидан 2 та қишлоқ хўжалиги экинларини экиш сеялқалари, 1 гектар майдонда замонавий интенсив боғ ташкил этилди, Япониянинг JICA ташкилоти томонидан ўсимликларни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш бўйича пуркагич аппарати олиб келинди.

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида 2019 йилда маҳаллий ва хорижий инвесторларнинг университетнинг ўқув жараёнига тўғридан-тўғри инвестицияларини жалб этиш ҳисобига





амалга оширилиши режалаштирилган қиймати 3 млн. 985 минг АҚШ долларига тенг 7 та лойиҳа бўйича режалаштирилган ишлар ўз муддатида амалга оширилиб келинмоқда.

Ҳозирги кунда университетда АҚШ, Германия, Россия, Польша давлатларининг 7 та олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик шартномаларига асосан 7 та бакалаврият таълим йўналишлари ҳамда 6 та магистратура мутахассисликлари бўйича қўшма таълим дастурлари жорий этилган.

Бундан ташқари, ҳар ўқув йилида университет ва унинг филиалларидан 100 нафардан ортиқ талабалар Германия, Хитой, Жанубий Корея, Россиянинг етакчи ишлаб чиқариш корхоналари, илмий ва олий таълим муассасаларида ишлаб чиқариш амалиётларини ўтаб келишмоқда.

Университет олимлари томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари алоҳида эътиборга молик бўлиб, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасининг ривожланиши ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигининг таъминланишида муҳим аҳамият касб этади. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига экиш учун тавсия этилган кўплаб янги навлар қишлоқ хўжалиги экинлари давлат реестрига киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июлдаги қарорига асосан университет ва унинг филиалларида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб 25 та бакалаврият таълим йўналишлари ҳамда 33 та магистратура мутахассисликлари бўйича ўқув жараёни таълимнинг кредит-модуль тизими асосида олиб борилмоқда.

Талабаларнинг малакавий амалиётларини етакчи корхона, ташкилот ва қишлоқ хўжалиги кластерларида сифатли ўтказилишини таъминлаш мақсадида Қишлоқ хўжалиги вазири билан келишилган ҳолда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кластерлар рўйхати шакллантирилиб, университетдаги 23 та мутахассислик кафедралар томонидан 136 та ҳамкорлик шартномаси тузилди.

Профессор-ўқитувчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш ҳамда илмий-тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш мақсадида давлат хусусий-шериклик шартлари асосида “AgroVibroClone”, “Аквакультура” “AgroFRUIT” кичик инновацион корхоналари ташкил этилди. Бунинг натижасида 50 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилнинг 1-3 июнь кунлари Тошкент вилоятига ташрифи давомида берган топшириқларига асосан университет ҳузурида “Ўза уруғчилиги маркази” фаолияти йўлга қўйилди. Ҳозирда замонавий лабораториялар билан жиҳозланган марказда 25 хил навдаги ўза янги усулда тажрибадан ўтказилмоқда. 27 гектарга сабзавот, дуккакли экинлар ҳамда емхашак экинларини бирламчи уруғчилиги ташкил этилди. Ушбу марказдаги илмий-тадқиқот ишларини янада такомиллаштириш мақсадида “Агроинновация” давлат унитар корхонаси билан бирлаштирилиб, “Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар Миллий маркази”га айлантирилди. Бу эса ишлаб чиқариш, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари ўртасида интеграцияни таъминлаш, соҳага янги илмий ва инновацион ютуқларни жорий этиш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасида фан, таълим ва ишлаб чиқаришда инновацияларни жорий этиш бўйича маълумотлар базасини шакллантириш каби янгиликларни таъминлашда кўл келади.

Шунингдек, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда хорижий инвестицияларни жалб этиш мақсадида университет томонидан Эрасмус+ дастури доирасида эълон қилинган 2020-2023 йилларга мўлжалланган қиймати 1,74 млн. Еврога тенг “AgroDev – Ўзбекистонда юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотларни ишлаб чиқариш” ҳамда “BioEcUz – Ўзбекистонда биоиктисодиётни ривожлантириш” лойиҳалари ютиб олинди.

Юқорида қайд этилганлардан кўриниб турибдики, университет ташкил этилган даврдан бошлаб бугунги кунга қадар шарафли йул босиб ўтди ва ўзининг 90-йиллик юбилейини муносиб совғалар билан кутиб олмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 декабрдаги “Аграр таълим тизимининг 2030 йилгача инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори эса аграр таълим тизимидаги муассасалар фаолиятини янада такомиллаштиришга ҳамда халқаро рейтингда муносиб ўрин эгаллашига хизмат қилади. 90 йиллик фаолияти давомида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги учун турли йўналишдаги малакали кадрларни етиштирувчи маконга айланган университетимиз жамоаси ҳам мазкур қарор талабларини бажариш бўйича вазифаларни белгилаб олди.

Мазкур қарор университетимизнинг келгуси фаолияти учун дастуруламал бўлиб хизмат қилади, албатта.

Ботир СУЛАЙМОНОВ,
ТошДАУ ректори, академик.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

— Университетда 1990-2000 йилларда илмий даражага эга бўлган ўқитувчилар улуши 56,4% ни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб, бу кўрсаткич 66,2% га етди.

— Республикаимизда ишлаб чиқилган олий таълим муассасалари самарадорлигини баҳолаш рейтингига кўра, университет 2017 йилда 11 ўринни, 2018 йилда 6 ўринни, 2019 йилда эса 5 ўринни эгаллаган.

— 1974 йилдан 1979 йилгача институт аёллар терма жамоаси собиқ иттифоқнинг 102 та қишлоқ хўжалиги университетлари орасида баскетбол бўйича чемпион бўлган. Ушбу анъанавий мусобақаларда бокс жамоаси 1977 йилда фахрли III ўринни, волейбол жамоаси 1978 йилда II ўринни эгаллаган.

— 2004 йил Самарқанд шаҳрида ўтказилган “Универсиада-2004” мусобақаларида Университет жамоаси спортнинг 12 тури бўйича иштирок этиб 5 та олтин, 26 та кумуш ҳамда бронза медалларни кўлга киритган ва фахрли I ўринни эгаллаган.

— Университет профессор-ўқитувчилари томонидан сўнгги уч йилда хорижий тажрибалар асосида 200 дан ортиқ ўқув адабиётлари яратилган.

— 2020/2021 ўқув йилида қабул кўрсаткичлари ўтган ўқув йилига нисбатан 1,6 баробарга ортган.

— Профессор-ўқитувчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш ҳамда илмий-тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш мақсадида давлат хусусий-шериклик шартлари асосида “AgroVibroClone”, “Аквакультура” “AgroFRUIT” кичик инновацион корхоналари ташкил этилган. Бунинг натижасида 50 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилган.

— Университетда 2020 йилнинг шу даврига қадар 45 нафар (12 та DSc, 33 та PhD) профессор-ўқитувчилар докторлик диссертацияларини ҳимоя қилишган.



ЯНГИ ЎҚУВ ДАРГОҲИДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКЛАР



Ушбу қарорга асосан, аграр соҳа ва тармоқлари учун кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш, юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида ташкил этилаётган университет Самарқанд филиалига Оқдарё туманининг Даҳбед кўрғонидаги собиқ Самарқанд агроиқтисодиёт касб-хунар коллежи бинолари оператив бошқарув ҳуқуқи асосида берилди.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг 2020 йил 11 ноябрдаги 7-сонли баёни қарорига мувофиқ, 2020/2021 ўқув йилида Тошкент давлат аграр университетининг Самарқанд филиали 16 та бакалавриатура таълим йўналишлари ва 11 та магистратура мутахассисликлари бўйича давлат буюртмаси асосида ўқишга қабул қилиш параметрлари тасдиқланди.

Қарорга асосан, филиалда мавжуд бакалаврият таълим йўналишларига республиканинг бошқа таълим муассасаларига ҳужжат топширган абитуриентлар баллар кетма-кетлигида Давлат тест маркази томонидан сараланиб, талабалikka тавсия этилди.

Ушбу талабалikka тавсия этилганлардан 80 нафари давлат гранти, 232 нафари тўлов-шартнома асосида, жами 312 нафар талаба ўқишга қабул қилинди. Магистратура мутахассисликларига жами 62 нафар, шундан 39 нафари давлат гранти ҳамда 23 нафари тўлов-шартнома асосида қабул қилинди.

Филиалда Агробиология, Агробизнес ва логистика факультетларида 6 та кафедра мавжуд бўлиб, мазкур кафедраларда 50 нафар малакали педагог кадрлар талабаларга билим беради. Шулардан 2 нафари



хорижда фаолият кўрсатаётган ватандошларимиз бўлиб, илмий салоҳиятли педагоглар сифатида магистрларга халқаро тажрибалар асосида таълим беришади.

Филиалда талабаларнинг амалиётини ташкил этиш, нуфузли ишлаб чиқариш корхоналари билан алоқалар ўрнатиш мақсадида германиялик ҳамкорлар билан Талабалар халқаро алмашинуви (student international exchange) маркази фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Филиал жамоаси ТДИУ Самарқанд филиали билан ҳамкорликда 2 та лойиҳани биргаликда амалга оширмоқда. Жумладан, ЎЗР Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан эълон қилинган Ўзбекистон-Ҳиндистон қўшма илмий-техник лойиҳалар танловида Дургапурдаги Марказий Механик муҳандислик тадқиқот институти билан биргаликда “Ўсимликлар химояси ва автоматик суғориш тизимига асосланган тупроқлар мониторингда илғор рақамли технологиялардан фойдаланиш” лойиҳаси, шунингдек, Эрасмус + дастури доирасида ЕИнинг Латвия, Польша, Швеция ОТМлари билан ҳамкорликда AgroDEV “Сифатли қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини барқарор ишлаб чиқариш соҳасини қўллаб-қувватлашда олий таълим таркибини ривожлантириш” лойиҳасини бажаришга киришди. Ушбу лойиҳалар 2021-2023 йиллар давомида республикамизнинг аграр

Президентимизнинг 2019 йил 19 августдаги “Тошкент давлат аграр университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан университетнинг Самарқанд филиалини ташкил этиш белгиланган эди. Жорий йилнинг 16 сентябрь куни эса Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент давлат аграр университетининг Самарқанд филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

тармоқ корхоналари талабига асосан ўқув дастурлари ЕИ стандартлари асосида қайта кўриб чиқилади ва ривожлантирилади.

Яқинда ТошДАУ Самарқанд филиали ҳамда Cambridge Assessment Englishнинг Ўзбекистондаги имтиҳонлар маркази билан ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

– Филиалимиз дунёдаги кўплаб нуфузли олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда, – деди филиал директори, иқтисодиёт фанлари доктори Шавкат Ҳасанов. – Innovative Centre маркази билан ҳамкорлик меморандуми тузишимиздан мақсад профессор-ўқитувчиларимизнинг инглиз тили билимларини ошириш, шунингдек, инглиз тилида дарс бера оладиган профессор-ўқитувчилар салмоғини кўпайтириш ҳисобланади.

Маълумот учун Кембриждаги Assessment English дунёдаги энг нуфузли университетлардан бири бўлган Кембриж университетининг бир қисми ҳисобланади ва мамлакатимизда қатор ташкилотлар ҳамда таълим муассасалари билан ҳамкорликда фаолият юритади. Бутун дунё бўйича ҳар йили 5,5 миллиондан ортиқ одамлар мазкур ташкилот томонидан яратилган IELTS ва CEFR имтиҳонларини топширади.

Шунингдек, мазкур марказ вакиллари Самарқандда ҳам бевосита фаолият юритиб, талабаларга инглиз тилидан дарс беради, ўқитувчиларга эса инглиз тилида халқаро стандартларга асосан дарс беришда методик ёрдам кўрсатади.

Ҳамкорлик меморандумига кўра, энди филиал ўқитувчилари инглиз тилида дарс беришга ўқитилади. Келажақда хорижлик талабалар ҳам филиалга жалб этилади. Бу дунёдаги топ мингталикка кириш сари дадил қадамдир.

Улуғбек МАМАЖОНОВ,
ТошДАУ Самарқанд филиали талабаси.

Қуйи Чирчиқ тумани “Қуёнчилик ва наслчилик агрокомплекс” МЧЖ жамоаси

Мамлакатимиз ривожига
муносиб ҳисса қўшаётган
деҳқону фермерларимизни, кўп
миллионли халқимизни Янги
йил билан самимий қутлайди!
Оилаларига бахт-саодат,
тинчлик-хотиржамлик тилайди.



ЯНГИ ТИЗИМ КЕНГ ИМКОНИЯТДИР

Ўзбекистон номидан сифатли ва харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда хорижга экспорт қилиш бугунги кунда кластер тузилмаларининг асосий мақсадига айланди. Маълумки, дунёдаги илғор давлатлар иқтисодийнинг 50 фоизи кластер услубига ўтган. Дания, Финландия, Норвегия, Швеция саноати тўла кластер тизимида иш олиб боради. Ўзбекистон шароитида агрокластерларни ривожлантириш энг тўғри йўл деб талқин қилинди. Кластер инглизча “cluster” сўзидан олинган бўлиб, тўплам, шингил, уя деган маъноларни беради. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг таклифи билан 2018 йилдан кластер тизими жорий қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 декабрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан Хоразм вилояти Боғот туманида “Perfekt Logistics” МЧЖ негизда мева-сабзавотчилик ва узумчилик агрокластери ташкил этилган эди. Кластер таркибига туман бўйича жами 1204 гектар ер майдони билан 179 та фермер хўжалиги бириктирилди.



Чапдан: Нодира Матякубова, Гулзода Отажоновалар иссиқхонада бодринг ҳосилини териб олмоқдалар.

Туманнинг Бешариқ қишлоғи Ашхобод маҳалласида иш бошлаган бу янги корхона қишлоқ аҳли учун катта янгилик бўлди. Корхона асосчиси Муҳаммаджон Абдураимов республикада танилган иқтисодчи, шу қатори қишлоқ хўжалиги соҳасини жуда яхши билганлиги боисидан пухта режа

билан иш олиб боришни хуш кўрди. МЧЖ раҳбари қилиб тайинланган Ҳамдам Худойназаров ёш бўлса ҳам эл назарига тушган йигит. У ҳам иқтисодчи, тежамкорлик ва пухталиқ борасида устозларидан қолишмайди.

2017 йилда Қишлоққурилишбанк томонидан 0 қийматда 7,5 гектар ерга жойлашган эски нарқолоғия диспансери биноси, 2 млн. 500 долларлик сармоя киритиш шarti билан қабул қилиб олинди. Дастлабки киритилган сармоя Ипотекабанк томонидан (6 фоиз эвазига) 1 млн. 90 минг долларга замонавий гидропоника усулидаги иссиқхона қурилишига сарфланди. Кейингиси яна Ипотекабанк ҳисобидан (6 фоизлик) 940 минг долларга 1 минг 600 тонна сигимли совутгич қурилди.

Саноатқурилишбанк томонидан 1 млн. 423 минг 860 долларга (6,5 фоиз) мева ва сабзавотларни қуритиш цехи қурилди. 2 млн. долларлик сармоя киритилгач, иншоот тўла расмийлаштирилиб, МЧЖ ҳисобига берилди. Шундай қилиб, янги корхонага ишчилар жалб қилина бошланди. Дастлаб цехларга керакли замонавий техника ва дастгоҳлар ўрнатилиб, жиҳозлар билан таъминланди. Ишга қабул қи-

Мева-сабзавотларни қуритиш цехида техник ишчи Одилбек Эгамбердиев ва технолог Эркинбой Аvezовлар.



Юк ташувчилар Собиржон Юсупов, Бобиржон Худойназаровлар узум маҳсулотини совутгичга жойламоқдалар.

линган ёшларга иш ўргатиш, цехларда ишчанликнинг муайян шароитини яратиш учун

ҳамкорлар олиб келиниб, иш ўргатилди. Мева ва сабзавотлар қабул қилиш бўлимига келтирилгач, навбати билан сараловчи бўлимига, кейин қуритиш бўлимига, ниҳоят ўраш ва қадоқлаш бўлимига ўтади. Шундан кейин совутгичларга бир текис қилиб жойлаштирилади.

МЧЖнинг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича етакчи мутахассиси Умрбек Болтаев ҳамроҳли-

гида корхонада олиб борилаётган ишлар билан танишдик.



Ҳамшира Лобар Хударганова фаолиятдан ишчилар мамнун.

– Корхонамизда асосан 52 нафар ишчи-ходим меҳнат қилса-да, мавсумда уларнинг сони 150-200 нафардан ошади,



– дейди Умрбек. – Туманда ғалладан бўшаган майдонларга экилган такрорий экинлар ҳам пешма-пеш олиб келиниб, қайта ишланиб, экспортга ҳозирлаб қўйилди.



Корхона раҳбари Ҳамдам Худойназаров хитойлик ҳамкор билан суҳбат пайтида.

70 тонна қизил сабзи, 130 тонна қизил лавлаги, 5,5 тонна мош маҳсулотлари қайта ишланиб, аксарият қисми экспорт қилинган, қолгани омборхона ва совутгичларда сақланмоқда. Асосан, Россия, Қозоғистон давлатларига 1 млн. долларлик тайёр қадоқланган сифатли маҳсулот экспорт қилинди. 170 минг доллар қийматидаги маҳсулотлар четга экспорт қилиш учун омборхона ва совутгичларга сақлаб қўйилган.

Иссиқхонада иш эса қизғин. Худди баҳорни эслатиб, кўм-кўк бўлиб яшнаб, тепага буй чўзган бодринг палакларини оралаб, челақ ва саватларларини кўтарганича ҳосилни йиғиб олаётган ишчилар ўз ишларидан хурсанд. Бу ерда етиштирилаётган бодринг маҳсулоти ички бозорни таъминламоқда.

– Ҳафтасига камида 10 тонна бодринг сотилмоқда, – дейди корхона бош ҳисобчиси Равшанбек Искандаров.

Тузилган контрактация шартномаларига асосан кластер томонидан 2020 йил ҳосилдан 16300 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид қилиниб, уларни қайта ишлаш, совутгичларда сақлаб экспортга йўналтириш орқали 4 млн. АҚШ доллари миқдоридagi валюта тушумига эга бўлиш режалаштирилган.

2020 йил баҳори қаттиқ қийинчиликлар билан бошланди. Айни пандемия пайти, карантин қоидалари кучайтирилган кунларда 8 апрелдан 9 апрелга ўтар кечаси об-ҳаво кескин совиши оқи-

ишланмоқда. Сурхондарё вилоятидан 60 тонна хурмо, 180 тонна карам маҳсулоти харид қилинди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, кластер тизимида иш олиб бораётган бу корхонанинг келажаги бор. Ўрам қилинаётган маҳсулотлардан изн сўраб татиб кўрдик. Жуда ширин ва тотли, шу билан бирга, чиройли шаклларда майда қирқим қилинган. “Бу маҳсулотларни фақат чет элга эмас, ўзимизда ҳам болажонларимиз учун кичик-кичик ўрамча қилиб, ўзига хос номлаб сотувга чиқарилса бўлмасмикан?” деган савол тугилади. Негаки, болажонларимиз ичига арзимаган ўйинчоқлар солинган чипс, кукуруз деган бефойда, кони зарар маҳсулотлардан кўра ўзимизнинг “ширин қовунча”, “мазза хурмо”, “сим-сим лавлаги” деб номланган, витамин ва оқсилларга бой маҳсулотлардан тановул қилганлари маъқул, деган ўйга келдик.

батида очик дала-лардаги 70 гектар ер майдонига экилган кўчатлар совуқ уриши оқибатида нобуд бўлди. Кейинги 12-20 апрелгача экилган ҳосилдан аранг 60 тонна булғор қалампери ҳосили олинди.

8 гектарга тажриба тариқасида экилган порей пиёздан 55 тонна, 1 гектарга экилган бақлажондан 10 тонна, 24 гектар ерга экилган ошқовоқдан 62 тонна ҳосил олинди. Имзоланган шартномаларга кўра, фермерлардан 38 тонна олма, 480 тонна узум, 450 тонна қовун маҳсулотлари сотиб олиниб, қайта



Бош мутахассис Умрбек Болтаев келгуси ишларини режалаштирмоқда.

Майли, буни вақт кўрсатади. Янги йил арафасида эзгу ишларга қўл уриб, ҳаётларида янги саҳифа яратаётган боғотлик замондошларимизга омад, саломатлик, узоқ умр, фидойилик ва самимийлик тилаб қоламиз. Янги йилингиз меҳр-оқибатга,

шон-шарафга тўла бўлсин, азиз элдошларим!

Шукржон ЖАББАРОВА,
ўз мухбиримиз.

САМАРҚАНДДА ГЕРМАНИЯ ДВИГАТЕЛ ВА НАСОСЛАРИ



Вилоят ҳудудидаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси балансида 94 та насос станцияси мавжуд бўлиб, уларда 376 та двигател ва насос ўрнатилган. Йиллик сарфланадиган электр энергия истеъмоли 191 миллион кВт ёки 85 миллиард сўмни ташкил этади.

Вилоят молия бошқармасида ўтказилган матбуот анжуманида қайд этилишича, бюджет маблағларидан оқилонга фойдаланиш ҳамда иқтисод қилиш мақсадида 2021 йил тажриба сифатида, Самарқанд туманида жойлашган “Гулистон-1” ва “Гулистон-2”

насос станцияларида Германиянинг “Grundfos Pompa San” компанияси билан ҳамкорликда 271,1 минг еврога электр тежамкор 2 та насос станцияси ўрнатилади.

Ушбу насос станциялари учун кейинги 2 йилда 7,2 миллион кВт ёки 3 миллиард 248 миллион сўмлик электр энергияси сарфланган. “Grundfos Pompa San” компанияси томонидан ўрнатилиши кўзда тутилаётган двигател ва насослар электр энергияси сарфини камида 50 фоизга камайтиради. Бу бир йилда ўртача 812 миллион сўм маблағ иқтисод қилинади, дегани.



Мелиорация тадбирларининг сифатли бажарилиши тупроқда экинларни етиштириш учун қулай бўлган сув ва ҳаво, ҳарорат ва озиқ режимини, атмосферанинг ер юзасига яқин қатламида ҳавонинг ҳарорати ҳамда ҳаракатини ўзгартириш имконини беради. Натижада, янги ерлар ўзлаштирилиб, экин майдонлари кенгайди, ернинг унумдорлиги ортиб, ҳосилдорлик ошади, маҳсулот сифати яхшиланади. Шу боис, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш қишлоқ хўжалиги соҳасидаги энг долзарб масалалардан биридир. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда сизот сувлари сатҳини пасайтириш, ерларнинг шўрланиш даражасини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар кўлами йил сайин кенгайтирилмоқда.

МЕЛИОРАЦИЯ – МЎЛ ҲОСИЛГАРОВИ

Қашқадарё вилоятининг аксар туманларида ҳам турли даражада шўрланган ерлар бўлиб, бу ҳол тупроқ унумдорлиги, экинлар ҳосилдорлигига доимо хавф солиб туради. Демак, қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва сифатли маҳсулот етиштириш учун бу ҳолат ўзига хос агротехникани талаб этади. Шу мақсадда вилоятда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сизот сувлари сатҳини пасайтириш масаласига устувор аҳамият берилиб, тизимли чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

– Вилоятимизда 2020 йилда мелиорация соҳасида 30 та лойиҳа бўйича қуввати 906,6 км. масофада коллекторларни қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда тизимли таъмирлаш-тиклаш бўйича ишлар амалга оширилиши режалаштирилган эди. Ҳозирги кунга келиб, 11 та лойиҳа асосида қуввати 118,74 км. масофада мелиоратив объектларни қуриш ва реконструкция қилиш ишлари бажарилган бўлса, яна 19 та лойиҳа асосида қуввати 787,84 километрлик, мелиоратив объектларда тизимли таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилади. Мазкур мелиоратив объектларни қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда тизимли таъмирлаш-тиклашнинг бажарилиши натижасида туманлардаги жами 24044 гектар экин ерларида ерости сизот сувлари сатҳи пасайишига ҳамда мелиоратив ҳолати яхшиланишига эришилиши мақсад қилинган. Пировард натижада қишлоқ хўжалиги экинларидан олинadиган ҳосилдорлик: пахтадан 2-3 центнерга, ғалладан 3-5 центнерга ошиши кутилмоқда, – дейди “Аму-Қашқадарё” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси хузуридаги мелиоратив экспедицияси бошлиғи вазифасини бажарувчи Азизали Қурбонов. – Вилоятдаги мелиорация ва ирригация иншоотларини қуриш, қайта қуриш ва таъмирлаш ишларига замонавий хориж техникалари билан таъминланган пудрат ташкилотларининг 26 та машина-механизмлари, жумладан, 19 та экскаватор, 5 та бульдозер ва 2 та ёпиқ-ётиқ дренажларни ювиш агрегати жалб этилди. Шулардан “Нишонмахсуссувқурилиш” масъулияти чекланган жамияти томонидан жорий йилда Нишон туманидаги “Оқ олтин”, “Қашқадарё суви” ва “Баҳор” СИУлари ҳудудидаги коллекторларни тизимли таъмирлаш-тиклаш объектининг 47,4 км. коллекторларини тизимли таъмирлаш-тиклаш ва 10,1 км. узунликдаги ёпиқ-

ётиқ дренаж тармоқларини ювиш ҳамда 15 та гидротехник иншоотларда таъмирлаш ишлари олиб борилди. Натижада 1705 гектар экин майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшиланиши кутилмоқда. Бу каби лойиҳаларни амалга оширишда корхонадаги 6 та экскаватор, 4 та бульдозер, техник ёрдам кўрсатиш автомашиналари ва шу каби қатор замонавий техникаларнинг жалб этилиши ирригация ва мелиорация тадбирларини сифатли бажариш имконини берди. Шунингдек, вилоятдаги йирик лойиҳаларни амалга оширишда яна бир пудратчи ташкилот “Гидротехника ирригация” ишлаб чиқариш корхонасининг ҳам улуши катта бўлди. Мазкур корхона томонидан Нишон ва Миришкор туманларида 2020 йилги Давлат дастури асосида 3 та тизимли таъмирлаш-тиклаш лойиҳалари бўйича қуввати 109,2 км. ишлар амалга оширилди. Мазкур мелиоратив тадбирларга пудрат ташкилотининг 16 та машина-механизмлари, жумладан, 12 та экскаватор, 4 та бульдозер ва 1 та ёпиқ-ётиқ дренажларни ювиш агрегатлари жалб этилди. Таъкидлаш керакки, тизимга замонавий техникаларнинг жалб этилиши ирригация ва мелиорация тадбирларини сифатли бажариш ва ерости сув сатҳини пасайтиришда кенг имконият яратди.

Албатта, қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни ошириш ер ресурслари ва уларнинг бугунги кундаги ҳолатига бевосита боғлиқ. Шу боис, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган бундай изчил тадбирларнинг амалга оширилиши вилоятда қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш, пировардида аҳоли фаровонлигини янада оширишда муҳим омил бўлиб ҳизмат қилади. Зеро, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиши ҳосилдорликни ошириш баробарида ҳудуд иқтисоди юксалишига ҳам ҳизмат қилади.

Шухрат НОРМУРОДОВ,
ўз мухбиримиз.

Суратда: (чапдан) “Аму-Қашқадарё” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси хузуридаги мелиоратив экспедицияси бошлиғи ўринбосари **А.Маҳматмуродов**, мутахассис **З.Пўлатов**, “Нишонмахсуссувқурилиш” МЧЖ раҳбари **У.Равшанов** ва корхона иш юритувчиси **Ж.Равшановлар**.

КЛАСТЕР — ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИСТИҚБОЛИ

Халқаро тажрибадан маълумки, кластер усули айна бир ҳудудда саноатни, қишлоқ хўжалигини муайян ривожлантириш учун бири-бирини тўлдирувчи субъектларнинг корпоратив ҳамкорлигидир. Унда хўжалик юритувчи субъектлар бир-бирининг маҳсулотидан хомашё сифатида фойдаланиб, ички ва ташқи бозорда рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўядилар. Шу орқали ҳудуд меҳнат бозорига мувозанат барқарорлашиб, аҳоли фаровонлиги ошади.



Бухоро вилояти Когон туманидаги “Bahor Chance textile” масъулияти чекланган жамияти пахта-тўқимачилик кластерида ҳам бугунги кунда босқичма-босқич замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари паркини яратиш, соҳада механизация даражасини ошириш, етиштирилган ҳосилни чуқур қайта ишлашни йўлга қўйиш ва шу орқали саноат ва хизмат кўрсатиш тармоқларида янги иш ўринлари яратиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур пахта-тўқимачилик кластерида экин майдонларида чигит экиш ишлари хорижий давлатлардан келтирилган замонавий пневматик чигит экиш сеялкаларида амалга оширилмоқда. Шунингдек, пахта экилган экин майдонларининг суғорилиши қийин бўлган жойларда замонавий томчилатиб суғориш технологияларини жорий этган ҳолда суғориш ишлари амалга оширилиб, гектаридан 40-50 центнердан пахта етиштиришга эришилмоқда.

— Корхонамиз Швейцариядан келтирилган ип йигирув дастгоҳлари билан жиҳозланган, — дейди “Bahor Chance textile” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ўктам Ғафуров — Ушбу технологик линиялар ёрдамида йилига 2800 тоннагача калава ип тайёрлаш мумкин. Шунга қарамай, келгусида янги лойиҳаларни амалга ошириш орқали, калава ип ишлаб чиқариш йиллик қувватимизни янада оширишни мақсад қилганмиз. Айна кунларда экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан бирга, 40 дона замонавий тикув машинасига эга тикув фабрикаси ва пайпоқ ишлаб чиқариш цехимиз ишлаб турибди. Жамиятимизда умумий 640 нафар ишчи ўрни яратилган.

Энг эътирофлиси, суғориш тизимида ўзига хос машаққатли меҳнат талаб этадиган Когон туманида соҳага тежамкор технологияларни қўллаш зарурати доимо мавжуд бўлган. Шу боис пахта-тўқимачилик кластерида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, пахтачиликда сув тежовчи технологияларни жорий

қилиш борасида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 декабрдаги “Пахта хом ашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан пахта тўқимачилик кластери томонидан 160 гектар майдонда томчилатиб суғориш тизимлари жорий этилди. Натижада суғориш учун сув сарфи 40-50 фоизга, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари 30-35 фоизга камайиб, меҳнат унумдорлигини 20-25 фоизга оширишга эришилди.

— Бу технологиянинг устувор жиҳати кўп экан, аввало, сув иқтисод қилиниб, тупроқда намнинг сақланиш даражаси меъёрида бўларкан ва жўяқда бегона ўтлар бўлмас экан. Асосийси, мавсум давомида экинга бериладиган минерал ўғитлар тежаларкан, техника харажатлари қисқарар экан. Шуларни ҳисобга олиб, келгуси йил яна 1000 гектар экин майдонларимизга томчилатиб суғориш технологиясини жорий этмоқчимиз, — дейди МЧЖ раҳбари ўринбосари Муродилла Назаров.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунга келиб, вилоятнинг аҳоли зич жойлашган, пахтачилик етакчи тармоқ ҳисобланган туманида кластер усули фермер хўжаликлари билан қайта ишловчи корхоналарнинг узвий боғлиқлигини таъминлаб, пахта хомашёсини чуқур қайта ишлаш, қишлоқларга саноатнинг жадал кириб бориши, пировардида тайёр экспортбоп маҳсулотлар ҳажминини ошириш, янги иш ўринларини яратиш каби ижтимоий-иқтисодий омилларга эгаллиги билан аҳамиятли бўлмоқда.

Ўз мухбиримиз.

Суратларда: “Bahor Chance textile” МЧЖ раҳбари **Ў.Ғафуров**, раҳбар ўринбосари **М.Назаров**, цех бошлиғи **И.Рўзиев**.



ЭЗГУ МАҚСАД САРИ

Президентимизнинг ер ҳолатига эътибор бериб, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳақидаги қатор фармонларидан сўнг деҳқонларимиз ерга алоҳида эътибор қаратиб озиклантириш, ирригация ва мелиорация ишларига астойдил бел боғладилар. Натижада ўлкамизда ҳосилдорликни йил сайин ўсиб бориши кузатилмоқда. Фарғоналикларнинг йиллар ўтгани сайин юқори ҳосилдорликка эришиб бораётганликлари ҳам фикримизга яққол мисол бўла олади.



Суратда: "Хайрулло, Баҳром Бойматов" фермер хўжалиги раҳбари Исақжон Бойматов.

– Туманимиз экин майдонларининг асосий қисмини чўл ва дашт ҳудудлари ташкил қилади, – дейди Олтиариқ туман қишлоқ хўжалиги бўлими бош мутахассиси Умиджон Бозоров. – Гарчи қиш фаслининг остонасида бўлишимизга қарамай, 2021 йилда экин майдонларимиздан мўл ҳосил олиш учун керакли тадбирларни бошлаб юборганмиз. Биринчи навбатда ғаллани маҳаллий ўғит билан озиклантирдик. Экин майдонлари атрофидаги ҳар хил ўт-ўланлардан тозаланиб, ариқ-зовурлар фойдаланиш учун шай ҳолатга келтирилмоқда, пахта экиладиган майдонларда агротехник тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирда туманимизда фаолият юритаётган 547 нафар фермер хўжаликларидан 87 нафари кўп тармоқли хўжалик сифатида фаолият юритиш билан бирга дала маданиятига ҳам қатъий риоя қилган ҳолда меҳнат қилишмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тўғридан-тўғри экспорт қилишда имкониятнинг берилиши хўжаликларимизнинг такрорий экинлардан ҳам юқори ҳосил олиш учун бўлган иштиёқларини янада оширди. Ушбу мақсадда 50 000 тонна узум, 60 000 тонна полиз ва сабзавот маҳсулотларини йиғиб олдик ва экспорт қилиш ишларини бошлаб юбордик. Туманимиздаги 70 000 тонна сизимли музлатгичларга 10 000-11 000 тонна узум ва кўп миқдордаги мева ва сабзавотларни захира учун сақлашга қўйдик. 2019 йилда Президентимизнинг туманимизга ташрифи туман аҳолиси ҳаётида муҳим бурилиш ясади. Сабаби у кишитуманимиз экин майдонларидан 3000 гектарини узумзорларга айлантиришни таклиф қилди. Туман ҳокимлиги ва фермер хўжаликлари биргаликда 2020-2021 йиллар давомида ушбу майдонларни тўлиқ узумзорларга айлантириш учун астойдил ҳаракат қилишмоқда. Туманимизда биринчилардан бўлиб кластер тизимида иш бошлаган "Хайрулло, Баҳром Бойматов" хўжалигининг иш фаолияти билан танишсак, – деб катта йўл четида жойлашган дала шийпони сари бошлади.

Биз хўжалик раҳбари Исақжон Бойматов билан кўришиб, биргаликда экин майдонларини кўздан кечирав эканмиз, у хўжаликнинг ташкил топиши ҳақида шундай деди:

– 1998 йил отам 2 гектар боғдорчилик хўжалиги ташкил қилдилар. 2003 йил хўжалигимиз 6,5 гектарга кенгайди. Шу йили отам хўжалик бошқарувини менга ишониб топширдилар. Мана, тинимсиз қилган меҳнатимиз натижасида экин майдонимиз 2007 йил 40 гектарга, 2009 йил 87 гектарга, 2016 йил 185 гектарга кенгайди. Ўтган 2020 йилда 70 гектар майдонга узумнинг "Мерс", "Шоҳоний", "Ҳусайни" каби бир неча экспортбоп навларини эдик. 115 гектар майдонда эса пахта-ғалла етиштириш режалаштирилган. Бизнинг экин майдонларимиз Олтиариқнинг чўл ҳудудлари бўлганлиги учун бу ерлардан юқори ҳосил олиш машаққатли меҳнатни талаб қилади. Шунинг учун деҳқоннинг қаноти бўлган замонавий қишлоқ хўжалик техникаларини доимо шай ҳолда сақлаймиз. Илғор механизаторларимиз Мирзарахим Бойматов, Ёдгорали Йўлдошевлар ўз билимларини ёш механизаторларга ўргатишса, катта сувчиларимиз Азимжон Турсунов, Хайрулло Бойматовлар ерга яхоб сувини қандай бериш ва кўчатларни қондириб суғориш сир-асрорларини ёш сувчиларга ўргатишади.

«Хайрулло, Баҳром Бойматов» хўжалиги қисқа вақт оралиғида туманнинг энг илғор кўп тармоқли хўжаликларидан бирига айланиб улгурди. Ҳозирда хўжалик таркибида насли қорамолчилик, қўйчилик, асаларичилик ва совуқхона каби тармоқлар мавжуд. Биз хўжалик раҳбаридан ушбу тармоқларнинг шаклланиши ҳақида сўрадик.

– 4 ўғил, 3 қизни вояга етказган онажонимиз Розияхон Бойматовнинг маслаҳатлари билан давлатимиздан 50 млн. сўм имтиёзли кредит олиб, чорвачилик йўналишини ташкил қилдик. Хонадонимизда бўлган 5-6 бош қорамол ва 10-15 бош қўйларимизнинг наслини яхшилаб, уларни кўпайтириш ва яна сотиб олишга ҳаракат қилдик. 90 бош насли қорамолни имтиёзли кредит асосида Германия давлатидан келтирдик, 150 бош насли Ҳисори қўйларини парваришляпмиз. Малакали чўпонимиз Дилмуроджон Исақов ўз ишининг усталаридан саналади. Дала шийпонимиз атрофида 50 та қутида асалари уяларини ўрнатдик. Натижада, ишчиларимиз асалдай тансиқ таомдан баҳраманд бўлишмоқда. Узумнинг 10-15 хил навини парвариш қиламиз. Авваллари айни пишиқчилик пайтида ҳосилни қаерга, кимга сотишни билмай қолардик. Натижада, ё увол бўларди, ё арзон-гаровга сотишга мажбур бўлардик. Давлатимиз яратган имтиёздан фойдаланиб, 50 млн. сўм имтиёзли кредит олиб, Хитой-Германия технологияси асосида ишлайдиган совутгични ишга туширдик. Натижада, 300 тонна боғдорчилик ва полиз маҳсулотларини сақлаш имкониятига эга бўлдик. Жорий йил узум қатор орасига такрорий экинлар экиш ҳисобидан 250 тонна сабзи, 100 тоннадан зиёд картошка, қизил лавлаги ва 150 тонна узумни захирада сақлаш учун совуқхоналарга жойлаштирдик.

Биз Исақжондан хўжалик ишчиларининг моддий манфаатдорлиги ҳақида сўрадик.

– Хўжалигимизда 120 нафар қишлоғимиз ёшлари доимий меҳнат қилишади. Уларнинг кўпчилиги узоқ йиллардан буён биз билан бирга. Ишчиларимиз ҳар ой ўртача 2-3 млн. сўм атрофида маош олишади. Мавсумда эса бир кунда ўртача 500 нафар қишлоқ аҳолиси меҳнат қилишади ва улар 50 000-100 000 сўмдан кунлик меҳнат ҳақи олишади. Биз ҳам малакали мутахассисларни кўйиб юборгимиз келмайди. Бунинг учун ҳар бир ишчининг моддий ва оилавий аҳволдан хабардор бўлиб тураемиз. Топган даромадимиз ҳисобидан кам таъминланган ишчиларимизга ва қишлоқ фуқароларига ҳомийлик маблағлари ажратамиз. Бундан ташқари, ҳар йили Фарғона шаҳридаги Меҳрибонлик уйига ўртача 50 млн. сўмдан ажратамиз.

Исақжон билан хайрлашар эканмиз, оддий деҳқон фарзандининг пешона тери билан шундай ютуқларга эришаётганига, улкан мақсадлар сари интилаётганига ҳавас қилдик.

Каримжон ЭРГАШЕВ,
ўз мухбиримиз.



ЭЛ СУЙГАН АВАЗБЕК

Кейинги йилларда барча соҳаларда мен хизмат сафарлари асносида Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида кўп бўлганман. Водий аҳлининг бунёдкорлиги ва янгиликка интилувчанлиги сабаб бу вилоятлар яқин йиллар ичида таниббўлмас даражада ўзгариб улгурди. Яқинда Андижон вилоятининг Улуғнор туманига бордим. Улуғнор юз фоиз чўл ҳудудини ўз ичига қамраб олган туман. Зах сув сатҳи юқорилиги сабаб шўрланиш даражаси ҳам бошқа туманларга қараганда анчагина юқори.



**“Андижон бройлер”
кўп тармоқли фермер
хўжалиги раҳбари
Авазбек Жамолiddинов**

Бундан ўн йилча муқаддам туманга борганимизда бу ердаги шароитни кўриб, шундай “қуш учса қаноти, одам юрса оёғи қуя-диган” ерларда меҳнат қилаётган захматкаш деҳқонларга офаринлар айтиб қайтган эдик. Бу сафар Балиқчи туманидан чиқиб, Улуғнор туманига кириб борар эканмиз, ўзгача бир шуқух, ўзгача бир файз бизни қамраб олди. Қисқа вақт оралигида шунчалар ҳам ўзгариш мумкинми?! Бир пайтлар 20-30 км/соат тезликда зўрға юрса бўладиган йўллар бир текисга келибди. Йўл четлари озода, дарахтлар оқланган. Янги-янги маиший ва намунали уйлар, корхоналар... Кўриб кўзингиз қувонади. Туман маркази республикаимизнинг манаман деган шаҳарлардан қолишмайдиган ҳолатга келибди. Ўтган 2020 йил Мустақиллигимизнинг 29 йиллиги муносабати билан бир қатор мукофотланганлар орасида “Андижон бройлер” кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари Авазбек Жамолiddинов ҳам “Дўстлик” ордени билан тақдирлади.

– Кейинги йиллар давомида давлатимиз яратган имкониятлардан унумли фойдаланиш мақсадида хўжаликлар раҳбарлари кўшимча хўжаликларни ташкил этиш юзасидан ўз лойиҳаларини тақдим қилишмоқда. Натижада, қорамоллар, паррандалар бош сони йилдан-йилга ортиб борапти, етиштирилган балиқ маҳсулотларининг тури ва маҳсулдорлиги ошиб бориши кузатиляпти, – деб гап бошлади Авазбек биз билан суҳбатда. – Ҳозирги кунда 620 гектар экин майдонида меҳнат қилиб келяпмиз. Ўтган 2020 йил 110 гектар майдонга ғалланинг “Краснодар” навини экиб, ҳар гектаридан 55 центнердан ҳосил кўтаришга эришган бўлсак, 192 гектар майдонга пахтанинг “Андижон-35” навини экиб, ҳар гектардан 35 центнердан “оқ олтин” олиб, туманимизнинг илгор хўжаликлари сафидаги ўрнимизни янада мустаҳкамлашга эришдик. Бизнинг экин майдонларимизда сув танқислиги кузатилади. Ғўза кўчатлари амалга келган давр сув топиш оғирлашади. Шунинг учун жорий йил 30 гектар майдон учун томчилаб суғориш дастохини харид қилдик. Бу келгуси йил пахта ҳосилдорлигининг янада юқори бўлишидан дарак.

Барчамизга маълумки, ғалла ва пахта ҳосили вақт талаб қилади. Ҳосил тайёр бўлиб, қабул пунктларига топширилганидан сўнггина хўжалик ҳисобига маблағ келиб тушади. Қолган вақт оралигида фермер ер учун маблағ сарфлашга мажбур. Агротехник тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилмаслиги ҳосилдорликни кескин камайиб кетишига олиб келади. Шунинг учун хўжаликнинг молиявий қўллаб-қувватловчи объекти бўлиш зарур. Бу борада ҳукуматимиз раҳбарлари хўжаликлар учун барча шароитларни яратиб беришган. Бу имкониятлардан оқилона фойдаланган фермерлар юз фоиз муваффақиятга эришади. 2016 йил 2400 бош бройлер жўжаларини харид қилиб, ишчиларим билан астойдил парваришлашга киришдик. “Интилганга толе ёр” деганларидай, иш олға силжиб, хўжаликка даромад кела бошлади. Натижада, “Андижон бройлер” хўжалиги алоҳида хўжалик сифатида ўз фаолиятини бошлади. 1017 йилда 850000 бош паррандани парваришлаб, халқимиз дастурхонига соф парранда гўшти етказиб беришга муваффақ бўлдик. Шу йили 100 тонна сигимга эга бўлган совутгич қуриб, ишга туширдик. 45 сотихга иссиқхона қуриб,

лимон, қалампир, булғор қалампери, помидор ва бодринг етиштиришни йўлга қўйдик. Паррандалар учун қушхона қуриб, ишга туширишимиз натижасида даромадимиз янада ортиб борди. Паррандани бежиз етти хазинанинг бири, дейишмаган. Шу соҳани йўлга қўйганимиз сабаб 80 дан ортиқ қишлоқ ёшлари доимий иш жойига эга бўлишди. Бу эса шунча ёш чет давлатларда сарсон-саргардон бўлмасдан, ўз оиласи бағрида меҳнат қилиш имконига эга бўлди дегани эмасми? Ҳозирги кунда йилига бир миллион дона бройлер парваришлаймиз ва халқимиз дастурхонига икки миллион тоннадан зиёд товۇқ гўшти етказиб берамиз. Бунинг учун 96 гектар майдонда озуқа-ем маҳсулотлари етиштирамиз. Қушхонамиз йил бўйи мунтазам фаолият олиб боради. 100 тонна сигимга эга бўлган совутгичимиз маҳсулотни сифатли сақлашимизга ёрдам беради. Бундан ташқари, Германия давлатидан 400 бош гольштин зотли насли ғунажинлар олиб келиб парваришляпмиз. Маълум қисми кўпайиб улгурди. Қунига ўртача 3,5 тонна сут соғиб олиб, Наманган шаҳрида жойлашган “Нестле” корхонасига шартнома асосида етказиб берапмиз. Маълумки, парранда учун ҳам, чорва учун ҳам буғдой маҳсулоти зарур. Шунинг учун туманимиз фермер хўжаликлари ерларига техник ишлов бериш, ёқилғи етказиб бериш ва ўғит билан таъминлаш хизматини йўлга қўйганмиз. Бунинг эвазига улар бизга маблағ беришмайди, бозор нархида буғдой беришади. Натижада, улар ўз вақтида ерларига сифатли ишлов берилади, биз эса етарли миқдорда озуқа ғамлашга эришамиз. Хўжалигимизда 370 нафардан зиёд қишлоқ ёшлари меҳнат қилишади. Хўжалик ҳисобидан қунига икки маҳал иссиқ овқат берилади. Ҳозирда бир ишчининг маоши оиласининг қозони қайнашини таъминламаса, у бошқа жойдан иш қидиришга мажбур бўлади. Ишчиларимиз бажарган ишига қараб бир ойда ўртача 2 млн. сўмдан 8 млн. сўмгача маош олишади. Уларнинг оилавий шароити билан танишиб борамиз. Тўй ёки маъракаларда, албатта, йўқлаб, моддий ёрдам беришга ҳаракат қилиб борамиз.

“Андижон бройлер”чиларнинг келгуси режалари янада улкан, яқин кунларда озуқа-ем цехи ишга тушиш арафасида. Бу цехнинг афзаллиги шундаки, унда товۇқ ва балиқлар учун озуқа тайёрланади. Натижада яна 26 нафар қишлоқ ёшлари доимий иш билан таъминланишади. Авазбекнинг фаолияти билан танишиб қайтар эканман, шу қишлоқлик шофёр йигитни гапга тутдим.

– Э-э, ака, Авазбек акани ҳамма ҳурмат қилади. Қишлоғимизда тўйми, маъраками доим хабардор бўлиб турадилар. Ободончилик, мактаб-боғчаларни таъмирлаш, кам таъминланганлар ҳолидан хабар олишни ҳам қанда қилмайдилар.

Ҳа, “Элни суйсанг, эл суяди” деб бежиз айтишмаган.

Ўз мухбиримиз.



ДАВЛАТ ТИЛИГА ЭЪТИБОР ЮКСАК МАЪНАВИЯТДИР

Истиқлол учун кураш миллий тилимизнинг қадрини тиклашдан бошланиб, “Давлат тили тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши мустақиллигимиз йўлидаги биринчи қадам бўлганди. Чунки, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган 1989 йил ҳали шўролар тузуми ҳукмрон эди. Бу қонуннинг қабул қилиниши эса маърифий-маънавий қийматидан ташқари шундай ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этдики, тилимизнинг қадри, миллатимизнинг қайта тикланишида муҳим омиллардан бири бўлди.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг 1992 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг “Давлат суверенитети” номли I боб 4-моддасида ўзбек тилимиз мавқеига кўра давлатимиз мустақиллиги, миллатимиз рамзларидан бирига тенглаштирилиб, давлат тили сифатида белгилаб кўйилгани она тилимизнинг жамиятимиздаги нуфузини ёрқин ва тўлиқ ифодалаб турибди.

Йиллар ўтган сайин ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузини мустақамлаш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилди, албатта. Масалан, ўзбек тилида кўплаб бадийий, илмий ва ўқув адабиётлари, босма матбуот нашрлари чоп этилиши, шунингдек, ташкилот, корхона ва муассасаларда иш юритишнинг ўзбек тилида олиб борилиши, илмий-техникавий, ижтимоий-сиёсий терминологиянинг яратилиши ва жорий этилиши ўзбек тилининг ривожланиши ва такомиллашувига, ижтимоий вазифасининг кенгайишига олиб келди. Лекин, очиғини айтиш жоиз, давлат тилига бўлган муносабат, бу ҳусусдаги қонун ва қонуности ҳужжатлари ҳаётга тўлиқ татбиқ этилмади, давлат тилига муносабат бир қадар сусайди.

Шу боис, кейинги йилларда ўзбек тилининг давлат тили сифатида мавқеи ва ҳуқуқий-меъёрий базасини мустақамлаш борасида аниқ тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони муҳим тарихий ҳужжатдир. Унда белгиланган вазифалар доирасида Вазирлар Маҳкамасида Давлат тилини ривожлантириш департаменти, Атамалар комиссияси, Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди, 1 та қонун, Ҳукуматнинг 8 та қарори қабул қилинди ва уларнинг ижроси анча жадаллашди. Масалан, беш жилдли янги таҳрирдаги “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” тўплами ва “Давлат тилида иш юритиш” амалий қўлланмаси ҳамда бир қанча китоблар чоп этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 21 октябрь – Ўзбек тили куни деб белгилаб, 2 йилдан бери мамлакатимиз миқёсида кенг нишонланмоқда. Натижада, кенг жамоатчилик орасида она тилимизга эътибор ва ҳурмат ортиб бораётир.

Шу ўринда, тилимизнинг нафақат миллий, балки халқаро даражада ҳам нуфузи ортиб, ўзбек тилининг турли халқлар вакиллари жамланган анжуманларда янграши сўнгги йиллар-

да тобора фаоллашиб бормоқда. Айниқса, жорий йилнинг 23 сентябрь куни Юртбошимизнинг дунё сиёсати ва ҳамжамияти бош минбарида унинг тарихида биринчи марта ўзбек тилида нутқ сўзлаши нафақат юртдошларимиз, балки бутун жаҳонда истиқомат қилаётган 50 миллион ўзбекларга бениҳоя ифтихор бағишлади. Шунингдек, мазкур тарихий воқеа миллий ўзлгимизни кадрлаш, она тилимизни ардоқлаш борасида ҳаммамиз ва ҳар биримиз учун чинакам ибрат мактаби бўлди, деб айтиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг қабул қилиниши эса жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида давлат тилидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эришиш борасидаги устувор вазифаларни белгилаб берди.

Ушбу Фармон билан 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш Концепцияси ва асосий йўналишлари ҳамда мазкур Концепцияни 2020-2022 йилларда амалга ошириш дастури тасдиқланди. Мазкур ҳужжатга асосан 2021 йил 1 апрелдан бошлаб ўзбек тили ва адабиёти бўйича билимни баҳолашнинг миллий тест тизими асосида раҳбар кадрларнинг давлат тилида расмий иш юритиш даражаси аниқланиши, масъул лавозимларга тайинланадиган шахслар учун давлат тилини билиш бўйича даража сертификатлари жорий этилиши белгилаб кўйилди.

Мазкур талаблар асосида Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимида ҳам давлат тилида иш юритиш борасидаги фаолиятни такомиллаштириш бўйича изчил тадбирлар амалга оширилмоқда. Аввало, бошқарув аппарати ходимларининг лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосида иш юритиш бўйича билим ва малакаларини ошириш мақсадида Тошкент давлат аграр университети Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси профессор-ўқитувчилари билан биргаликда 20 соатлик ўқув режаси ишлаб чиқилди. Унга асосан видеодарслар тайёрланиб, тизимдаги барча ходимларнинг ташкилий равишда жамоавий ва якка тартибда мустақил ўрганишлари учун кенг имкониятлар яратилди. Ўқув машғулоти жорий йилнинг ноябрь ойидан бошланди. Вазирлигимиз бошқарув аппарати ходимлари бу борада қуйи бўғиндаги касбдошларига ўрناк бўлиши, ибрат кўрсатиши лозимки, шу масъулият бизни янада фаол бўлишга ундайди, албатта.



Ёш мутахассисларни бошқарув фаолиятига тайёрлаш мақсадида вазирлигимиз тизимидаги олий таълим муассасалари ўқув режасига ҳажми 90 соатлик “Ўзбек тилининг соҳада қўлланиши” алоҳида фан сифатида киритилди. Бу келгусида ёшларимизнинг янада саводхон ва малакали бўлиб иш бошлашларида муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда аграр тармоқда амалга оширилаётган жадал ислохотлар, жорий қилинаётган илғор хорижий тажриба ва замонавий технологиялар, қишлоқ хўжалиги фани, таълими ва ишлаб чиқариш интеграциялашуви ҳамда глобаллашуви жараёнлари соҳада қўлланиб келинаётган атамалар анъанавий таркибининг ўзгаришига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Соҳа тараққиёти қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ сўзлар мажмуасида янги луғавий маънолар касб этиши каби воқеликни юзага келтирмоқда. Ушбу ҳолатни ҳисобга олиб “Қишлоқ хўжалиги атамалари изоҳли луғати”ни яратиш мақсадида вазирлик тизимидаги олим ва мутахассислардан иборат Таҳрир ҳайъати, қишлоқ хўжалиги тармоқлари бўйича унинг шўъбалари иш бошлади.

Таҳрир ҳайъатининг:

- қишлоқ хўжалиги тармоқлари ва унинг қадимдан ривожланиб келган турли касб-хунарларига оид ҳамда тараққиётнинг замонавий босқичида пайдо бўлган илмий-техникавий терминлар, сўнги даврда муомалага кириб келаётган халқаро ва хорижий атамаларни жамлаш, уларнинг ўзбек тилидаги луғавий ва маънавий изоҳларини адабий меъёрларга мос

равишда тайёрлаш жараёнига лексикология ва лексикография ҳамда соҳанинг юқори малакали мутахассисларини жалб қилиш;

- мавжуд адабиётлар, қўлланмалар, луғатлар ҳамда ахборот-ресурс манбаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалигининг ўзбек тилидаги луғавий базасини бойитиш юзасидан таклифлар тайёрлаш каби кенг қўламли иш режалари белгилаб олинди.

Умуман олганда, мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишларни илмий-амалий жиҳатдан асослаш мақсадида 3 йилга мўлжалланган 13 та амалий лойиҳалар тайёрланди. Масалан, Ўсимликшуносликка оид ўзбекча-русча-инглизча изоҳли луғати, Табиий доривор ўсимликларга оид ўзбекча-русча-инглизча изоҳли луғат, “Қишлоқ хўжалиги соҳаларига оид атамаларнинг ва уларнинг изоҳи бўйича ўзбек ва рус тилидаги соҳа луғати”, “Чет эллик талабалар учун қишлоқ хўжалиги йўналишлари бўйича сўзлашув луғати” кабилар шулар жумласидандир. Бу лойиҳалар барчамиздан катта ғайрат ва масъулият талаб қилади. Эндиги вазифа мана шу олдимишга қўйган эзгу мақсадларни амалга ошириш учун ҳамжиҳатликда меҳнат қилишдир. Зеро, юқорида таъкидлаганимдек, давлат тилини ҳаётимизга, фаолиятимизга кенгроқ жорий қилиш бу йўналишдаги масъуллардан янада фаол бўлмоғини тақозо этади.

Эшмирза АБДУАЛИМОВ,

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маслаҳатчиси.

ЧОРВАДОРЛАР УЧУН МУҲИМ ҚЎЛЛАНМА

Яқинда “Наврўз” нашриёти томонидан М.Аширов, Б.Аширов, Н.Рўзиевларнинг “Қизил чўл зотли қорамоллар ва уларни такомиллаштириш” ҳамда М.Ашировнинг “Совершенство вание швицкого скота в Узбекистане” номли китоблари чоп этилди.

“Қизил чўл зотли қорамоллар ва уларни такомиллаштириш” китобида

қорамолларнинг қизил чўл зотининг яратилиш тарихи, маҳсулдорлик ва айрим биологик хусусиятлари, бу зотга қариндош ҳисобланган англера ва Дания қизил зотларининг тавсифи келтирилади. Муаллифларнинг узоқ йиллар давомида қизил чўл зотли қорамолларни соф зотли урчиштиришда ва ча-тиштиришда қарин-




дош зотларнинг наслдор буқаларидан фойдаланиб олинган турли генотипдаги

сигирларнинг сут маҳсулдорлик, экстерьер, елин, пуштдорлик ва бошқа хусусиятлари ҳамда зотнинг ирсий, ташқи муҳит омилларига боғлиқликда такомиллаштириш натижалари ёритилган. Зотни такомиллаштиришда қорамолларни ўсиш даврларида озиклантириш даражасини ошириш, жуфтлаш усулларидан, асосий селекция белгилари ўртасида

мавжуд корреляция ва регрессия коэффициентларидан, яхшиловчи наслдор буқаларнинг ирсий салоҳиятидан самарали фойдаланиш муҳимлиги кўрсатилган.

Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор, Россия табиий фанлар академияси академиги М.Ашировнинг “Совершенство вание швицкого скота в Узбекистане” номли монографиясида швиц зотли йирик қорамоллар яратилиши тарихи, турли селекцияга мансуб қорамолларнинг тавсифи, швиц зотли сигирлар маҳсулдорлиги етакчи европа

ЯНГИ НАШРЛАР



мамлакатларидан келтирилган швиц зотли буқалардан олинган сигирларнинг сутдорлиги бўйича олиб борилган тадқиқотлар, шунингдек, сигирларнинг сут маҳсулдорлиги даражасига турли паратипик омилларнинг таъсирини ўрганиш натижалари келтирилган.

Нашрлар зоотехния йўналишида таҳсил олаётган бакалавр, магистр ва докторантлар, илмий ходимлар, ишлаб чиқариш мутахассислари ва кенг китобхонлар учун мўлжалланган.

Азамат ТОИРОВ,
Ўз муҳбиримиз.



Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида қишлоқ хўжалигида ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шунингдек, илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланиш ҳамда кадрлар салоҳиятини ошириш бўйича йўналишлар белгиланган бўлиб, бу борада қатор натижаларга эришилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази таркибидagi илмий-тадқиқот институтлари ҳам самарали изланишлар олиб бормоқда.

Маълумки, аграр соҳа ва унинг тармоқларини инновацион ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири фундаментал ва амалий илм-фан ҳисобланади. Бу йўналишда сўнгги икки йилда мамлакатимиз томонидан кузги юмшоқ ва қаттиқ буғдойнинг 67 та нави яратилиб, Давлат нав синов комиссиясига топширилди. Синов натижалари асосида юмшоқ буғдойнинг 33 та навлари мамлакатимизда экишга тавсия этилади.

Ҳозирда соянинг янгидан яратилган 30 та, кузги хўраки нўхатнинг 20 та, кузги ясмикнинг 50 та, кузги кўк нўхатнинг 8 та, кузги бурчоқнинг 8 та, мошининг 10 та нав ва линиялари сувли майдонлар шароитида тажриба синовидан ўтказилмоқда.

Тупроқ-иқлим шароитига мос, кургоқчилик, шўрланиш, иссиқлик, кассалликларга чидамли, эртапишар ва юқори ҳосилли навлар яратиш доирасида – 2018-2019 йилларда сабзавот, полиз экинлари ва картошканинг 21 та нав ва дурагайлари Давлат реестрига киритилди.

Шу даврда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги илмий ташкилотлар томонидан 6,5 млн. туп мевали дарахтлар ва ток кўчатлари етиштирилган бўлиб, шундан, 2,5 млн тупи пакана ва яримпакана кўчатлар ҳисобланади. Мева-узумчилик соҳасида замонавий 5 та in-vitro лабораториялари ташкил этилган.

Шунингдек, мева ва ток кўчатларини етиштиришга ихтисослашган замонавий 2 та “in vitro” лабораториялари ташкил этиш бўйича ҳам ишлар олиб борилмоқда.

СОҲА РИВОЖИ ЗАМОНАВИЙ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРГА БОҒЛИҚ

Хорижий технология асосида маҳаллий картошка уруғчилигини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 февралдаги “Республикада уруғлик картошка етиштиришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан Картошка етиштирувчилар уюшмаси ҳамда Тошкент, Наманган, Андижон, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларида картошкачилик марказлари ташкил этилди.

Тошкент вилоятида “Бўстонлик картошкачилик маркази” кластер тизими асосида яхлит плантация майдонларда картошка етиштириш йўлга қўйилиши натижасида 2019 йилда 700 га майдонда ёмғирлатиб суғориш ва механизациялаштириш тизимини жорий этиш ҳисобига гектаридан ўртача 40-45 тонна ҳосил олинган. Шунингдек, 50 минг тонна қувватли замонавий музлаткичли омборхоналарда истеъмол ва уруғлик картошка сақлаш йўлга қўйилганлиги ҳисобига табиий йўқотиш 3-5 фоизни ташкил этмоқда.

Республикада маҳаллий картошка уруғчилигини ривожлантириш мақсадида Тошкент вилоятида 2 та ва Самарқанд вилоятида 2 та йилига 5-6 млн. дона картошка туганакларини етиштиришга ихтисослашган “in vitro” лабораториялари ташкил этилди.

Тупроқ-иқлим шароитини инобатга олган ҳолда республикада 40 та туман картошка етиштиришга ихтисослаштирилиб, шундан 23 тасида авлодли уруғлик, 9 тасида эса супер-элита ва элита уруғликлари етиштириш йўлга қўйилди. Соҳада юқори даражадаги қўшилган қиймат яратиш йўналишида республикада 3,8 минг гектар экин майдонига эга 8 та картошкачилик кластерлари фаолият юритмоқда.

Айни пайтда, хўжаликларни сифатли картошка уруғликлари билан таъминлаш мақсадида уруғчилик хўжаликлари ва кластерларда юқори авлодли картошка уруғини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш, саралаш жараёнларини замонавий техникалар билан таъминлаш каби вазифалар олдимизда турибди.

Қишлоқ хўжалигини инновацион технологиялар билан таъминлаш хусусидаги вазифаларимиз қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик, полиз ва картошкачилик, мойли, дуккакли, техник ва озуқа экинларини экиш, қатор ораларига ишлов бериш, ҳосилни йиғиштириш ва ташишда соҳани замонавий техникалар орқали механизациялаш даражасини ошириш;

қишлоқ хўжалиги экинларининг селекция ва бирламчи уруғчилик ишларини жадаллаштиришда илмий-тадқиқот муассасаларидаги махсус лабораторияларни модернизация қилиш;

сабзавот, полиз, картошка, озуқа ва мойли экинларининг юқори авлодли уруғларини маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб қилган ҳолда босқичма-босқич кўпайтиришда ихтисослашган кластерларни ташкил қилиш;

селекция, уруғчилик ва кўчатчилик соҳаси бўйича олий таълим муассасаларида соҳалар бўйича селекционер, кўчат ва уруғшунос кадрларни тайёрлаш ҳамда фаолият олиб бораётган мутахассис ва илмий ходимларнинг хорижда малакасини оширишни йўлга қўйиш;

мевали дарахтлар кўчатлари билан таъминлашда кўчатларини “in-vitro” лабораториясида интенсив етиштириш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш ва жорий этиш;

инновацион рақамли технологиялар асосида аграр тармоқни ривожлантириш билан боғлиқ ахборотлар, дунёда фойдаланилаётган замонавий ва инновацион технологияларни қишлоқ хўжалиги соҳасига тарғиб ва татбиқ қилиш борасида илмий маслаҳатлар, билимларни тарқатиш тармоғини кенгайтириш каби вазифалар амалга оширилиши лозим.

Шу кунларда қишлоқ хўжалиги ходимлари касб байрамларини кенг нишонламоқдалар. Фурсатдан фойдаланиб халқимизни ва аграр соҳа меҳнатқашларини, сабот билан изланишлар олиб бораётган олим ва тадқиқотчиларимизни янги йил билан жамоамиз номидан муборакбод этаман.

Норкул ХУШМАТОВ,

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази Бош илмий котиби, и.ф.д., профессор.

2021

“КОСОН БАХТ ТЕКСТИЛЬ”

МЧЖ жамоаси

Кириб келган янги йил барчангизга муборак бўлсин! Оилаларимизда тинчлик-хотиржамлик, дастурхонларимиздан файз барака аримасин. Рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ва янги иш ўринлари яратишда тадбиркорларимизга янада куч-қувват тилайди. Доим юзингиздан кулгу, лабингиздан табассум аримасин. Юртимиз тинч, хонадонларимиз обод бўлсин!

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ ҚУТЛУФ БЎЛСИН!

Хизматлар лицензияланган

НОВЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В ХЛОПКОВОДСТВО УЗБЕКИСТАНА

Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев в первой половине августа, выступая на видеоселекторном совещании, посвященном реализации проекта «Модернизация сельского хозяйства», осуществляемого с участием Всемирного Банка, отметил: «Если не будем развивать сельское хозяйство по науке, вложения в эту отрасль не дадут результат».

Большое внимание уделяется цифровизации сельского хозяйства, будет налажена работа по сбору и обработке информации о состоянии плодородия земель, составе почвы, типе и количестве необходимых минеральных удобрений. Также даны указания по укомплектованию учреждений высококвалифицированными специалистами и обучению кадров.

Разработанные научно-исследовательскими институтами приемы рационального использования земли обеспечивают непрерывный рост урожайности и улучшение плодородия почвы. Сюда входят создание и подбор приспособленных к региональным природным условиям высокоурожайных сортов, система подготовки высококачественных семян, научно-обоснованная система чередования культур, обеспечивающая повышение плодородия почвы и производство кормов для животноводства, а также системы обработки почвы, разработанные приёмы и соотношения применения удобрений, оросительных и рассолительных мелиораций, защита почв от ветровой и ирригационной эрозии, применение ростовых препаратов и дефолиантов, защита растений от болезней и вредителей.

Важной особенностью развития хлопководства страны – самой северной зоны возделывания хлопчатника в мире – является обеспечение созревания хлопчатника до наступления неблагоприятных погодных условий и необходимо это, как для производительной работы хлопкоуборочных машин, которым нужно дружное раскрытие в сентябре и первой половине октября, как для ранней уборки, так и измельчения перед пахотой гузапаи для поддержания плодородия почвы и своевременного сева озимых зерноколосовых культур.

Работая над этой проблемой, ученые республики вывели ряд скороспелых, с высоким выходом волокна сортов

хлопчатника, превосходящих по хозяйственно ценным признакам зарубежные аналоги.

Результаты изменений в структуре посевных площадей хлопчатника, произошедшие в последние годы, в связи с увеличением площадей, отведенных под овощебахчевые культуры, повышают устойчивость производства хлопка.

Политика страны в этой области основана на создании конкурентной среды для региональной и мировой торговли изделиями из хлопка.

И в этом контексте, приоритетами структурных реформ являются развитие новых технологий производства изделий из хлопкового волокна.

При разработке новых технологий предусматривается комплексный подход, при этом, основное внимание уделяется изучению и подбору исходного материала, а также разработке и совершенствованию приёмов и методов ускоренного выведения отдельных форм хлопчатника.

Наряду с этим, большое внимание уделяется исследованиям по клонированию генов с полезными признаками, обогащению генофонда, а также созданию сортов, толерантных к дефициту влаги, болезням и вредителям.

Повышенная толерантность сортов хлопчатника к дефициту влаги в почве обеспечивает сохранение урожая.

Новые, устойчивые к водному дефициту и засолению сорта хлопчатника (Гулистан, С-8284, С-6550, Наманган-102, С-8294, Жаркуртан, УзПИТИ-103, С-6565, С-8285, УзПИТИ-2601 с качеством волокна IV типа) внедряются в фермерских хозяйствах страны.

В южных областях республики внедряются устойчивые к высоким температурам, новые тонковолокнистые сорта хлопчатника: Сурхан-14, Сурхан-16, Сурхан-102, Термиз-2020 с качеством волокна I-II типов.

За последние 28 лет селекционерами республики были выведены 207 сортов хлопчатника, 67 из которых были включены в Государственный реестр Республики Узбекистан и рекомендованы для посева в различных областях страны.

Результаты комплексных исследований по разработке новых, с высоким качеством волокна сортов и индивидуальной сортовой агротехникой, дали возможность увеличить долю производства высококачественного, с IV

типом волокна сортов до 77 процентов снизить долю волокна с V типом с 83 до 23 процентов.

Согласно анализа состояния хлопководства, проведенного специалистами Международного координационного комитета по хлопку, показано, что несмотря на наличие высокопродуктивных сортов, урожайность хлопка в азиатских и африканских странах все ещё остается на низком уровне, из-за несоблюдения предложенной агротехники.

Одной из причин снижения отдачи земель является несоблюдение сортовой агротехники возделывания, наличие недостатков в организации водохозяйственных и ирригационных работ. Есть и другие, которые, как говорится, лежат на поверхности.

При возделывании зерновых культур из почвы изымается только зерно, а все остальное возвращается в почву в виде пожневных остатков и соломы. В случае с хлопчатником наряду с волокном и семенами, удаляются стебли и коробочки, богатые азотом, фосфором, калийными удобрениями и микроэлементами. Все это приводит к более интенсивному истощению почвы.

Поэтому во всех хлопкосеющих странах (Австралия, Аргентина, Бразилия, Греция, Израиль, Испания, США и др.), чтобы как-то поддержать равновесие почвенного плодородия, при возделывании хлопчатника, стебли и створки коробочек, измельчая перед пахотой, оставляют в поле. Таким образом легче поддерживать почву в плодородном состоянии, чем заново создавать её.

Д.Н. Прянишников подчеркнул: «Для получения высокого урожая надлежащего качества необходимо, чтобы все факторы роста растений были представлены в определенных гармонических сочетаниях, наиболее отвечающих потребностям растений в соответствующие периоды развития».

Как видно, основным критерием плодородия почвы является растение. Плодородие почвы создается для урожая и оценивается им. Следовательно, растение является не только почвообразующим фактором, но и мерилем её плодородия.

Поэтому одним из важнейших послеуборочных мероприятий является измельчение гуза-паи и заделка её в почву дискованием. У нас же во многих хозяйствах под разными предлогами стараются убрать её с полей и, даже



больше того, придумывают машины, чтобы изготовить из них строительные плиты, обедняя почву, даже этим малым органическим веществом. Причем дискование необходимо проводить дважды, чтобы измельчить образовавшиеся комья при первом дисковании с заделкой измельченной гусапаи. Затем проводится тщательная планировка.

Причем, этот агроприём нужно считать основой при подготовке почвы к севу.

Применение разработанных наукой приемов земледелия дает сельским труженикам возможность получать ежегодно высокие урожаи. «Медвежью» услугу плодородию почвы оказывают и

некоторые научные сотрудники, пропагандирующие обязательную уборку гуса-паи, во избежание распространения вилта. Вилт есть во всех хлопкосеющих странах, и нигде не найдено ему противоядия. С ним борются только сменой сортов и культур.

В решении проблем сохранения и повышения качества хлопкового волокна, наряду с выведением новых высокоурожайных сортов хлопчатника с высокими технологическими свойствами волокна, важное значение имеют и условия его возделывания в конкретных почвенно-климатических зонах хлопкосеяния.

Президент Международной хлопковой ассоциации Антонио Эстив в одном

из интервью, данном в период проведения Международной хлопковой ярмарки в Ташкенте, отметил: «Узбекский хлопок отвечает лучшим международным стандартам, что удовлетворяет самый широкий спрос потребителей».

Разработанные и внедренные в производство учёными страны, новые сорта хлопчатника отличаются высокой скороспелостью и высокой устойчивостью к болезням и вредителям, и могут в короткие сроки адаптироваться к различным условиям произрастания.

Ренат НАЗАРОВ,

Заслуженный работник сельского хозяйства Республики Узбекистан, д.с.х.н.

ЎЎТ: 633.511; 575.127.

ТАДҚИҚОТ

ЎЗАДА ҚЎШИМЧА ЭЛИТА УРУҒЛАР ЖАМҒАРИШДА ТАНЛАШ ОЛИБ БОРИШНИНГ САМАРАСИ

Additional seed stock gathering possibilities may be achieved via simplification of requirements in the conducting of selections on the morphological traits of cotton at the field observations.

Ўзбекистонда пахтачилик соҳасида олиб борилаётган ислотларнинг асосий вазифаларидан бири, бу – пахта экин майдонларини оширмасдан туриб пахта хомашёсининг сифатини ва ҳосилдорлигини ошириш, юқори сифатли уруғлик ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, тола сифати ва чиқимини ошириш ҳамда ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳисобланади.

Уруғ етиштириш ишларини янгича, соддалаштирилган, аммо элита материали билан ишлашни самарадор услублари асосида бажариш керак. Самарали услуб сифатида АҚШлик селекционер Smith нинг ўзи “уруғларни захиралаш тизими” деб номлаган услубини келтириш мумкин.

Навга ва оилага мансуб бўлган ўсимликлар қуйида келтирилган морфологик белгилари бўйича – асосий поя ва баргининг тукланганлиги, баргининг шакли, ранги ва катталиги, тупининг шакли ва шохланиш тури, кўсақларининг шакли ва катталиги ҳамда ингичка толаларига эса гуллардаги антоцион доғларнинг бор ёки йўқлиги билан белгиланади.

Элита уруғларнинг нав софлиги белгиланган талаб даражасида бўлмаса, келгуси авлодларда ҳам нав софлиги белгиланган талаб бўйича сақланмайди. Бу навнинг умри қисқариши, яъни қандай нав бўлишидан қатъий назар, унинг қимматли хўжалик белги ва хусусиятлари тезда йўқолиб кетишига сабаб бўлади.

2018 йилда уруғликка кўпайтириш кўчатзоридан навлар бўйича олинган ҳосилдан “Султон” нави бўйича 59 та намуна, “Наманган-77” нави бўйича 64 та намуна, “С-6524” навидан 57 та намуна ва “Бухоро-6” навидан 61 та намуналар лаборатория шароитида толанинг микронейр ва тола узунлиги (мм) каби белгилари бўйича ўрганилди.

2018 йилда уруғ кўпайтириш кўчатзоридан навлар бўйича олинган ҳосилдан “Султон” нави бўйича 59 та намуна, “Наманган-77” нави бўйича 64 та намуна, “С-6524” навидан 57 та намуна ва “Бухоро-6” навидан 61 та намуналар лаборатория

шароитида толанинг микронейр ва тола узунлиги (мм) каби белгилари бўйича ўрганилди.

Тола микронейри: “Султон” навининг микронейр бўйича ўртача кўрсаткичи 4.7 га тенг бўлди. 59 та намунанинг микронейр кўрсаткичи бўйича вариацион қаторлар синфи оралиғини 0.2 дан бўлинганда 5 та синф ҳосил бўлди. Нав бўйича намуналардан 1-синфда учрамади, учта синфда асосий намуналар жойлашганлиги қайд этилди. 5-синфда 2 та намуна учрагани сабабли чиқитга чиқарилди, 57 та намуна қолдирилди (1-жадвал).

“С-6524” нави микронейр кўрсаткичи бўйича ўртача кўрсаткич 4.6 га тенг бўлди. “С-6524” навини микронейр кўрсаткичи бўйича ўрганишимизда 5-синфда 1 та намуна учраганлиги сабабли чиқитга чиқарилди ва 56 та намуна сақлаб қолдирилди.

“Бухоро-6” навининг микронейр бўйича ўртача кўрсаткичи 4.6 га тенг бўлди. “Бухоро-6” нави микронейр кўрсаткичи бўйича ўрганилганда битта синфда 1 та намуна жойлашганлиги сабабли чиқитга чиқарилди ва 60 та намуна сақлаб қолинди.

“Наманган-77” навининг микронейр бўйича ўртача кўрсаткичи 4.7 га тенг бўлди. “Наманган-77” нави микронейр кўрсаткичи бўйича ўрганилганда, 5-синфда 2 та намуна қайд этилди ва чиқитга чиқарилди ҳамда 62 та намуна сақлаб қолинди.

Тола узунлиги: “Султон” навининг тола узунлиги бўйича ўртача кўрсаткичи 33,8 мм. га тенг бўлди. Тола узунлиги мм. кўрсаткичи бўйича 59 та намуна вариацион синфларга 0.5 мм дан бўлинганда, 5 та синфни ташкил қилди. “Султон” нави тола узунлиги мм. кўрсаткичи бўйича 3 та синфда намуналарнинг барча қисми жойлашганлиги қайд этилди.

“Наманган-77” навининг тола узунлиги бўйича ўртача кўрсаткичи 33,7 га тенг бўлди. “Наманган-77” нави тола узунлиги мм. кўрсаткичи бўйича 5-синфдаги 1 та намуна чиқитга чиқарилди ва 63 та намуна сақлаб қолинди.

“С-6524” навини тола узунлиги мм. кўрсаткичи бўйича ўртача кўрсаткич 34,3 мм. га тенг бўлди. “С-6524” нави тола





узунлиги мм кўрсаткичи бўйича 1-синфдаги намуна чиқитга чиқарилди ва 56 та намуна сақлаб қолинди.

“Бухоро-6” навининг тола узунлиги (мм) кўрсаткичи бўйича ўрганганимизда, ўртача кўрсаткич 35,2 га тенг бўлди. “Бухоро-6” нави тола узунлиги (мм) кўрсаткичи бўйича 1-синфдаги намуна, яъни 1 та намуна чиқитга чиқарилди ва 60 та намуна сақлаб қолинди.

2018 йилда олиб борилган тажрибаларимизда навлар толасининг микронейр ва тола узунлиги бўйича лаборатория таҳлил натижалари куйидагича: “Султон” навида 59 та намунадан 57 та намуна қолдирилди. Жами 2 та намуна микронейри бўйича чиқитга чиқарилди;

– “С-6524” навида 57 та намунадан 55 та намуна қолдирилди. 2 та намуна, яъни микронейри бўйича 1 та намуна ва тола узунлиги бўйича 2 та намуна чиқитга чиқарилди.

– “Наманган-77” нави бўйича 64 та намунадан 63 та намуна қолдирилди. 2 та намуна, яъни микронейри бўйича 1 та намуна ва тола узунлиги бўйича 1 та намуна чиқитга чиқарилди.

– “Бухоро-6” нави бўйича 61 та намунадан 59 та намуна қолдирилди. 2 та намуна, яъни микронейри бўйича 1 та намуна ва тола узунлиги бўйича 1 та намуна чиқитга чиқарилди.

2017 йилда олиб борилган тажриба бўйича ғўза навларидан “Султон” навида нав тозаллиги кўрсаткичи 96,6% фоиз эканлиги, “Наманган-77” навида нав тозаллиги кўрсаткичи 95,4% фоиз эканлиги, “С-6524” нави бўйича нав тозаллиги кўрсаткичи 96,4% фоиз эканлиги ва “Бухоро-6” нави бўйича нав тозаллиги кўрсаткичи 96,7% фоиз эканлиги аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал.

Навлар бўйича махсус ташкил этилган элита кўчатзорларидан олинган толалар сифат кўрсаткичларининг таҳлил натижалари (2017 й).

Навлар	Ўрганилган ўсимликлар сони, дона	Чикитга чиқарилган ўсимликлар (белгилар бўйича) сони, дона				Фоиз ҳисобида
		Тола микронейри	Тола узунлиги	Чикитга чиқарилган, жами	Қолган намуналар сони	
Султон	59	2		2	57	96,6
Наманган-77	64	2	1	3	61	95,4
С-6524	57	1	1	2	55	96,4
Бухоро-6	61	1	1	2	59	96,7

Хулоса. Юқорида келтирилган натижалар бўйича дала кўриги ва лаборатория таҳлиллари асосида танлаш орқали кўшимча элита уруғлар жамғариш имкониятига эга бўлиш мумкин.

**Бунёд МАМАРАХИМОВ, қ.х.ф.д.,
Собир ТУРСОАТОВ,
мустақил тадқиқотчи,
Илҳом РАСУЛОВ, қ.х.ф.д.,
ТошДАУ.**

АДАБИЁТЛАР

1. Ибрагимов Ш.И., Верхотурцев Ф.А., Козубаев Ш.С. Восстановить разорванную связь селекции-госсортоиспытания и семеноводства // Ж.: “Сельское хозяйство Узбекистана”. Ташкент, 1992. №8-9. С. 3-5.
2. Наримонов А., Абдурайимов Ж., Раҳимов Ж. Ғўза уруғчилигида асосий тамоил. // Ж.: “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги”. Тошкент, 2008, №10, 15-б.
3. Шерматов О. Уруғчилик тизими муаммолари. // Ж.: “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги”. Тошкент. 2005, №2, 18-б.

УЎТ: 633.511:575.127.

ТАДҚИҚОТ

ҒЎЗА ИЛДИЗ ШИРАСИ ҲАЖМИГА ЭКИШ УСУЛИ ВА ОРГАНИК ЎҒИТЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

It was revealed that a positive effect on the absorbency of roots with the introduction of 15 and 30 t / ha of manure with phosphorus-potassium fertilizer in the root system of cotton, the release of sap is significantly accelerated.

Ғўза илдиз тизимига доир маълумотларни таҳлил қилсак, турлича усулда экилган ҳамда органик ўғитлар миқдорининг ўзгаришларига мувофиқ нисбатда маъдан ўғитлари берилиб, ўстирилган ўсимликларнинг асосий сўрувчи орган, яъни илдиз туклари фаолиятига таъсир этди. Энг яхши вариант деб пушта устига чигит экилганда ҳамда гўнг 30 т/га берилганда, илдиз фаоллиги сезиларли ортанлигини қайд этиш зарур. Бу хулосаларнинг далили сифатида илдиздан ажралиб чиққан шира (посоки)

миқдорини аниқлаш ва шу тажрибага кўра энг мақбул вариантларни аниқлашни физиологик томондан талқин қилиб кўраимиз.

1-жадвал.

Экиш усуллари ва органик ўғитлар миқдорига кўра ғўза илдизи ажратган шира ҳажми, мл/сутка (2013).

Вариантлар номланиши	Ривожланиш фазалари				3-4 та кўсак очилганда
	3-4 та чин барг 15-16.V	Шоналаш 12.VI	Гуллаш 20.VII	Мевалаш 10.VIII	
1	2.63	7.30	8.35	9.20	3-14х
2	2.77	9.95	10.20	10.20	4.20
3	3.00	10.20	11.40	11.00	4.50
4	3.15	8.25	8.40	10.15	4.25
5	3.25	10.25	10.40	11.20	4.70
6	4.00	12.40	12.40	12.30	5.10
7	4.00	9.20	10.40	10.15	4.20
8	4.5	12.20	12.20	12.50	5.00
9	4.15	12.90	13.00	13.10	5.00





Ўсимликдан шира ажралиб чиқиш тезлиги, унинг ҳажми ва таркибига кўплаб агротехнологик омиллар таъсир қилишлиги бўйича Сабинин Д.А (1943) ва унинг шогирдлари кўплаб услублар яратишиб, бу услублар физиологик жиҳатдан муҳим кўрсаткич эканлигини уқтирган эдилар.

Пахтачиликни ривожлантиришда ўтган аср ўрталаридан бошлаб аналитик ишлар амалиётда синовдан ўтган (Муҳаммаджонов, Сулаймонов, 1975; Юлдашев С. ва бошқ, 1973, 1976).

2-жадвал.

Экиш усули ва органик ўғитларнинг миқдорига кўра ғўза илдизи ажратган шира ҳажми, мл/сутка (2014).

Вариантлар	Ривожланиш фазаси				
	3-4 та чинбарг 15 – 16.05	Шоналаш 12,06	Гуллаш 20,07	Мевалаш 10,08	3-4 та кўсак очилганда
1	2.65	7.60	8.40	9.20	4.25
2	2.80	9.90	10.40	11.20	4.50
3	3.00	10.25	12.40	12.30	4.70
4	3.20	8.40	9.20	10.00	4.20
5	3.30	10.20	11.10	12.00	4.50
6	4.20	12.40	12.50	13.10	5.00
7	4.00	9.00	10.20	10.20	4.25
8	4.10	12.40	13.00	13.00	5.00
9	4.20	12.90	13.20	13.15	5.00

Бир тупдан ажралиб чиққан шира миқдорини ва ундаги азот, фосфор ҳамда калий моддаларининг ўзгаришини экиш усулига кўра органик ўғитлар миқдори қандай таъсир этишини билиш мақсадида ҳар бир вариантдан шоналаш, гуллаш, мева ҳосил қилиш фазаларида 5 донадан ўсимлик олиб, илдиз бўғзидан қирқиб, резина сўргич кийдирилди. Ҳар бир соатда шиша найчага чиқарилган суюқлик пробиркага олиб кўйилди, бир суткада тўпланган шира суюқлиги миқдорига қараб илдизга баҳо берилди (1-жадвал). Вариантлар ўртасидаги озуқа моддаларининг ер устки қисмига ўтиб бориш қувватини билиш учун одатда бу усул илмий тадқиқот ишларида кўпроқ ишлатилди. 2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики,

илдизларнинг шира ажратиши 1-, 4-, 7-вариантларда вегетация бошиданоқ гўнг солинмаган вариантлардаги ғўза тупида энг кам 2.65-2.80-3.00 мл бўлса, 2-, 5-, 8-вариантларда гўнг 15 тонна солинганда 2.80 – 3.30 – 4.10 мл.ни, 30 т/га гўнг солинганда эса 3.0–4.20–4.20 мл ёки назоратдаги вариантларга нисбатан бироз бўлса-да кўпайди. Бунда фарқнинг сезиларли бўлмаганлиги ҳали илдизда моддаларга бўлган талаб ассимиляция қуввати камлигидан ёки талаб катта бўлмаганлигидан бўлса керак. Лекин шоналаш фазасида пуштада ўстирилган ўсимликларда ҳам, текис ерга экилган ғўзаларда шира ажратиш икки-уч хисса ортди, масалан 15 ва 30 т. гўнг берилган вариантлар ўсимликларида бу кўрсаткич 9.90 – 12.90 мл.гача борди ёки 1-, 3-вариантлардагидан 2.50 мл.гача ортиқроқ ажратилиши гуллаш ва мевалаш фазаларида ҳам кузатилди. Масалан, органик ўғитлар берилмаган вариантларда (1, 4, 7) гуллаш фазасида 8.40-9.20-10.20 мл. шира ажралган. Шунда ҳам пуштада ўстирилган тупларда бу кўрсаткич устунлик қилди. Пуштада ўстирилганда эса ўсимлик 11.10 – 12.50 ва 13.0 – 13.20 мл.гача суюқлик ажратди ёки назоратга нисбатан 2 мл.дан ортиқ шира ажралиб чиқди. Вегетация даврининг 3-4 та кўсак очилган даврида ўсимлик илдизи томонидан ажралган суюқлик камайиши юз берди. Бунга сабаб илдизларнинг кўпчилиги пўстлоқ билан қопланди, сўрувчи илдизлар фақат устки қаватдагиларнинг 80-90% нам етишмаслигидан нобуд бўлди.

Шундай қилиб, ғўзани пуштага экиш илдиз тизимининг фаол ўсишига, текис ерга чигит экишдан пушта олиб экишга ўтиш лозимлигини кўрсатди. Шунингдек, органик ўғитларнинг барчасини ҳайдовдан олдин фосфор ва калийнинг 70% ни ҳайдов олдидан гўнг билан солиш керак. Бунда тупроқдаги микробиологик жараёнлар ўғитларнинг парчаланишини тезлаштиради, чигит экилган даврда 15-16 см. қаватда озикларнинг етарли бўлишини таъминлайди. Униб чиққан ўсимта илдизлар 6-8 см.га ўқилдиз ҳосил қилади ва 3-5 кунда 20 см. чуқурликка тушиб олади. Оқибатда илдизнинг сўриш кучи 1,5-2 мартага ортиб, озуқа ва сув билан етарли таъминлай олади.

Лутфиёр ЖАЛИЛОВ,
катта ўқитувчи, ФарПИ.

АДАБИЁТЛАР

1. Сабинин Д.А. Методы определения корневой системы растений. Москва, 1943.
2. Юлдашев С. Назаров М. Исмоилов Ф. Физиологические основы определения густоты состояния хлопчатника и урожайность. Сбор. научных работ. СОЮЗНИХИ, 1973.

УЎТ: 633.511.

ТАДҚИҚОТ

ЎРТА ТОЛАЛИ “ПОРЛОҚ-4” ҒЎЗА НАВИНИНГ МОРФО-ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИ ВА ТОЛАСИНИНГ СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИ

It is known that the reflectance coefficient and the degree of yellowness of cotton fiber are important in determining the quality of fiber and its value as fiber length, strength, and micronaire. The higher the light reflection coefficient and the lower the yellowing degree, considered the better cotton fiber. Therefore, scientists pay special attention to the whiteness of the fiber when selecting genotypes with high fiber quality. Results showed that the degree of reflectance coefficient (Rd) and the degree of yellowness in the cotton fiber of the «Porloq-4» variety were higher 0.1 and 1.0% than in the control variety, respectively. All fiber quality traits were higher in the cotton variety «Porloq-4» than the control genotype.

Республикамизда пахта ҳосилдорлигини ошириш ва тола сифатини янада яхшилаш, мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва сув танқислигига чидамли навларни яратиш бўйича кенг кўламли тадбир-

лар амалга оширилмоқда. Толанинг сифат параметрлари жаҳон миқёсида муҳим аҳамият касб этади. Халқаро бозорда, албатта, толанинг сифатига қараб нархи ошиб боради.





Республикамизнинг турли тупроқ-иклим шароитларига мос эртапишар, асосий ҳосили сентябр ойида тўлиқ пишиб етиладиган, шу билан бир қаторда, ҳосилдорлиги ва тола чиқими юқори бўлган, тола сифати жаҳон бозори талабларига жавоб бера оладиган ғўза навларини яратиш ҳамда уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш селекционер олимлар олдидаги асосий мақсадлардандир. Олимлар томонидан яратилаётган янги навлар қимматли хўжалик белгилари ва биологик хусусиятлари бўйича бир-биридан фарқ қилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Геномика ва биоинформатика маркази олимлари томонидан “ген-нокаут” усули ёрдамида ягона хужайрадан олинган “Кокер-312” линияси билан маҳаллий “Наманган-77” ғўза навини ўзаро дурагайлаш орқали кўп марталик якка танлаш йўли билан яратилган “Порлоқ-4” ғўза нави морфо-биологик, хўжалик белгилари ва технологик сифат кўрсаткичлари юқорилиги билан ажралиб туради. Навнинг морфологик белгилари: вегетацион ривожланиш даври 110-115 кун, поясининг баландлиги 110-115 см, поясининг шакли пирамидасимон, ётиб қолмайди, бақувват, 1-2 типда шохланади, ўртача тукланган. Барги ўртача катталиқда 5 панжали, яшил рангли, гули ўртача катталиқда, сарғиш рангли, доғлари йўқ, кўсаги шакли юмалоқ, 5 чанокли. Кўсақлари очилганда бўлаклари қайрилиб қўлга санчилмайди ва пахтаси тўкилиб кетмайди. Бу қўл теримининг самарадорлигини оширади. Чигити ўртача катталиқда, овалсимон, ўртача тукли, тола ранги оқ. Хўжалик қимматли белгилари: ҳосилдорлиги 40-45 ц/га. Тола чиқими 38 фоиз, тола узунлиги реципиент навига нисбатан юқори, яъни 36,0 мм, солиштирама оғирлик кучи 34 гк/текс, бир дона кўсақдаги пахта оғирлиги

6,0-6,5 грамм, 1000 дона чигит вазни 120 грамм, толанинг узунлиги (Len)-1,24 дюйм, микронейри 4,3., толаси III саноат типига мансуб, вилт касаллигига чидамли. Селекционер олимлар илмий изланишларида, селекциянинг қайси услубидан фойдаланишидан қатъий назар, биринчи навбатда, ғўзанинг микродорий белгиларига, сўнг тола сифатини белгиловчи асосий кўрсаткичларни яшилашга катта эътибор беришади. Шу сабабдан янги навнинг тола сифатига тўлиқ баҳо бериш мақсадида, унинг толаси HVI дастгоҳида 12 та кўрсаткич бўйича таҳлил қилинди. Олинган натижаларидан кўриниб турибдики, “Порлоқ-4” ғўза навининг кўрсаткичлари назорат навига нисбатан тола сифати бўйича анча устун (1-жадвал). Кейинги йилларда дунё бозорида толанинг микронейр кўрсаткичига ҳам алоҳида эътибор

8,7% назорат навида 9,2% ни ташкил этди. Толасининг узилишдаги узайиши (Elg) назорат навининг бу кўрсаткичига нисбатан 0,3 га юқорилиги аниқланди: толанинг ифлосланиш коэффициенти (T), ифлос аралашмалар сони (Cnt) ва унинг майдони (Area) бўйича ҳам янги нав ўзининг афзалликларини кўрсатди.

Маълумки, толанинг сифат белгиси кўп жиҳатдан юқорида келтирилган кўрсаткичларга боғлиқ бўлса-да, унинг сарғайиш даражаси янги навнинг толасини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун селекционерлар селекция ишида толанинг, айниқса, оқлигига алоҳида эътибор беришади. Бу кўрсаткич, яъни толанинг сарғайиш даражаси “Порлоқ-4” навида назорат навининг кўрсаткичига нисбатан 0.1 га кам. Шунингдек, толасининг нур қайтариш коэффициенти (Rd) ҳам анча (1%) юқори.

1-жадвал.

“Порлоқ-4” ғўза навининг сифат кўрсаткичлари.

Ўза навлари	Mic	Str гкуч/текс	UHML дюйм	Unf %	SFI %	Elg %	T	Cnt	Area %	Rd %	+b	Mat
Порлоқ-4	4,3	34	1,23	85,4	8,7	4,4	3	38	0,6	77,8	7,6	87,8
Наманган-77	4,4	28,5	1,15	85,0	9,2	4,7	2	17	0,2	76,8	7,5	87,4
Фарқи	-0.1	+5.5	+0.08	+0.4	-0.5	-0.3	+1	+21	+0.4	+1	+0.1	+0.4

қаратилмоқда. Лекин, тола сифатини белгиловчи асосий кўрсаткичларидан яна бири, бу – унинг нисбий узилиш узунлиги (Str) ва тола узунлиги дюйм (Len) кўрсаткичлари толанинг сифатини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

Толанинг микронейр кўрсаткичи назорат “Наманган-77” навида 4.4 бўлса, “Порлоқ-4” навида бу кўрсаткич 4.3 ни ташкил этган. Шу каби фарқланиш назорат навига нисбатан толанинг узилиш узунлиги 5.5 ҳамда толанинг дюймдаги узунлиги бўйича ҳам фарқланиш мос равишда 0.08 ни ташкил этди. Тажрибада ўрганилган толанинг барча сифат кўрсаткичлари “Порлоқ-4” навида юқори эканлиги қайд этилди. Тола узунлигининг бир хиллик индекси (Unf) 85.4% га тенг, бу кўрсаткич назорат навда 85%, фарқ 0.4% ни ташкил этди. Калта толалар индекси (SFI) “Порлоқ-4” навида

Ўрганилган толанинг барча сифат кўрсаткичлари “Порлоқ-4” ғўза навида назорат навидан шу кўрсаткичлар бўйича устунлиги аниқланди.

Тўқимачилик саноати томонидан қўйилган меъёрий талабларга кўра, тола сифатини белгиловчи асосий кўрсаткичлар – тола майинлиги, унинг узунлиги ва узилиш узунлиги каби хусусиятлари бўйича “Порлоқ-4” навининг тола сифати III типга тўғри келмоқда (жадвал). “Порлоқ-4” ғўза нави турли тупроқ-иклим шароитига мослашиш хусусиятига эга.

Шарофиддин МАМАНАЗАРОВ,
Йўлдошбек МУҲАММАДОВ,
Комронбек МИРЗОЁҚУБОВ,
Санжар АЧИЛОВ,
ЎзР ФА Геномика ва биоинформатика маркази кичик илмий ходимлари.

АДАБИЁТЛАР

1. И.Ю.Абдурахмонов, Б.Халиқов ва бошқалар. “Порлоқ” ғўза навларини парваришlash бўйича муваққат тавсиялар (Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари учун). Тош ДАУ. Тошкент 2014.
2. Б. Мамараҳимов. Ғўза селекцияси ва уруғчилигида айрим хўжалик белгиларининг ўзаро боғлиқлиги // “Агро илм” журнали. Тошкент, 2012. №3(23). 8-9-б.
3. А.М.Нуриддинов, Ж.Х.Ахмедов, А.Нурмаматов, М.Эшонқулов. Истиқболли “ЎзПТИ-103” ғўза навининг технологик сифат кўрсаткичлари. ПСУЕАТИ “Қишлоқ хўжалиги экинлари генетикаси, селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агро-технологияларининг долзарб муаммолари ҳамда ривожлантириш истиқболлари” мавзuidaги халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами (2018 йил, 18-19 декабрь) 142-144-б.
4. Ҳ.Марданов, С.Раҳманқулов, Д.Даминова. “Истиқлол-14” ғўза нави морфо-хўжалик ва сифат кўрсаткичлари // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали. Тошкент. 2016. №6.

ЎЗА F_8 ОДДИЙ ВА МУРАККАБ ДУРАГАЙЛАРИНИНГ ЎЗARO КОРРЕЛЯТИВ БОҒЛАНИШИ

В статье приведены результаты отметки слабо-отрицательной и положительной связи болезни с признаками выхода и длины волокна, вес коробочки, продуктивность и вегетационный период в сложных гибридах F_8 за счет толерантности к вилту чем в простых гибридах.

In this article, the results of registration weakly-negative and positive correlation of disease with traits of fiber output and length, weight of boll, productivity and vegetation period in the complicated F_8 hybrids due to their tolerance to wilt than simple hybrids.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси” давлат дастурида келтирилганидек “... касаллик ва зараркунандаларга бардошли, тупроқ-иклим шароитларига мос қишлоқ хўжалик экинларининг янги селекция навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш” долзарб аҳамият касб этади. Бу эса селекционер олимлар олдида тезпишар, сермахсул, ҳашарот ва касалликларга бардошли бўлган, тола сифати жаҳон талабларига жавоб берадиган ҳамда тола чиқими 40% дан юқори бўлган навларни яратиш вазифасини қўяди. Бундай генетик жиҳатдан мураккаб миқдорий белгиларни турли хил дурагайлаш ва танлаш услублари билан бир ерга жамлашга эришиш қийиндир.

Селекция жараёнини қисқартириш ҳамда янги навларнинг аксарият белгилар бўйича юқори кўрсаткичларга эга бўлиши учун ўсимликлар авлодини тўлиқ ўрганиш ва белгиларни босқичма-босқич тартибда ажратиш ва дурагай комбинацияларини камайтириш мақсадга мувофиқдир.

Т.Холжужаев *G.Hirsutum L.* турига мансуб ҳар хил навларда қимматли хўжалик белгиларининг генетик корреляциялари аниқланган ва тола узунлиги ҳамда тола чиқими белгилари ўртасида яққол салбий корреляция мавжудлиги туфайли толаси узун бўлиши билан бирга юқори тола чиқими эга навларни яратиш қийинлигини ёзиб ўтган. Тола чиқими ва узунлиги ўртасидаги салбий корреляцияни жуда ҳам тўғри деб бўлмади. “Ашхобод-25” нави тола чиқими бўйича ҳам, тола узунлиги бўйича ҳам ҳар иккала шакллардан ота-оналик шаклларида устунликка эга бўлган.

Тола чиқими билан чигит вазни ўртасида салбий корреляция мавжудлиги тўғрисида Т.Н.Кеарней каби хорижий олимлар ҳам таъкидлаб ўтишган. Тола чиқими ва бир қатор қимматли хўжалик белгилари ўртасида боғлиқликлар бўйича кўплаб маҳаллий ва хорижий олимлар тадқиқот ишлари олиб боришган.

Маълумки, ўсимликларда белгилар орасидаги коррелятив боғланишлар турли даражада бўлади ва генетика нуқтаи назаридан бу ҳолат генларнинг бир локусда мужассамланиши ёки генларнинг плейотроп самараси билан изоҳланади. Корреляциялар шакли бўйича 2 хил бўлади: текис (бевосита) тизимли ва нотекис (яъни маълум бир даражага етиши билан ўзгариши) тизимли.

Текис тизимли корреляция, бу – шундай корреляцияки, унда бир белгининг ўсиши бошқа бир белгининг ўсиши ва пасайишига олиб келади. Биринчи ҳолат ижобий ва иккинчи ҳолат салбий корреляциялар деб қабул қилинган.

Ўрта толали F_8 оддий ва мураккаб дурагайларида вилт касаллиги билан умумий даражада зарарланиш миқдорининг тола чиқими, бир дона кўсак вазни, маҳсулдорлик ва вегетация даври белгилари билан коррелятив боғлиқлиги аниқланди. Бунда ўсимликлар сони оддий дурагайларда 70-110

тани, мураккаб дурагайларда эса 103-112 тани ташкил этди.

Вилт касаллиги билан умумий даражада зарарланиш бўйича F_8 оддий дурагайларда Т-7, ва Т-9 тизмаларида корреляцион боғланиш ижобий бўлиб, вилт билан зарарланиш бошқа комбинацияларга нисбатан юқори бўлганлиги сабабли тола чиқими юқори бўлганлиги аниқланди. F_8 (С-9085хС-6771), F_8 (С-8292хБарҳаёт) ва F_8 (ЖаркўрғонхБарҳаёт) дурагай комбинацияларининг вилт касаллиги билан зарарланиши, унинг тола узунлигига таъсири борлиги коррелятив боғлиқлиги бўйича олинган маълумотларда кузатилди.

F_8 оддий ва мураккаб дурагайларда вилт касаллиги билан зарарланиши миқдори бир дона кўсак вазни билан кучсиз салбий боғланганлиги қайд этилди ва кўрсаткичлар -0.04 дан -0.18 гача, мураккаб дурагайларда эса -0.06 дан -0.16 гача бўлди.

Ўрта толали F_8 мураккаб дурагайлари оддий дурагайларга нисбатан вилт касаллиги билан умумий даражада кам зарарланганлиги сабабли, уларда ўрганилаётган касалликнинг тола узунлиги, кўсак вазни, маҳсулдорлик белгилари билан кучсиз салбий боғланганлиги, тола чиқими, вегетация даври билан эса оддий ва мураккаб дурагайларда кучсиз ижобий боғланганлиги кузатилди.

F_8 мураккаб дурагайларида, F_8 оддий дурагайларида вилт касаллигига бардошлилиги сабабли уларда касалликнинг тола чиқими, тола узунлиги, кўсак вазни, маҳсулдорлик ва вегетация даври белгилари билан кучсиз салбий ва ижобий боғлиқлик қайд этилди.

Паридун ИБРАГИМОВ,

қ.х.ф.д., профессор,

Бахриддин ҲОЗОВ,

докторант, қ.х.ф.ф.д. (PhD), катта илмий ходим,

Сайёра ЭРГАШЕВА,

қ.х.ф.ф.д. (PhD), кичик илмий ходим,

Дилфуза ТҲРАЕВА,

қ.х.ф.ф.д. (PhD), кичик илмий ходим,

ПСУЕАЙТИ,

Фозилбек ТОРЕЕВ,

докторант, қ.х.ф.н., доцент,

Гулноза ШОДМОНОВА,

ассисент, қ.х.ф.ф.д., (PhD),

ТошДАУ.

АДАБИЁТЛАР

1. Холходжаев Т.Х. Вилтоустойчивость внутривидовых отдаленных гибридов *G.Hirsutum SSP mexicanum* (Tod) Mauer var *nervosum* Watt. Автореф. дисс. канд. с.-х. наук. Ташкент, 1972. 23 с.

2. Kearney T.H. Segregation and correlation of characters in Upland –Egyptian cotton hybrids “ Bull.Dep.Agric., 1923, № 1164., 57р.

ДЗАНИ ЗАРАКУНАДАЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШДА КАТТА МУМ КУЯСИНИ КЎПАЙТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Plant protection from pests is currently carried out on the basis of an integrated system. The value of the biological method in protecting cotton and other crops. The effectiveness of this method depends on factors such as ensuring that bioproducts in biolabs and biofactories (trichogramma, poached, goldfish) meet standard requirements.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016-йил 24 октябрдаги “Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва қишлоқ хўжалигига агрохимёвий хизматларни кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қарори эълон қилинди. Қарорда қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунадалари билан курашишнинг биологик усулини кенг кўламда ривожлантириш ва амалда қўллашга кўмаклашиш, биомаҳсулотларнинг сифатини яхшилаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, биологик лабораторияларнинг ишлаб чиқариш қувватини оширишда моддий-техника базасини кучайтириш, биологик препаратларни ишлаб чиқариш каби масалалар ўз аксини топган.

Катта мум куяси илмий ишлаб чиқариш мақсадида кенг кўламда фойдаланиб келинмоқда. Масалан, АҚШнинг шимолида ва Европада катта мум куяси личинкаси *G.Mellonella* балиқчиликда хўрак сифатида кўпайтириб келинмоқда. Бундан ташқари, у косметик ва тиббий препаратлар тайёрлаш учун хомашё бўлиб хизмат қилади.

Мум куясини кўпайтириш, қуртларни ёшлари бўйича тақсимлаш ва бурмали қоғоз тайёрлаш, иқлим шароити яратувчи универсал шкафи ва браконни йиғиш ва ҳисобга олиш, олтинкўзни озиклантириш, пиллаларни ажратиш ва имаголарни сақлаш ишлари махсус мосламалар ва аппаратлар ёрдамида талабга мос равишда амалга оширилганда натижа юқори бўлишини таъминлайди.

Мавсум бошланишидан олдин бракон захираси яратилади. Бунда қўйиткан ўсимлигида қишлаб чиқаётган қуртлар териб келинади ва оналик маҳсулоти ҳозирланади. Сўнг декадалар бўйича қанча миқдорда бракон кўпайтириш кераклиги ҳисобга олинади.

Бир гектар майдонга бир мингта бракон чиқариш учун керакли сонда катта мум куяси қурти аниқланади ва дастлабки пиширилмаган озуқа меъёри ҳисобга олинади. Бунда пиширилмаган озиқ муҳитлар вазни бўйича 1 та қуртга 1,71 грамм бўлганда жами 372,5 (ёки 373 та) қуртни озиклантириш учун маккажўхори уни 0,761 г, шакар 0,2547 г, сув 0,2776 мл, маргарин 0,0594 г, ачитқи 0,0025 г, олма қоқи 0,2547 г ва мерва 0,0849 г сарфланади.

Ишлаб чиқаришда катта мум куясини кўпайтириш учун 1 та банкада 100 ота қурт жойлаштирилади ва бундан (95-98%) ёки 95-98% та ғумбак пайдо бўлиб

ғумбакдан капалакларнинг учиб чиқиши 87% ва 85,26 тани ташкил этади. Учиб чиққан капалакларнинг жинслар нисбати ёки фоизлар билан ҳисобланганда 54-55% гача урғочи капалак (47 та) тўғри келади ва ўртача 350 тага етказиб тухум қўйишини ҳисобга олсак, 16450 та тухум қўяди.

Тухумдан қуртларнинг чиқиши 89,0%, яъни 14607,2 тани ташкил қилади ва банкада 2-2,5 ёшгача (10-12 кун парвариш қилинади) кўпайтирилиши вақтида 12-15 фоизгача қуртлар (табиий ва касалликдан) нобуд бўлиши аниқланган бўлиб, бунда ўртача 12883 та қуртлар қолади ва тоғораларга тўкилади. Тоғорага тўкилган қуртлар бракон билан зарарлаш учун яроқли бўлгунга қадар озиклантириб борилади ва 12416,1 та қуртдан 88% ёки 10826,16 бракон учун қолади.

Демак, 100 та катта мум куяси қурти қайта кўпайтирилганда шароитга боғлиқ ҳолда битта урғочи капалакдан 350 тадан тухум олинганда, мос равишда далага чиқариш учун 39194, 68 та бракон олинганда 3000 13,06 га донга ишлов бериш мумкин. Катта мум куяси қуртининг ривожланишига сунъий озуқаларнинг таъсирини ўрганишда етиштирилган оналик маҳсулотларидан фойдаланилади. Қуртларни парвариш қилишда олма қоқи қайноқ сувда 3-5 соат солиб қўйилади сўнг гўшт майдалагичда майдаланади. Эзилган олма қоқи, маргарин, шакар ва мерва солиниб, 5-6 дақиқа давомда то маргарин ва шакар тўлиқ эригунча иситилади. Тайёр аралашмага макка уни солиниб, хамир қилинади ва ачиштириш учун қўйилади ҳамда мантиқасқонда 30-40 дақиқа давомда юкумсизлантирилади. Олинган аралашма кейинчалик қуритилиб, майдаланилади.

Хулоса қилиб айтганда, ғўзани етиштиришда зараркунадаларга қарши курашиш учун биологик усулдан фойдаланиш катта аҳамият касб этади. Биологик усулдан фойдаланишда олтинкўз, трихограмма ва бракон кўпайтириш муҳим ўринга эга. Катта мум куясини кўпайтиришда микробиологик препаратларни синашда синов объекти сифатида, тиббиёт соҳасида қишлоқ хўжалиги экинларини зараркунадалардан ҳимоя қилишда кенг кўламда фойдаланиш мумкин.

Феруза АЛИЕВА,

Анджон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ассистенти.

АДАБИЁТЛАР

1. Арсланов М.Т. Биофабрикаларда микроорганизмларнинг тарқалиши ва уларни келтириб чиқарувчи омиллар. Ўсимликларни зарарли микроорганизмлардан ҳимоя қилишнинг уйғунлашган усули ва атроф-муҳит ҳимояси. Тошкент, 1994. 59-61-б.
2. Арсланов М.Т, Сулайманова Н.М. Браконни кўпайтириш бўйича катта мум куясининг миқдорини аниқлаш. “Ўсимликлар ҳимояси ва карантини” журнали. 2016 йил, №2(10). 28-29-б.

ЭРТА МУДДАТЛАРДА ЭКИЛГАН БАҲОРГИ БУҒДОЙ НАВЛАРИДА ЎСИМЛИК БЎЙИ ВА МАҲСУЛДОР ТУПЛАНИШНИНГ МУТАНОСИБЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

Баҳорги эрта муддатда экилган навларнинг ҳосил унсурлари ва ҳосилдорлиги

В статье проанализирована взаимосвязь между периодом роста, высотой растений и урожайностью зерна у сортов яровой пшеницы.

The article provides an analysis of the relationship between the growth period, plant height and grain yield level of spring wheat varieties.

Буғдой етиштиришда ётиб қолишга чидамли бўлган, калта пояли ва йирик бошоқли маҳсулдор навлар яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. (Брежнев Д.Д., Дорофеев В.Ф. 1976, Василенко И. 1975, Луфенко С.Ф., Кириченко Ф.Г. ва бошқалар 1980).

Ўсимликнинг бўйи – ўсув даврининг нечоғли қулай эканлигини кўрсатувчи муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб, у ташқи муҳитнинг қандай келиши, экиш муддати ва қўлланилган агротехник тадбирларга қараб ўзгаради. (Лавронов Г.А., 1969).

Буғдойнинг ётиб қолиши кўп ҳолларда сут пишиши ёки ундан ҳам олдинроқ вегетация даврида рўй бериши мумкин. Бундай ҳолатда ўсимлик бир-бирини соялаб қўяди, ётиб қолиш натижасида фотосинтезнинг секинлашуви доннинг пуч ёки майда бўлишига сабаб бўлади.

Буғдой экинларининг биологик нав хусусиятларида баъзи бир буғдой навларининг бўйи баланд, аммо мустаҳкам бўлмаган пояга эга бўлиб, бошоғи салмоқли бўлади. Бундай пайтда кучсиз шамол таъсирида ҳам уларнинг ётиб қолиши кузатилади. Баҳорги буғдойнинг интенсив типдаги янги навларини яратишда бошланғич манба сифатида кўпинча калта пояли шакллардан фойдаланилганда ётиб қолмайдиган, серҳосил

№	Нав номи	Ҳосилдорлик, ц/га	Ўсимлик бўйи	Бошоқ узунлиги	Бошоқчалар сони	Дон сони	Бошоқ оғирлиги	Дон оғирлиги
1	SANZAR-4	35,3	59,5	6,8	11,8	34,4	1,9	1,4
2	HAZRATI BESHIR	42,7	67,6	7,7	13,9	39,2	2,2	1,6
3	JANUB GAVHARI	46,0	77,7	8,9	16,4	42,6	2,3	1,6
4	Kr-Sp/2010/59	32,5	61,8	7,7	11,9	33,2	1,8	1,4
5	ATTILLA-7	33,0	64,5	7,6	16,6	46,7	2,5	1,8
6	Kr-SpR2014-2	39,9	64,2	7,6	12,7	36,7	1,9	1,5
7	Kr-SpR2014-3	45,8	64,6	7,6	11,8	33,3	1,9	1,4
8	Kr-SpR2014-4	47,7	70,5	8,1	14,8	42,2	2,4	1,6
9	Kr-SpR2014-6	48,2	72,3	8,2	14,1	40,7	2,3	1,5
10	KrT-SpR2014	41,6	61,2	7,1	12,3	34,4	1,9	1,4
11	Kr-SpR2014-8	40,5	65,6	8,0	13,2	37,6	2,0	1,5
12	Kr-SpR2014-9	41,9	60,9	7,0	11,7	32,0	1,8	1,4
13	Kr-SpR2014-10	39,8	64,6	7,6	11,6	31,7	1,8	1,3
14	Kr-SpR2014-13	50,1	72,7	8,3	13,1	38,1	2,0	1,5
15	KrJ-SpR2014	51,6	68,3	8,0	15,9	42,5	2,3	1,7
16	Kr-SpR2014-15	37,6	63,9	7,8	12,7	36,9	2,0	1,5
17	Kr-SpR2014-19	38,9	74,3	8,2	14,2	37,7	2,1	1,4
18	Kr-SpR2014-20	42,9	69,1	8,1	15,6	42,6	2,4	1,7
19	Kr-SpR2014-21	54,9	67,4	7,8	15,9	43,3	2,2	1,7
20	Kr-SpR2014-22	48,6	71,5	8,0	15,9	41,3	2,2	1,7
2017	Мин	32,5	59,5	6,8	11,6	31,7	1,8	1,3
	Мак	54,9	77,7	8,9	16,6	46,7	2,5	1,8
	Сред	43,0	67,1	7,8	13,8	38,4	2,1	1,5

Эрта муддатда экилган баҳорги буғдой навларининг маҳсулдор тупланиши ва ўсимлик бўйи.

№	Нав номи	Умумий поя	Маҳсулдор поя	Маҳсулдорлик коэффициенти, %	Ўсимлик бўйи
1	SANZAR-4	1,27	1,17	92,11	59,36
2	HAZRATI BESHIR	1,67	1,30	78,00	67,67
3	JANUB GAVHARI	1,63	1,47	89,80	77,70
4	Kr-Sp/2010/59	1,47	1,30	88,64	61,81
5	ATTILLA-7	1,60	1,50	93,75	64,44
6	Kr-SpR2014-2	1,70	1,27	74,51	64,16
7	Kr-SpR2014-3	1,43	1,30	90,70	64,63
8	Kr-SpR2014-4	1,43	1,30	90,70	70,39
9	Kr-SpR2014-6	1,60	1,33	83,33	72,30
10	KrT-SpR2015	1,37	1,27	92,68	61,29
11	Kr-SpR2014-8	1,67	1,23	74,00	65,53
12	Kr-SpR2014-9	1,33	1,23	92,50	60,87
13	Kr-SpR2014-10	1,37	1,13	82,93	64,66
14	Kr-SpR2014-13	1,50	1,20	80,00	72,62
15	KrJ-SpR2015	1,47	1,43	97,73	68,37
16	Kr-SpR2014-15	1,43	1,27	88,37	63,91
17	Kr-SpR2014-19	1,50	1,23	82,22	74,28
18	Kr-SpR2014-20	1,60	1,47	91,67	69,08
19	Kr-SpR2014-21	1,60	1,53	95,83	67,43
20	Kr-SpR2014-22	1,60	1,53	95,83	71,53



ва юқори сифатли дон етиштиришга имкон беради.

Сурганова Л.Д (1968) маълумотига кўра, поянинг узунлиги унинг пастки бўғин орасининг узунлиги билан узвий боғлиқ. Иккинчи бўғин оралиғи узунлиги эса поянинг ётиб қолишга чидамлилигини аниқлашда яхши белги ҳисобланади.

Буғдой маҳсулдорлиги: маҳсулдор поялар, бошоқ узунлиги, бошоқдаги донлар сонига боғлиқ ва бунга ўстириладиган шароит кучли таъсир этади.

Маҳсулдор тупланиш умумий тупланишга қараганда 1,5-2,0 барабар камроқ бўлади ва юмшоқ буғдой навлари узун кунга нисбатан қисқа кунда кўпроқ туплайди.

Тадқиқотлар натижасига кўра шуни таъкидлаш лозимки, баҳорги эрта муддатда экилган навларда ҳам калта пояли бўлган буғдой навлари маҳсулдор ва ўртача маҳсулдор бўлиши билан бирга ётиб қолишга чидамли бўлиши ҳам кузатилди.

Жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, андоза “Санзар-4” навида ўртача умумий тупланиш 1,27 та, маҳсулдорлик коэффициенти 92,11% ни ташкил қилди.

Энг юқори маҳсулдор тупланиш Kr-SpR2014-21 навида 1,53 та, Kr-SpR2014-22 навида 1,53 та, ATTILLA-7 навида 1,7 та, “Janub gavhari” навида 1,47 та, Kr-SpR2014-20 навида 1,47 та, KrJ-SpR2015 навида 1,43 та, Kr-SpR2014-6 навида 1,33 та, “Hazrati beshir” навида 1,3 та, Kr-Sp/2010/59 навида 1,3 та, Kr-SpR2014-3 навида 1,3 та, Kr-SpR2014-4 навида 1,3 та, яъни ушбу навлар 90% дан юқори маҳсулдорлик кўрсаткичига эга эканлиги аниқланди.

Баҳорги эрта муддатларда экилган баҳорги буғдой навларининг бўйи 59,36 см. дан 77,7 см. гача, андоза “Санзар-4” навида эса 59,36 см. эканлиги кузатилди.

Баҳорда экилган майдонларда буғдойнинг пишиб етилиши ўртача 25 июнга тўғри келиб, 18 июндан 5 июлгача ўзгариб туради. Баҳорда экилган буғдой кузда экилган буғдойга нисбатан 5-7 кун кейин пишиб етилади. Баҳорда экилган буғдойнинг ўсув даври ўртача 98 кун бўлиб, 62-125 кунга ўзгариб туради.

Бердиназар ЖАНОНОВ,
ҚарМИИ доценти.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдукаримов Д.Т. Дала экинлари хусусий селекцияси. Тошкент, 2007. 85 б.
2. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. М., 1985. С. 351.
3. Жананов Б., Абдуазимов А. “Хозяйственные признаки яровой пшеницы и их взаимосвязь. Эффективность применения инновационных технологий и техники в сельском и водном хозяйстве”. Международная научно-практическая онлайн-конференция. Бухара, 2020. С. 258.

УЎТ: 631;633.85;852;853.

ТАДҚИҚОТ

СОЯНИНГ КОЛЛЕКЦИЯ КЎЧАТЗОРИДАГИ МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ НАВ НАМУНАЛАРИНИ ЎРГАНИШ

This article analyzes the morphological and biological characteristics of varietal specimens isolated from collection seedlings, and observed that varietal specimens are better than control navigators, with a vertical stem, high number of pods per plant, and high placement of lower pods.

Республикамининг барча ишлаб-чиқариш тизимларида соя донига талаб янада ортиб бормоқда. Соя экинига кейинги йилларда ҳам асосий, ҳам такрорий экин сифатида алоҳида аҳамият берилмоқда. Айниқса, такрорий экин сифатида бир дала майдонидан икки марта ҳосил етиштириш ҳамда бир дала майдонидан икки марта даромад олиш фермерларни ҳам моддий томондан қизиқтирмоқда.

Серкуёш заминимизда жуда кўплаб қишлоқ хўжалиги экинларидан, жумладан, дуккакли дон экинлардан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш учун жуда қулай иқлим шароити мавжуд. Аҳолининг ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда, таркибида оқсил, витаминларга бой, серҳосил, касаллик ва зараркунадаларга чидамли янги соя навларини яратиш, етиштириш технологиясини такомиллаштириш бугунги куннинг энг долзарб масаласидир.

Дуккакли экинлар салмоғида, жумладан, соянинг ўрни алоҳида ҳисобланади. Соя ўзининг таркибида арзон оқсилга бойлиги ва тупроқни соф азот элементи билан бойитиши, табиатдаги эркин азотни ўзлаштирувчи бўлганлиги туфайли деҳқончиликда муҳим аҳамиятга эга.

Соядан етиштирилаётган ҳосилни янада ошириш, асосан, республикаимизда иқлимлаштирилган навлар билан бирга, янги серҳосил истиқболли нав ва намуналарни етиштиришнинг интенсив технологиясини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш асосида олиб борилади.

Ушбу илмий ишнинг мақсади аҳолини тўйимли озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминлаш, оқсил танқислигини ҳал қилиш учун соянинг ноқулай шароитларга чидамли, серҳосил, дон таркиби оқсил ва мой моддаларига бой, касалликларга чидамли янги навларини яратишдир.

Тажрибалар Шолитчилик илмий-тадқиқот институти тажриба майдонининг 12-карта 4-чекида ўқазилди. Соя даласи тупроғи кам шўрланган, сульфатли (рН 7,3), механик таркибига кўра ўрта қумоқ, ҳайдалма қатламида физик лой миқдори 43,1% ташкил қилади. Тупроқ қатламлари воҳа учун характерли бўлиб, ботқоқ типидagi тупроқлардир. Ҳар хил чуқурлик қатламларида эса катта ва кичик тошлар ҳамда кум аралашмалари ҳам мавжуд. Ушбу тупроқлар дарёнинг чап қирғоғидаги типик ортиқча намлик шароитларидан келиб чиққандир. Тупроғи – ўтлоқи.





Коллекция кўчатзоридан танлаб олинган намуналарнинг тавсифномаси.

№	Каталог рақами	Келиб чиқиши	Ўсув даври, кун	Ўсимлик бўйи, см	Пастки дуккак жойлашиши	Сони, дон		Вазни, г		Поясининг шакли
						шоҳ	бир ўсим. дуккак сони	бир ўсим. дон вазни, г.	1000 дон оғирлиги	
Соё										
1.	Ўзбек-2-St	Ўзбекистон	131	132	11.0	2.0	69	21,6	153.6	Тик ўсувчан
2.	Ўзбек-6-St	Ўзбекистон	149	134	13.0	2,0	74	23,7	159.7	Тик ўсувчан
3.	6402	Ўзбекистон	115	165	17.0	3.0	116	19.9	154.8	Тик ўсувчан
4.	СН-39	Корея	117	110	15.0	3.0	112	28.0	179.8	Тик ўсувчан
5.	8852	Ўзбекистон	118	110	12.0	5.0	124	18.7	156.2	Тик ўсувчан
6.	К-22	Австралия	126	152	16.0	4.0	135	20.6	194.6	Тик ўсувчан
7.	К-7	АҚШ	128	135	11.0	2.0	118	17.6	190.0	Тик ўсувчан
8.	СН-25	Корея	127	149	12.0	3.0	118	22.5	175.9	Тик ўсувчан
9.	И-871	Корея	127	90	12.0	4.0	150	27.3	213.2	Тик ўсувчан
10.	526	АҚШ	130	125	12.0	2.0	89	25.3	153.0	Тик ўсувчан
11.	К-26	АҚШ	132	140	18.0	5.0	154	22.1	162.0	Тик ўсувчан

Ҳаводаги фойдали хаво ҳарорат йиғиндиси бўйича Ўзбекистондаги қишлоқ хўжалик экинларини суғориладиган минтақаларда етиштириш бўйича шартли равишда 3 та гуруҳга ажратилган (бунда 10 градусдан юқори ҳарорат суткалик ўртача ҳарорат ҳисобланган). Тошкент вилоятининг иқлими ҳам кескин континентал бўлиб, ёзи ниҳоятда иссиқ, қиши эса совуқ, ҳамда ҳавоси қуруқ ва табиий ёғингарчиликлари ўсимликлар ўсиб-ривожланиши учун ниҳоятда камлиги билан таърифланади.

Соё селекцияси қишлоқ хўжалик экинларининг Давлат нав синов комиссияси ва ЎЗШИТИ томонидан ишлаб чиқилган тавсияномалар, дала тажриба методикаси асосида олиб борилди.

Соёнинг янги навларини яратиш учун коллекция кўчатзоридagi нав ва нав намуналари орасидан унинг муҳим қимматли ва хўжалик белги (ўсув даври, поясининг баландлиги, бир ўсимликдаги дуккаклар сони, пастки дуккакларнинг жойлашиши, ҳосилдорлиги, донларининг оқсил миқдори ва мойдорлиги юқорилиги ва бошқ.) хусусиятларига кўра танлаб олиниб, улар кейинги тадқиқот кўчатзори, яъни селекция кўчатзорига ўтказилади.

Соёнинг маҳаллий ва жаҳон коллекцияси нав намуналаридан ташкил топган коллекция кўчатзорида йиллар бўйича соёнинг 150 та нав намунаси ўрганилди. Ҳар бири 1,8 м² майдонда қайтариқсиз, соё уруғлари 60 кг/га меъёрда, қатор оралиғи 60x10-2 схемасида апрель-май ойларида экилди. Назорат сифатида таққослаш учун соёнинг “Ўзбек-2”, “Ўзбек-6” ва навлари ҳар 10 та намунадан кейин экилди. Ўсув даврида барча фенологик кузатишлар нав синов комиссияси томонидан ишлаб чиқарилган қўлланма асосида олиб борилди. Шу жумладан, ўсимликнинг униб чиқиши, шохланиши, гуллаши, дуккаклаши ва пишиш давлари қайд этилди. Кузатувлар ўсимликнинг ўсув давридаги барча фазаларида (униб чиқиш, шохланиш, гуллаш, дуккаклаш, пишиш) олиб борилди, ва пишиш даврида коллекция кўчатзорининг ҳар бир нав намунасида 5 тадан ўсимлик олиниб, биометрик таҳлиллар (ўсимлик ўсув даври, бўйи, пастки дуккак жойлашиши, шохлар сони, бир ўсимликдаги дуккак сони, дон вазни, 1000 та дон оғирлиги) қилинди ва соёнинг асосий хўжалик кўрсаткичлари юқори бўлган 9 та нав намуналари

танлаб олинди ҳамда тўлиқ тавсифномаси 1-жадвалда келтирилди.

Коллекция кўчатзоридagi куйидаги нав намуналар 6402(Ўзбекистон), СН-39(Корея), 8852(Ўзбекистон) ва К-22(Австралия) стандарт навга нисбатан вегетация даври бўйича 6-16 кун эртароқ пишиб етилгани кузатилди. Ўсимлик бўйининг баландлиги бўйича И-871(Корея), 8852(Ўзбекистон) ва СН(Корея) нав намуналари 22-42 см га фарқ қилгани аниқланди. Пастки дуккак ривожланиши бўйича К-26(АҚШ), СН-39(Корея), К-22(Австралия) ва 6402(Ўзбекистон) нав намуналарининг дуккаклари андоза навга нисбатан 4-6 см баланд бўлгани кузатилди. Бир ўсимликдаги шохлар сони бўйича К-26, 8852, К-22 ва И-871 намуналарида стандарт навлар “Ўзбек-2” ва “Ўзбек-6”га нисбатан 2-3 та кўп бўлгани аниқланди. Дуккаклар сони ҳам таҳлил қилинганда, И-871, К-26, 8852 ва К-22 намуналарда стандарт навдан 56-81 та кўп бўлгани кузатилди. 1000 та дон вазни бўйича СН-39, К-22, К-7 ва И-871 намуналар стандарт навдан 26,2-69,9 гр юқори бўлгани аниқланди.

Хулоса. Демак, бу коллекция кўчатзоридан ажратиб олинган нав намуналари морфологик ва биологик кўрсаткичлари билан назорат навиға нисбатан яхши бўлиб, пояси тик ўсувчан, бир ўсимликдаги дуккаклар сони, юқори ва пастки дуккакнинг жойлашиши юқори бўлганлиги билан ажралиб туриши кузатилди.

Масъуд САТТАРОВ,
қ./х.ф.н., к.и.х.,

Муқаддас БОЙМАТОВА,
мустақил тадқиқотчи,

Шоличилик илмий-тадқиқот институти.

АДАБИЁТЛАР

1. Атабаева Х.Н. Возделывание сои в Узбекистане, Т. Матбуот, 1989, 68 с.
2. Бабич А. А. Влияние густоты стояния растений и крупности семян сои на урожай. Ж. “Селекция и семеноводство”. 1995, №8, с.71-72.
3. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. М., Колос, 1985.
4. Енкин В.Б. Соё, М-Л., Сельхозгиз, 1992, с.179.
19. Ёрматова Д., “Мойли экинлар”, 2004 йил.



ОРАЛИҚ ЭКИНЛАР ВА УЛАРНИНГ ҚИММАТЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Intermediate crops not only increase soil fertility, but also provide high-quality coarse, green, juicy, concentrated fodder for farm animals, and serve to satisfy their demand for green fodder in the spring.

Оралиқ экинлар – алмашлаб экиш тизимидаги асосий экинлар ҳосили йиғиб олингандан кейин экиладиган қўшимча экинлар бўлиб, улар интенсив алмашлаб экишда бир йилда 2-3 марта ҳосил олиш имконини беради, тупроқни эрозиядан асрайди ва сидерат ўғит сифатида тупроқ унумдорлигини ҳам оширади. Ўрта Осиёнинг суғорма деҳқончилик минтақаларида жавдар, арпа, сули, хашаки нўхат, рапс, тритикале ва бошқалар оралиқ экинлар ҳисобланади. Чорвачилик тармоғини жадал ривожлантиришда озуқа базаси мажмуида ширали ва тўйимли яшил озуқаларнинг аҳамияти катта. Оралиқ экинлар баҳорда яшил озуқа учун ўриб олинади, ўрнига асосий экин тариқасида маккажўхори, жўхори, судан ўти ва бошқалар экилади. Оралиқ экинларнинг зичлашган экин, аралаш экин, кўкат ўғит, қўшма экин, иккинчи экин деб аталувчи турлари бор. Оралиқ экинлар туфайли ҳар гектар ердан олинадиган маҳсулот миқдори ортади. Ўзбекистонда оралиқ экинларни етиштириш учун ниҳоятда қулай шароит мавжуд.

Тритикале бугдой ва жавдарнинг дурагайи бўлиб, кимёвий таркибида ўртача 15,1% протеин, 12,6% оқсил, 2,4% ёғ, 2,3% клетчатка, 65,5% АЭМ ва 1,8% кул бўлади. Тритикале дони таркибида 86% қуруқ модда, 1 кг таркибида

1,15 озиқ бирлиги, 121 г ҳазм бўладиган протеин мавжуд.

Арпа жуда кенг тарқалган чорва озиғи бўлиб, таркибида 86,7% қуруқ модда, жумладан, 9,85% протеин, 2,04% ёғ, 5,4% клетчатка, 66,7% АЭМ, 2,8% кул бўлади.

1 кг арпада 1,17 озиқ бирлиги, 70 г ҳазм бўладиган протеин, 1,0 г кальций, 3,1 г фосфор бор. Органик моддасининг ҳазм бўлиши 89% га яқин.

Кузги хашаки нўхатнинг озукавийлик қиймати юқори туради, чунки таркибида 23% оқсил ва кўплаб бошқа тўйимли моддалар мавжуд. Кузги хашаки нўхатнинг 1 кг. кўкатида 0,23 озиқ бирлиги, 44 г. ҳазм бўладиган протеин, 4,0 г. кальций, 0,9 г. фосфор ва 45 мг. каротин бўлади.

Бир йиллик райграс кўпинча бошқа экинларга аралаштириб ёки алоҳида экилади ва яшил массасидан фойдаланилади. Райграсни 1 кг да ўртача 0,20 озиқ бирлиги, 21 г ҳазм бўладиган протеин, 1,1 г кальций, 1,0 г фосфор ва 40 мг каротин бўлади.

Бу экинлар навлари маҳаллий ва чет давлатлардан келтирилган навлар бўлиб, чорва ҳайвонлари учун жуда аҳамиятли ҳисобланади.

Тажрибада оралиқ экин сифатида тритикале, хашаки нўхат, вика, арпа ҳамда райграс экинлари навлари алоҳи-

да ва аралаштирилиб экилиб, уларнинг фенологик ўсув даври, ўсимлик бўйи (тўйимли ва юқори кўк масса олиш учун) ва бошоқ узунликлари (озуқага бой юқори дон массаси олиш учун) ўрганиб чиқилди (1-жадвал).

Тажриба 2017-2019 йиллар мобайнида Маккажўхори селекцияси ва уруғчилиги илмий-тажриба станцияси тажриба майдонида 4 такрор, 4 қайтариқда, 50 м² майдончаларда олиб борилди. Оралиқ экинларнинг гектарига уруғ сарфи тритикале намуналарида 100-200 кг, райграс намуналарида 10-20 кг, арпа, хашаки нўхат намуналарида 100-150 кг. қилиб белгилаб олинди. Ўрганилаётган оралиқ экинлар намуналарида биринчи навбатда пишиш кунларига эътибор қаратилди, чунки ҳар қандай оралиқ экинлар экилгандан сўнг бу экиннинг тезпишар бўлиши улар йиғиб олингандан сўнг, асосий экинни экиб, дон ҳосилини етиштириб олишга улгуриш муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Олинган натижаларга кўра, унинг чиқишдан мум пишиш давригача (ўриш кунигача) бўлган муддат райграс навларида қисқа (185 кун), тритикале билан аралашма ҳолида экилган хашаки нўхат ва вика навларида кечроқ (208 кун) бўлганлиги кузатилди.

Ўсимлик бўйининг баландлиги кўрсаткичи бўйича тритикале + хашаки 1-жадвал.

Кузги экинларнинг ўртача ҳосилдорлиги (2017-2019 й.)

№	Намуналар	Ўсимлик баландлиги, см	Бошоқ узунлиги, см	Ҳосилдорлик ц/га		%	Униб чиқишдан ўришгача, кун
				Яшил масса	Қуруқ масса		
1	Тритикале+хашаки нўхат	169,2-180,0	12,4-3,5	216,3-103,0	73,5-35,0	34,0-34,0	208
2	Тритикале+NAMOI	169,0-105,4	12,4-2,4	213,3-49,8	72,5-13,9	34,0-28,0	208
3	Тритикале+C.P.BORA	169,4-103,2	12,4-2,6	224,3-41,5	76,3-10,8	34,0-26,0	208
4	Арпа+NAMOI	103,7-106,3	7,0-2,5	194,4-81,4	54,4-16,3	28,0-20,0	195
5	Арпа+C.P.BORA	94,4-98,1	7,5-2,7	169,5-71,5	47,5-14,3	28,0-20,0	195
6	Вика NAMOI	120,2	2,5	143,0	40,0	28,0	201
7	Вика C.P.BORA	130,6	2,7	154,6	40,2	26,0	190
8	Райграс (Hwasan 104)	119,0	35,2	232,6	48,8	21,0	198
9	Райграс (Hwasan 101)	118,9	33,0	307,3	71,8	20,0	199
10	Райграс (Green farm)	99,1	19,3	196,0	54,9	28,0	185
11	Райграс (Kospeed)	111,5	25,1	280,7	61,8	22,0	185
12	Райграс (Kogreen)	109,2	25,1	270,8	67,7	25,0	185
13	Райграс (Kowinmaster)	108,9	25,9	270,8	59,6	22,0	189
14	Райграс (Kowinearly)	115,0	27,7	264,1	58,1	22,0	189
15	Тритикале+ Hwasan 101	166,4-121,8	11,9-28,3	257,5-56,5	87,6-11,3	34,0-20,0	208
16	ERIZO-17+ K.master	113,7-110,3	12,3-22,5	113,0-156,1	36,2-34,3	32,0-22,0	195
17	100 571+ K.master	118,7-112,5	12,2-24,1	99,7-147,9	37,6-32,7	38,0-22,0	195
18	ERIZO-17+ Kogreen	114,3-116,4	12,7-21,6	104,6-131,2	33,4-32,9	32,0-25,0	195
19	100 571+ Kogreen	119,4-118,2	12,5-22,0	109,6-131,2	41,8-32,7	38,0-25,0	195
20	Тритикале (ERIZO-17)	112,5	12,6	322,3	103,1	32,0	196
21	Тритикале (100 571)	117,8	12,3	300,7	114,3	38,0	196



нўхат намуналарида — 169,2-180,0 см, тритикале + NAMOI намунасида — 169,0-105,4 см, тритикале + С.Р.В.В.В. намунасида — 169,4-103,2 см ва тритикале + райграс (Hwasan 101) намуналарида — 166,4-121,8 см, ҳосилдорлик кўрсаткичлари бўйича эса тритикале + хашаки нўхатда 103,0 - 216,3 ц/га, тритикаленинг ERIZO-17 намунасида 322,3 ц/га, тритикаленинг 100 571 намунасида 300,7 ц/га ва тритикале + райграснинг Hwasan-101 намуналарида 257,5-56,5 ц/га яшил масса ҳосилдорлиги юқори бўлганлиги кузатилди.

Танлаб олинган тритикале, хашаки нўхат ва райграс намуналари оралик экинларнинг янги нав ва дурагайлари яратишда бошланғич манба сифатида селекция ишларига жалб қилиш орқали, чорвачилик озуқа базасини мустахкамлашда тезпишар, юқори дон ва яшил масса ҳосилдорлиги билан таъминлашга ҳамда яшил массага ўриб олинганидан кейин қолган ўсимлик қолдиқлари орқали тупроқ унумдорлигини мунтазам ошириб боришга эришилади.

Аббос ЭЛМУРОДОВ,
ТошДАУ магистри.

АДАБИЁТЛАР

1. Атабаева Ҳ.Н., Юлдашева З.К., Исламов А.М. Ботаник ем-хашак етиштириш агрономияси асослари. Тошкент, 2008, 103 б.
2. Атабаева Х.Н., Худайқулов Ж.Б. Ўсимликшунослик. Тошкент-2006, 126 б.
3. Исмоилов А. Ширали озиқлар. Тошкент-1987, 60 б.
4. Массино И.В. ва бошқалар. Ем-хашак экинлари уруғчилигини суғориладиган ерларда ташкил этиш бўйича билдиргич. Тошкент, 2013, 102 б.
5. Ан Х.С., Азизов К.К., Еденбаев Д., Бобоев Ф.Г., Тохирбоева Д.У. "Тритикале етиштириш бўйича қўлланма". Тошкент, 2017, 18 б.

УЎТ: 634.1.

ТАДҚИҚОТ

МЕВА ДАРАХТЛАРИГА ТЎҒРИ ШАКЛ БЕРИШ ВА БУТАШНИНГ ҲОСИЛДОРЛИККА ТАЪСИРИ

By properly organizing fruit growing, you can bring a good income to the economy by exporting fruits and the products produced from them. But before you form apples, peaches, pears, any fruit tree, you need to study their fruit properties.

Қайси шох мевали шох эканлигини билмай туриб шакл бериш ва кесиш ишларини амалга ошириб бўлмайди. Олма дарахтлари 2 ёки 3 йиллик мевали шохчаларда асосий мевани беради. Дарахтга тўғри шакл бериш орқали ёруғликнинг дарахтнинг барча қисмларига бирдек етиб боришини таъминлаш мумкин. Аксарият хазонрезги (кузда баргини тўқувчи) мевали дарахтларда мевани ҳосил қилувчи гул қуртаклари олдинги йили ёзда шаклланади. Шунинг учун ёз фаслида ёруғликнинг дарахтга яхши етиб бориши гул қуртакларининг ривожини учун жуда муҳимдир. Бундан ташқари, бу – дарахтда етишаётган ҳосилнинг юқори сифатини белгилувчи таъм, ранг, шакл каби омиллар учун ҳам муҳимдир.

Олма дарахтларини кесиб буташдан мақсад, унинг юқори қисмини очиб, қуёш нурлари дарахтнинг ички қисмига ҳам бирдек тушишини таъминлашдир. Ёруғликнинг яхши тушиши ҳосилнинг кўпайишига ва меваларнинг фарқличилигига сабаб бўлади. Дарахтларни кесиш тадбири меваларни 20,4% гача йириклаштиради, уларнинг таъм сифатини ҳам яхшилайдди.

Буталган дарахтларнинг мевалари таркибида буталмаган дарахтларникига қара

раганда шакар ва кислоталар кўп бўлади. Кесиш, яъни буташ билан дарахтларни ёшартириб, боғнинг маҳсулдорлик ёшини узайтириш мумкин. Қайси дарахтни аввал буташ лозим, деган саволга қуйидаги қоида асос қилиб жавоб бериш мумкин: кесиш энг кеч гуллайдиган дарахтлардан бошланиб, энг эрта гуллайдиган дарахтлар билан тугатилади.

Буташ вақтини белгилашда ҳисобга олиш зарур бўлган яна бир омил, бу – дарахтнинг ёшидир. Фақат бир турдаги мевали боғларни буташ жараёнида кесишни аввал ёши катта дарахтлардан бошлаш керак. Ёш кўчатлар эрта буташ натижасида қиш совуғидан етадиган зарарларга таъсирчан бўлиб қолади. Чунки, кесилган дарахт тиним давридан бирмунча эрта уйғонади. Кесиш ва шакл бериш – дарахт шох-шаббалари орасига қуёш нурининг бир текисда тушиши натижасида ҳосил сифатига дарахтлардаги йиллик новдаларнинг ўсиши, ҳосил беришда солкашлик сезилмай, мевалар доим йирик, си-

1-жадвал.

Тажриба вариантларида қайтариқлар бўйича ҳосил кўрсаткичлари.

Вариантлардаги олма навлари	Кесиш ва буташ усуллари	Бир туп дарахт ҳосили, кг.				Ўрта ҳисобда, кг.	1 гектардаги дарахтлар сони, экиш схемаси ва олинган ҳосил, туп/ га, ҳосил, т/га.
		2012	2013	2014	2015		
1-вариант. Ренет Симеренко	Тўлиқ кесиш. Учқи томонидан 3-4 ёшли шохларга тақалаб кесиб сийраклаштириш	75	56	67	59	64.25	6x5, 335 21.5
2-вариант. Ренет Симеренко	Дарахтларнинг ортиқча шохларини тўлиқ буташ	73	75	70	74,3	73.5	6x5, 335 24,6





фатли рангдор бўлишини таъминлайди. Кесиш, шакл бериш дарахтларга таъсир этадиган энг актив агротехник усуллардан бўлиб, уларни парвариш қилиш комплексида муҳим элемент ҳисобланади. Мева дарахтларини системали кесиш орқали ҳосилни уч баробарга ошириш мумкин, меваларни 20,4 фоизгача йириклаштириб уларнинг таъм сифатини, таркибидаги шакар ва кислоталарнинг кўп бўлишини таъминлайди.

1-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, биринчи вариантга нисбатан иккинчи вариантда ҳосилдорлик юқори сифатли 24,6, яъни 3,1 тонна юқори ҳосил олинганлиги билан ажралиб турибди.

Тажриба Андижон вилояти Избоскан туманидаги А.Тилбоев ММТ га қарашли “Қобилжон боғи” боғдорчилик фермер хўжали-

гининг 15 йиллик олма боғларида олиб борилди.

Хулоса қилиб айтганимизда, республикамиз боғдорчилик соҳасида ўтказилган илмий ишлар жуда кўп бўлса-да, бу соҳадаги ислохотларни ҳисобга олган ҳолда, боғдорчиликдан юқори ва сифатли мева етиштиришда кесиш, шакл бериш усуллари, муддатларини белгилашни ўрганиш ва уни такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб масалаларидандир.

Мадинахон РАХМОНОВА, қ.х.ф.ф.д., (PhD),
Кимсанбой ҲАМДАМОВ,

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар
институтини катта ўқитувчиси,
Нилуфар МИРАБДУЛЛАЕВА.

АДАБИЁТЛАР

1. А.А.Рибаков, С.А.Остроухова. Ўзбекистон мевачилиги. Т, “Ўқитувчи”, 1981.
2. А.А. Арипов, А.У. Арипов. Уруғли интенсиф мева боғлари. Т, 2013.
3. Б.Ғуломов, Ш.Аброров. И.Нормуротов. Мевали дарахтларга шакл бериш, кесиш ва пайвандлаш. Т, 2011.

УЎТ: 631.4

ТАДҚИҚОТ

ХўРАКИ УЗУМ НАВЛАРИНИ САҚЛАШДА УЗУМ ҲИМОЯ ҚОҒОЗЛАРИ (GRAPE GUARD SHEETS) ДАН Фойдаланиш орқали сақлаш жараёнини сифатли ташкил этишни ўрганиш

В данной статье представлены результаты научно-практического анализа о важности использования виноградных листьев при хранении столовых сортов винограда в холодильных камерах, используемых для предотвращения изменения цвета продукта, вкуса и ряда других характеристик, влияющих на качество продукта.

This article presents the results of scientific and practical analysis of the importance of grape guard sheets that used to prevent changes in product color, taste and a number of other quality characteristics during the storage of table grape varieties in cold storage.

Ҳисоб-китобларга кўра, 1 гектар майдонда етиштирилган пахта хомашёсига нисбатан узумдан 7 баравар, гилосдан 6 баравар, ёнғоқдан 5 баравар кўп даромад олиш имконияти мавжуд, бу эса катта даромад манбаи бўлган узумчиликни ривожлантириш, янги тоқзорларни яратиш, мавжудларини реконструкция қилиш, етиштирилган ҳосилни сифатли сақлашни ташкил этиб, экспортга йўналтиришни талаб этади.

Узум ҳосили йиғиштириб олингандан сўнг, узум банди ва доналарида меъёрга нисбатан намлик миқдорининг камайиши натижасида мева бандларини яшил рангдан жигаранга ўзгариши, кулранг замбуруғ (*Botrytis cinerea*)нинг юзага келиши ва чириш ҳолатининг пайдо бўлиши, сақлаш жараёнидаги узум сифати пасайишининг энг асосий сабаблари ҳисобланади.

Бугунги кунда хўраки узум (*Vitis vinifera*) навларини узоқ муддат давомида совиткичли омборхоналарда сифатли сақлаш ёки турли узокликдаги мамлакатларга қаттиклиги, ранги, таъми, сархиллиги ва бошқа бир қатор сифат кўрсаткичларини сақлаган ҳолда экспорт қилиш мақсадида узум ҳимоя қоғозларидан фойдаланилмоқда.

Сақлаш вақтидаги чириш жараёнини секинлаштириш ва олдини олиш мақсадида дастлаб маҳсулот сақланадиган омборларда олтингургут тутатиш (*sulfur fumigation*)дан кенг фойдаланилган бўлса, 1925 йилда SO_2 гази ажратиб чиқа-

рувчи ёстиқчалардан фойдаланишга ўтилган (Wnikler ва Jacob 1925). Ўша вақтдан бошлаб бугунги кунга қадар узум ҳимоя қоғозлари турли мақсадларга йўналтирилган ҳолда ривожлантириб келинмоқда. Таркибида натрий метабисульфит ($Na_2S_2O_3$) кимёвий бирикмасига эга, икки босқичда SO_2 гази ажратиб чиқарувчи (Dual release) ҳимоя қоғозлари 1960 йилга келиб яратилди.

Икки босқичда SO_2 гази ажратиб чиқарувчи (Dual release) ҳимоя қоғозлари таркибидаги натрий метабисульфит узум ҳосили йиғиштириб олиб совитилгандан кейин, ҳарортлар ўртасидаги тафовут натижасида юзага келган намлик таъсирида фаоллашди. Фаоллашган натрий метабисульфит биринчи босқичда тахминан 24 соатдан сўнг катта миқдорда SO_2 гази ажратиб чиқаради ва узум меваси қадоқланган идишда 1 ҳафталик таъсирга эга бўлган микроклимни ҳосил қилади. Мазкур микроклим таъсирида энди шакллана бошлаган замбуруғлар нобуд бўлади ва ажралиб чиққан SO_2 гази мева пўсти ва бандларидаги майда тешикчалар, жароҳатларни ёпиши натижасида намлик йўқотилишини сезиларли даражада камайтиради, бу эса меваларни қуриб қолишини тўхтатиб, сархилликни таъминлайди.

Олтингургут узумнинг инсон организмига зарарли таъсири бўлмаган, табиий таркибий қисмларига кирувчи элемент бўлиб, узум меваси пўстида рН миқдорига боғлиқ равишда





сулфит ёки дисулфит ҳолида тўпланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти талабига кўра, кунлик таркибида 10 ppm, яъни 10 мг/кг гача олтингурт мавжуд бўлган маҳсулотларни истеъмол қилишга рухсат берилади. Узум сақлаш жараёнида фойдаланиладиган ҳимоя қоғозларидан ажралиб чиқадиган SO₂ гази миқдори ўртача ҳисобда 0.3 мг/кг ни ташкил этиши ва бу белгиланган меъёрдан 30 баробар кам эканлиги илмий изланишлар натижасида ўз исботини топган.

Газ ажралишининг иккинчи босқичида SO₂ гази мунтазам равишда бир хил даража ва меъёрда ажралиб, дастлабки босқичда яратилган микроклимни узоқ муддат давомида сақлаб туришни таъминлайди.

Ҳимоя қоғозлари ёрдамида узоқ муддат (33-117 кун) совиткичи омборхоналарда сақланган узум бошлари 20°C ҳарорат ва 80% нисбий намлик кўрсаткичига эга одатий шароитга ўтказилгандан 3 кун ўтиб, унинг сақланувчанлигига янада аниқ тавсиф бериш мумкин бўлади.

Узум ҳосили йиғиштириб олингандан кейин мақбул усулда қадоқланиб, дастлабки совитишдан сўнг узоқ вақт давомида сақлаш мақсадида совиткичи омборхоналарга қўйилади. Сақлаш жараёнларининг сифатли ташкил этилганлиги узум ҳосилининг сувсизланиш (қуриши), олтингуртдан зарарланиш ва чириш ҳолатларининг мавжуд эмаслиги ҳамда таъм хусусиятларининг ўзгармаганлиги ва бошқа бир қатор органик сифатлари билан баҳоланади.

Қуриш ёки сувсизланиш 1-даражадан 5-даражагача бўлган мезон асосида баҳоланади (1-жадвал).

даги узум навларини сақлаш жараёнида табиий равишда юзага келиши мумкинлиги тадқиқотларимиз натижасида аниқланди.

Бундан ташқари, тадқиқотимизда олтингуртдан зарарланиш ёки “қуйиш” ҳолатлари ҳам баҳолашнинг 1 дан 5 баллик даражасигача бўлган мезони асосида, ихтиёрий танлаб олинган 10 та узумбошини таҳлил қилиш орқали аниқланди (2-жадвал).

Хулоса: Ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра, барча мевалар сингари узум ҳосили ҳам йиғиштириб олинган вақтдан бошлаб ундаги сув миқдори табиий равишда камайиб, мева бандлари сувсизланиб бориши оқибатида ранги, сархиллиги ва бошқа органик кўрсаткичларини вақт давомида аста-секинлик билан ўзгартириши ҳамда унда турли хил замбуруғлар таъсирида микробиологик бузилишлар содир бўлиб, касалликлар ривожланиши учун манба сифатида хизмат қилиши сақлаш давомида узум сифатининг кескин ёмонлашувига сабаб бўлувчи омиллар эканлиги аниқланди.

Шу сабабли, узумнинг совиткичи омборлардаги узоқ муддатли сақланувчанлик хусусиятларига тўғридан-тўғри салбий таъсир кўрсатувчи омилларни бартараф этиш мақсадида узум ҳимоя қоғозлари (grape guard sheets)дан фойдаланиш юқори самара бериши кузатилди. Тадқиқотлар давомида узум ҳимоя қоғозларидан фойдаланиш экологик жиҳатдан хавфсизлиги, белгиланган меъёрларда қўлланилиши инсон организмга зарарли таъсир кўрсатмаслиги, фойдаланишда қулай эканлиги аниқланди.

1-жадвал.

Сақлаш омборида узоқ вақт сақланган узум навларини қуриш бўйича баҳолаш. (Ammon Lichter, Yohanan Zutahy 2008).

№	Сувсизланиш даражасини баҳолаш мезони	Тавсифи
1	I	Узумбоши банди ва мева банди янги узилган сингари яшил рангда бўлади
2	II	Узумбоши банди ва мева банди оч жигарранг тусга ўтади
3	III	Узумбоши банди ва мева банди жигарранг тусга ўтади, лекин тиришиш ва буришиб қолиш кузатилмайди
4	IV	Узумбоши банди ва мева банди тўқ жигарранг тусга ўта бошлайди ва бироз тиришиш ва буришиш юзага келади
5	V	Узумбоши банди ва мева банди тўқ жигарранг тусга ўтади ва тўлиқ сувсизланиб, қуриydi

Шу билан бир қаторда, совиткичи омборхоналарда узум сақлаш жараёнида ҳимоя қоғозларидан фойдаланиш натижасида олтингуртдан зарарланиш ёки “қуйиш” ҳолати ҳам юзага келиши мумкин.

Тадқиқотларимиз натижаларига кўра, олтингуртдан зарарланиш меъёрдан ортикча миқдорда фаол модда (натрий метабисульфит)га эга бўлган ҳимоя қоғозларидан фойдаланилганда, сақлаш жараёнидаги ҳарорат ва намлик омиллари тўғри назорат этилмаганда ҳамда айрим тур-

рационал ташкил этилишида яқиндан ёрдам берган:

АҚШнинг USAID халқаро агентлиги “Қишлоқ хўжалигида қиймат занжирини ривожлантириш” AVC лойиҳаси раҳбарияти ва етакчи мутахассисларига;

Фарғона вилояти Олтиарик тумани “Хайрулло Баҳром” фермер хўжалиги ва фермер хўжалиги қошидаги замонавий совиткичи омбор раҳбарияти ва етакчи мутахассисларига;

Андижон вилояти Булоқбоши тумани “Дўлаланик боғбон” меваси фермер хўжалиги ва фермер хўжалиги қошидаги

2-жадвал.

Сақлаш омборида узоқ вақт сақланган узум навларини олтингуртдан зарарланиш бўйича баҳолаш. (Susan Lurie, Tatiana Kaplunova 2008).

№	Олтингуртдан зарарланиш бўйича баҳолаш мезони	Тавсифи
1	I	Олтингуртдан зарарланиш ҳолати умуман кузатилмайди
2	II	Икки ёки учта узум донасида қуйиш юзага келади
3	III	Олтигандан ўнtagача узум доналарида қуйиш ҳолати кузатилади
4	IV	Ўн биттадан йигирматагача узум доналарида қуйиш ҳолати кузатилади
5	V	Ихтиёрий 10 та узумбоши орасидан йигирмадан ортик олтингуртдан зарарланиш ҳолати юзага келади

Миннатдорлик. Илмий тадқиқотчилар гуруҳи мазкур “Республикамизнинг турли иқлим шароитларида етиштирилган узум навларини совитиш омборларида сақлашнинг технологик параметрларини ўрганиш” лойиҳасининг моддий томондан молиялаштирилишида ва илмий-амалий тажрибалар жараёнларининг

рационал ташкил этилишида яқиндан ёрдам берган: АҚШнинг USAID халқаро агентлиги “Қишлоқ хўжалигида қиймат занжирини ривожлантириш” AVC лойиҳаси раҳбарияти ва етакчи мутахассисларига; Фарғона вилояти Олтиарик тумани “Хайрулло Баҳром” фермер хўжалиги ва фермер хўжалиги қошидаги замонавий совиткичи омбор раҳбарияти ва етакчи мутахассисларига; Андижон вилояти Булоқбоши тумани “Дўлаланик боғбон” меваси фермер хўжалиги ва фермер хўжалиги қошидаги замонавий совиткичи омбор раҳбарияти ҳамда етакчи мутахассисларига катта миннатдорликларини билдиради.

Ақтам АЗИЗОВ,
профессор,
Бахтиёржон АБДУСАТТОРОВ,
таъин докторант,
ТошДАУ.





АДАБИЁТЛАР

1. A.Sh. Azizov., B.A. Abdusattorov. Study of the effect of different grape guard sheets for the storage of "toyfi" variety of grape Scopus. Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems, 12 (7 Special Issue), pp.2189-2194.
2. A.Sh. Azizov., B.A. Abdusattorov. Qualitative Organizing of Storage Process of Table Grape Varieties by Using Grape Guard Sheets in Cold Storage Scopus. International Journal of Advanced Science and Technology Australia ISSN: 2005-4238 IJAST Vol. 29, No. 11s, (2020), pp. 1943-1948 ijast@sersc.org
3. Абдуллаев, Р.М., Мирзаев, М.М., Набиев, У.Я. Узум етиштириш ва майиз куриштиринг замонавий технологияси. Тошкент.: 2013, "Шарқ нашриёти" Матбаа Акциядорлик Компанияси, 113-116-б.
4. Темуrow Ш. Узумчилик. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. Тошкент. 2002. 60-63-б.
5. Allan R., Sergio R., Saeed A, Muhammad Sh., Osmar J. (2018) Postharvest techniques to prevent the incidence of botrytis mold of 'BRS Vitoria' seedless grape under cold storage. Horticulturae MDPI, 18 (4,17) 1-11
6. Saeed A., Sergio R., Allan R., Muhammad Sh., Osmar J. (2018) Effects of different sulfur dioxide pads on Botrytis mold in 'Italia' Table grapes under cold storage. Horticulturae MDPI, 18 (4,29) 1-13
7. Osmar J. Khamis Y., Koyama R., Saeed A., Allan R., (2019) control of gray mold on clamshell-packaged 'Benitaka' table grapes using sulphur dioxide pads and perforated liners. pathogens MDPI, 8, (271) 1-14
8. Youssef K., Roberti S.R., (2014) Applications of salt solutions before and after harvest affect the quality and incidence of postharvest gray mold of "Italia" table grapes. Postharvest Biol. Technol. (87), 95-102.
9. Lichter A., Zutahy Y., Kaplunov T., Lurie S. (2008) Evaluation of table grape storage in boxes with sulfur dioxide-releasing pads with either an internal plastic liner or external wrap. HortTechnology, 18 (2), 206-214.

УЎТ: 635.

ТАДҚИҚОТ

ҚОВОҚ СЕЛЕКЦИЯСИ УЧУН УСТИҚБОЛЛИ ЯНГИ МАНБАЛАР

During 2015-2017 years, the 60 sorts of pumpkin belonging to different countries have been learnt on valuable peculiarities from the gene pool Uzbek Research Genetic Resource and primary sources have been separated for the different directions of selection. These patterns will be presented to the centers of selection as initial material in portion type of pumpkin which is with small fruit, adopted to product juice of pumpkin and for feeding livestock with suitable food while creating new sorts.

В течении трех лет (2015-2017 гг) было изучено 60 сортообразцов тыквы по основным хозяйственно-ценным признакам из мировой коллекции Научно-исследовательского института генетических ресурсов растений. В результате исследований были выделены источники ценных признаков для различных направлений селекции. Выделившиеся образцы будут использованы для создания новых, скороспелых, высокоурожайных сортов порционного и кормового типа.

Сабзавот ва полиз экинларининг кўп етиштирилиши уларнинг озиқ-овқат маҳсулоти ҳамда шифобахшлик хусусиятлари билан боғлиқдир. Улар таркибидаги карбон сувлар, оқсиллар, мойлар ва турли хилдаги витаминлар инсон организми учун қўшимча озуқа манбаи бўлиб хизмат қилади.

Полиз экинларидан қовоқнинг таркибида биологик фаол моддаларнинг кўплиги (витамин, минерал тузлар, пектин, фермент, органик кислоталар, эфир мойлари, фитонцидлар) туфайли улар жуда мазали ва инсон саломатлигини барқарорлаштиришда уларнинг тутган ўрни беқиёсдир.

Қовоқнинг шифобахш хусусиятлари қадимдан халқ табобатида маълум бўлиб, бугунги кунда ҳам халқ табобатида сувда ёки қўрда пиширилган қовоқ сариқ (гепатит) ва жигар, ўт қопининг бошқа касалликларини даволаш учун ҳамда буйрак касалликларида сийдик хайдовчи восита сифатида қўлланилади. Қовоқ уруғи инсон танасидан лентасимон ва думалоқ гижжаларни туширишда энг яхши восита ҳисобланади. Шунинг учун қовоқ парҳез таом сифатида, айниқса, кексаларга ва ёш болаларга фойдалидир.

Қовоқ халқимиз томонидан севиб истеъмол қилинишига қарамасдан, шу кунга қадар унинг фақат 8 та навлари яратилган ва давлат реестрига киритилган. Ушбу навлардан

7 таси йирик мевали бўлиб, улар 1949-1974 йилларда яратилган. Ушбу навларнинг уруғчилиги олиб борилмаганлиги сабабли йиллар давомида навлар ўзининг қимматли хўжалик белгиларини тўлиқ сақлаб қолмаган. Ташқи муҳит шароитининг ўзгариши натижасида уларнинг кўпчилиги касаллик ва зараркундаларнинг янги турларига чидамсиз бўлиб қолган.

Шундай экан, маҳаллий шароитда қовоқнинг эртапишар, серҳосил, мускат типидagi янги навларини яратиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Янги навларни яратиш учун бирламчи манба сифатида Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институтидаги қовоқнинг 1100 дан ортиқ жаҳон коллекцияси нав-намуналаридан фойдаланиш мумкин.





Тадқиқотларимиз қовоқнинг 60 та йирик мевали турига мансуб бўлган нав-намуналарни 2015-2017 йиллар давомида ВИР (Бутунроссия ЎИТИ, 1986) услуги асосида қайтариқсиз 56 м² бўлмаларда ўрганиш асосида амалга оширилди. Солиштирма нав сифатида районлаштирилган “Испанский-73” навидан фойдаландик.

Тадқиқотлар жараёнида қовоқнинг ўрганилган 60 та нав-намуналаридан андозага нисбатан қимматли хўжалик белгилари бўйича 15 та, жумладан: эртапишарлик белгиси бўйича 12 та, битта ўсимлик маҳсулдорлиги бўйича эса 3 та нав -намуналар ажратиб олинди.

Эртапишарлик белгиси бўйича. Ўсув даври к-1126 Super Delight; к-1127 Super Delight-1 (Япония), к-323 Golden Cushow (АҚШ), к-1154 Krupnoplodnaya (Марокко) намуналаридан - 121 кунни, к-260 Momonth Uhale, к-320 Saihyo, к-323, Golden Cushow, к-354, к-320 Saihyo (АҚШ), к-1005 Menina (Португалия), к-1170 (Мексика) намуналаридан - 125 кунни, к-1161 (Мексика) намуналаридан - 128 кунни ташкил этиб, андозага нисбатан 3-10 кун эрта пишиб етилганлиги кузатилди. Қолган барча нав-намуналар андоза навга тенг ёки 3-10 кун кеч пишиб етилганлиги қайд этилди. Андоза нав эса дастлабки мева ўсув даврида 131 кунда пишиб етилди.


Мева сони бўйича. Битта ўсимликдаги мевалар сони ўрганилганда, энг юқори натижа к-260, к-320, к-323, (АҚШ) намуналаридан 8-13 та, к-1126 ва к-1127 (Япония) к-1170 (Мексика) намуналаридан эса 8 тадан мева шаклланиш кузатилди. Ушбу меваларнинг ўртача вази 0,72 - 1,24

кг. ни ташкил этди. Андоза нав мевасининг ўртача вази 3,2 кг. эканлиги аниқланди.

Битта ўсимлик маҳсулдорлиги бўйича. Уч йил давомида ўрганилган 60 та намуналардан бир ўсимлик маҳсулдорлиги бўйича 15 та намуналар ажратиб чиққан бўлиб, танлаб олинган барча намуналарнинг маҳсулдорлиги андозага нисбатан 0,8-10,2 кг. гача юқори натижаларга эга эканлигини юқоридаги жадвалдан ҳам кўриш мумкин. Бироқ, бир ўсимлик маҳсулдорлиги белгиси бўйича танлаб олинган 3 та намуналарда ҳосилдорлик андоза навга нисбатан 95 фоиздан 162 фоизгача юқори бўлиб, селекция учун ноёб манбалар ҳисобланади.

Комплекс белгилари бўйича к-1126; к-1127 (Япония), к-1161; к-1170 (Мексика), к-260 ва к-320 (АҚШ) намуналари танлаб олинди.

Комплекс белгилари бўйича танлаб олинган намуналарнинг қимматли хўжалик белгилари.



Қовоқнинг жаҳон коллекциясидан танлаб олинган намуналари қимматли хўжалик белгилари (2015-2017 й).

Каталог рақами	Номланиши	Келиб чиқиши	Ўсув даври, кун	1 та ўсимлик маҳсулид. Кг.	1 ўсим. мева сони, дона	1 та меванинг ўрт. вази, кг	Ҳосилдорлик, т/га	Андозага нисбатан	
								т/га +	%
(St)	Испанский-73	Ўзбекистон	131	6,4	2	3,2	22,4	0	
Эртапишарлик белгиси бўйича танланган намуналар									
1126	Super Delight	Япония	121	10,5	8	1,31	36,7	14,3	64
1127	Super Delight-1	Япония	121	10,2	6	1,7	35,7	13,3	53,3
323	Golden Cushow	США	121	7,4	4	1,85	25,9	3,5	15,6
1154	Krupnoplodnaya	Марокко	121	8,2	4	2,05	28,7	6,3	12,5
1170	Номсиз	Мексика	125	9	8	1,1	31,5	9,1	40,4
1005	Menina	Португалия	125	8,2	3	2,7	28,7	6,3	28
260	Momonth Uhale	США	125	10,4	10	1,04	36,4	14,0	62,5
320	Saihyo	США	125	9,4	13	0,72	33,0	7,6	34
323	Golden Cushow	США	125	7,2	8	0,9	25,2	2,8	12,5
354	Без названия	США	125	7,7	2	3,85	27,0	4,6	20,4
320	Saihyo	США	125	9,2	9	1,0	32,2	9,8	43,7
1005	Menina	Португалия	125	8,2	2	4,1	28,7	6,7	30
Битта ўсимлик маҳсулдорлиги бўйича танланган намуналар									
1161	Номсиз	Мексика	128	12,5	2	6,25	43,75	21,3	95
1215	Номсиз	Куба	140	14,8	2	7,4	51,8	29,4	131
1320	Номсиз	Ҳиндистон	140	16,6	1	16,6	58,8	36,4	162

Ушбу намуналар республикаимиз иқлим шароитига мос эртапишар ва серҳосил навларни аналитик селекция асосида яратишда қимматли манба ҳисобланади (диаграмма).

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида танлаб олинган бирламчи манбалар келгусида порцион типдаги эртапишар, кичик мевали, серҳосил янги навларни яратишда, қайта ишлашга мўлжалланган (қовоқ шарбати, қовоқ уруғи) ва чорва моллари учун озуқабоп серҳосил, йирик мевали янги навларни яратишда ноёб манбалар ҳисобланади. Чунки, селекция учун бошланғич манбаларни тўғри танлаш натижани 30 фоизга кафолатлайди.

Абдумалик РУСТАМОВ,
ҚХваООТИИЧМ бўлим бошлиғи, қ/х.ф.н.,
Махфират АМАНОВА,
ТошДАУ профессори, қ/х.ф.д.,
Илҳом ОҚҚУЗИЕВ,
ЎГРИТИ кичик илмий холдими.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари давлат реестри. 2019 йил, 61 б.
2. Методика изучения мировой коллекции бахчевых культур. Ленинград. 1986 год.
3. Вавилов Н.И. Избранные сочинения. 1966 год. Москва.
4. Зуев В.И., Мавлянова Р.Ф., Дусмуратова С.И., Буриев Х.Ч. Овощи – это пища и лекарство. Ташкент, 2016 г.

СУНЪИЙ УСУЛДА ОНА АСАЛАРИ ЕТИШТИРИШДА ЛИЧИНКАЛАРНИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИГА БЕГОНА АСАЛАРИ СУТИНИНГ ТАЪСИРИ

The article presents the results of receiving larvae using royal jelly from strangers and maternal families for the artificial hatching of queens.

Сунъий усулда она асалари етиштиришда тарбияловчи асалари оилаларининг роли бекиёсдир, чунки она асалари личинкаларини улар қабул қилади ва тарбиялашга олади. Тарбиялашга берилган личинкаларни ўз оиласининг сутига ёки бегона асалари сутига пайвандлаш рамкаларига улангандан сўнг, уларни фақатгина битта тарбияловчи оилага бериш лозим. Чунки тарбияловчи оилаларда берилган ҳар қандай сут хусусиятлари личинкаларнинг ўзига хос ҳиди фақат шу оилага мослиги учун, уларнинг бегона асалари оиласидан олинган сутига пайванд қилинганда тарбияловчи оилалар личинкаларни қабул қилади, лекин уларга кам эътибор беради. Натижада, бундай эътиборсиз личинкалардан етишиб чиққан она асаларилар кам маҳсулли бўлиб, келажакда улар сифатли уруғ қўя олмайди. Шунингдек, она

асалари етиштиришда олинадиган личинкалар ёши ва соати ҳам, личинкаларни тарбиялашга олиш давомида катта аҳамиятга эга. Пайвандлаш рамкаларидagi мум косачаларига иложи бўлса, фақатгина бир хил ёшдаги личинкаларни олиш мақсадга мувофиқдир.

Баъзи бир муаллифларнинг фикрича, она асалари етиштиришда личинкаларни пайванд қилишда ўз оиласидан олинган сут ва бегона оиладан олинган сутларда личинкаларни қабул қилиниши ҳар хил бўлган, лекин ўз оиласидан олинган сутга пайванд қилинган личинкаларда бу кўрсаткичлар кўпроқ қабул қилинган.

Тадқиқот ўтказиш жойи ва манбаи. Тадқиқот ишлари Бухоро вилояти Вобкент туманидаги С.С.Саидов номи асаларичилик деҳқон хўжалигида олиб борилди. Хўжаликда маҳаллий популяциядаги асалариларга мансуб 270 та асалари оиласи мавжуд. Сунъий усулда она асалари етиштиришдан олдин тайёрлаб қўйилган пайвандлаш

рамкаларидagi мум косачаларига личинкаларни озиклантириш учун бегона асалари оилаларидан олинган асалари сут ва ўз оиласидан олинган асалари сутидан томизиб чиқилди ва личинкаларни ўтказишга тайёрлаб қўйилди.

Бунинг учун олдиндан тарбияловчи асалари оилалари танлаб олинди, уларнинг кучи 2,5-3,0 кг. атрофида ва 8-10 кг. озуқа асал билан таъминланди. Она асалари етиштирадиган тарбияловчи оилаларда 6 рамкадан иборат,

сутга личинкаларнинг қабул қилиниши тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал маълумотларининг кўрсатишича, биринчи кунда ўзининг оиласидан олинган асалари сутига пайванд қилинган личинкаларнинг қабул қилиниши юқори бўлган, яъни 50 та берилган личинкаларнинг 83,0% қабул қилинган. Бегона асалари сутига пайванд қилинганларда эса бу кўрсаткичлар 30 та личинкадан 71,6% қабул қилинган.

1-жадвал.

Она асалари етиштиришда бегона ва ўзининг сутига личинкаларнинг қабул қилиниши.

		n	M±m	Cv, %	%
2018	Ўзининг сут	50	41,5±0,01	9,10	83,0
	Бегона сут	50	35,8±0,04	9,07	71,6
2019	Ўзининг сут	150	135,5±0,14	17,15	90,3
	Бегона сут	150	128,5±0,21	17,18	85,3

ҳар хил ёшдаги асаларилар борлиги таъминланди.

Сунъий усулда она асалари етиштириш даврида личинкаларни тарбиялашга қабул қилиш даврида, мум косачаларига қўйиладиган асалари сутини бегона оиладан ва ўзининг оиласидан олинган сутларнинг личинкаларини тарбиялашга қабул қилинишига таъсири ўрганилди.

Тадқиқот натижалари. Тадқиқотларнинг дастлабки даврида пайвандлаш ромларидagi планкаларга ўрнатилган 36 та мум косачаларига фақатгина ўзининг оиласидаги онадонлардан олинган сутни мум косачаларига бир томчидан томизиб, уларга бир кунлик личинкалар ўтказиб берилди.

Иккинчи пайвандловчи рамкалардаги мум косачаларига эса бегона асалари оиласидан олинган сут, мум косачаларига бир томчидан томизилди ва уларга бир кунлик личинкалар олиб ўтказилди. Сунъий усулда она асалари етиштиришда бегона ва ўзининг оиласидан олинган

Иккинчи йилда худди шундай тадқиқотлар яна қайтадан ўтказилди. Тарбияловчи асалари оилалари худди олдингидек тартибда ташкил этилди.

Она асалари етиштириш учун тарбияловчи асалари оиласидан олинган ўзининг сутига 150 та асалари личинкалари пайванд қилинди. Булардан 90,3 та личинкаларни тарбиялашга қабул қилди. Бегона оилаларидан олинган асалари сутига 150 та личинкалар олиб ўтказилганда, уларнинг 85,3% қабул қилинган.

2020 йилда эса бу кўрсаткичлар личинкаларни ўз оиласидан олинган асалари сутига пайванд қилинганларда, бегона оиладан олинган сутга пайванд қилишганларга нисбатан 105,9% га кўп бўлган. Худди шундай, бу кўрсаткичлар, оммавий равишда сунъий усулда она асалари етиштиришда ҳам кўзга ташланди.

Хулоса. Бу маълумотлар натижалари шундан далодат берадики, оммавий тарзда она асалари етиштириш даврида



личинкаларни кўпроқ миқдорда қабул қилиниши учун, ўзининг оиласидаги онадонлардан асалари сути олиш ва уларга бир кунлик личинкаларни пайванд қилиш тавсия этилади.

Нодира АЗИЗОВА,
Бухоро Давлат Университети мустақил изланувчиси,
Омон ТЎРАЕВ,
қ.х.ф.н., Россия табиий фанлар академияси академиги, ЧПИТИ,
Отабек МАХМАДИЯРОВ,
катта ўқитувчи, қ.х.ф.ф.д., (PhD), СамВМИ.

АДАБИЁТЛАР

1. Берык И. Почему корм разных личинок неодинаковый? Ж. «Пчеловодство», 2000, №4, с 41.
2. Комиссар А.Д. Расположение прививочных рамок в семье воспитательницы. Ж. «Пчеловодство», 2005, №6, с 18-20.
3. Крахатин Н.Ф. Ўзбекистонда асаларичилик. Тошкент, 1985, “Меҳнат” нашриёти. 122-124-бетлар.
4. Хижа В.Д., Костенко С.А. Маточное молочко и прием личинок. Ж. «Пчеловодство», 1988, №6, с 13.

УДК: 631.316.022

ИССЛЕДОВАНИЕ

ОБОСНОВАНИЕ ФОРМЫ И КОЛИЧЕСТВА НОЖЕЙ ИЗМЕЛЬЧИТЕЛЯ СТЕБЛЕЙ ХЛОПЧАТНИКА

The article substantiates the shape and number of knives of the cotton stalk chopper. A formula has been derived that determines the length of the stem segments depending on the number of knives and their length, as well as the forward speed of the unit.

В передовых хлопководческих хозяйствах республики Каракалпакистан после уборки хлопка-сырца осуществляет измельчение стеблей хлопчатника. Измельчение стеблей хлопчатника перед зяблевой вспашкой способствует повышению плодородия пахотного слоя и урожайности.

Для осуществления этой операции раньше использовались машины КВ-3,6А и КВ-4. В последние годы эти машины не выпускаются, морально устарели и не отвечают современным требованиям. Имеется стебле-измельчитель СИ-3,6, разработанный АО ВМКВ “Agromash”.

Для обеспечения качества работы, т.е. повышения полноты и мелкости измельчения стеблей разработали измельчитель стеблей с усовершенствованными двумя дисковыми рабочими узлами, рассчитанные для хлопчатника междурядным расстоянием 60 см, т.к. эта схема сева в республике преобладает. Каждый дисковый рабочий узел состоит из двух пар ножей 1 и 4, скрепленных крестом на диске 3, горизонтально установленного на нижнем конце вертикального вала вращения 5 (рис.1). При работе каждый дисковый рабочий узел охватывает два ряда стеблей хлопчатника.




Рис.1. Дисковый рабочий узел измельчителя стеблей хлопчатника:
1-ножи в виде косы-литовки;
2-плечики; 3-диск;
4-ножи «Г» образной формы;
5-вертикальный вал вращения.

Первая пара – основные ножи 1, выполнена в виде косы-литовки и они скреплены к диску 3 с помощью плечика 2, вторая – вспомогательная 4, выполнена в виде «Г» образной формы. Радиус вращения вспомогательных ножей 4 меньше,

чем радиус вращения основных ножей – косы-литовки 1.

Ножи дискового рабочего узла вращаются в горизонтальной плоскости, и они совершают поступательную - V_a и угловую – ω скорости.

Рабочий процесс дискового рабочего узла измельчителя включает две фазы: срез стебля и его измельчение на мелкие куски. В процессе движения агрегата передняя балка 6 рамы измельчителя наклоняет стебли по направлению движения (рис.2). В результате вращательного действия косы-литовки срез происходит со скольжением в нижней приземной части стебля. За счет силы трения, возникающей при срезе со скольжением, стебель переводится косой-литовкой на середину рядков, т.е. в зону вращения вспомогательных ножей выполненных в виде «Г» образной формы. Неоднократные ударные действия этих ножей по стеблю происходит как в горизонтальной, так и в вертикальной плоскости, что обеспечивает качественное измельчение.

В процессе работы коса-литовка совершает сложное движение: вращается вместе с диском рабочего узла (угловая скорость ω) и перемещается со скоростью V_a движения агрегата.

Из рисунка 2 видно, что при прямом вращении дискового рабочего узла скорость ножа косы-литовки на участке среза будет больше:

$$V_{cp} = V_p + V_a,$$

а на участке обратного вращения будет меньше, чем при прямом вращении:

$$V_{cp} = V_p - V_a,$$

где: V_p -скорость резания; V_a -скорость движения агрегата. Изменение скорости второго «Г» образного ножа будет аналогичным.

Скорость резания второго «Г» образного ножа в точке измельчения стеблей при $\alpha = \frac{\pi}{2}$ равна:





$$V_2 = \sqrt{V_p^2 + V_a^2}$$

и будет направлена по касательной к траектории движения ножа.

Одним из основных технологических параметров стеблеизмельчителя является длина резки стеблей, определяющая степень измельчения.




Рис.2. Схема рабочего процесса дискового рабочего узла измельчителя стеблей хлопчатника:

1-нож (коса-литовка); 2-плечик; 3-диск; 4-нож «Г»образной формы; 5-вертикальный вал вращения; 6-передний брус рамы измельчителя.

Длина резки стеблей ножами, вращающимися в одной плоскости, равна величине относительного смещения их траекторий:

$$l_c = V_a t_z,$$

где $t_z = \frac{\varphi_z}{\omega}$ - время, в течение которого нож поворачивается на угол, равный углу между соседними ножами. Если в плоскости вращения дискового узла

имеется z ножей, то угол $\varphi_z = \frac{2\pi}{z}$.

$$\text{Тогда время } t_z = \frac{2\pi}{z\omega}, \text{ а } l_c = \frac{2\pi V_a}{z\omega} = \frac{2\pi R V_a}{z V_\phi},$$

где R – радиус вращения «Г» образного ножа (равен длине ножа).

Таким образом длина отрезков стеблей зависит от длины ножа измельчителя, числа ножей, устанавливаемых в плоскости вращения, и отношения поступательной скорости машины к окружной скорости дискового узла.

Онгарбай АУЕЗОВ,
д.т.н., профессор,
Адилбай БАЛТАНИЯЗОВ,
главный специалист,
Нукусский филиал ТашГАУ.

ЛИТЕРАТУРА

1. Шлейхер А.И., Шайхов Э.Т. и др. Пахтачилик. Т.: «Ўқитувчи», 1978. С.-344.
2. Аuezов О.П., Балтаниязов А.С. Повышение качества работы измельчителя стеблей хлопчатника за счет конструктивного решения//Вестник КК отделения АН РУз. –Нукус., 2018. №1 – С. 5...8.
3. Патент №1АР 06060 (РУз) Измельчитель стеблей хлопчатника/ Аuezов О.П., Балтаниязов А.С. Бюлл., 2019 № 12.

ҚАМАШИ ТУМАН ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЛИМИ жамоаси соҳа ходимларини, юртдошларимизни

Янги 2021 — йил билан самимий табриклайди.

Барчангизга мустаҳкам саоматлик, бахт ва омад, хонадонингизга осойишталик, тилайди.

Юртимиздан қут барақа аримасин. Байрамлар байрамларга уланаверсин!



САЛОМНОМА

*Баҳор чоғи чулдирган ирмоқлардан,
Сўқмоқлардан ва зангори ўтлоқлардан,
Адирларда кечган шодон, хуш чоғлардан,
Салом бўлсин саховатли йил бошига,
Салом бўлсин яшил кўклам наққошига.*

*Саратоннинг кўёшидан бўлсин салом,
Қор сўраган тоғ-тошидан бўлсин салом,
Танги деҳқон бардошидан бўлсин салом,
Салом бўлсин ойларнинг энг эзгусига,
Салом бўлсин унинг оппоқ инжусига.*

*Яқин кўшни — салом деган қуз чоғи бу,
Ноз-неъматга тўлиб турган қучоғи бу,
Тўй чоғи бу, режаларнинг юз чоғи бу,
Салом бўлсин тўйни бирга тўйлашганга,
Салом бўлсин бир девордан бўйлашганга.*

*Одамлар бор — бир умрлик толега ёр
Ва истайди дўстларига толе бисёр.
Эзгу йилда эзгу ўйлар топсин қарор,
Салом бўлсин хуш саодат айёмига,
Салом бўлсин зафарнинг илк наёмига.*

*Саломларнинг барчасидан шулдир маъно:
Бўй таратсин олам бўйлаб яшил маъво,
Гурқурасин, қучга тўлган юрт доимо,
Салом бўлсин ўн икки ой сарварига,
Салом бўлсин йилнинг тўнғич Январига!*

Абдулла ОРИПОВ.

ЯНГИ ЙИЛ ШЕЪРИ

*Инсон феъли ажабдан ажаб,
Йўқдир унга мезонсиз олам.
Юлдузларни ўлчар ботмонлаб,
Қаричлайди чексизликни ҳам.*

*Ўзи эга, ўзи қул мангу
Ўзи топган ақидаларга,
Не дей, ҳатто, манзуликни у
Бўлиб чиққан дақиқаларга.*

*Дақиқадан соатлар йигиб,
Қунлар тузиб ой жам қилади.
Йигламайди умр ўтди деб,
Йил ўтди деб байрам қилади.*

*Кўпайса-да ажинлар ҳарчанд,
Оқарса-да йиллардан боши,
Кувонади — кўпайди фарзанд,
Севинади — улгайди ёши.*

*Бу туганмас орзу-ҳавасда
Бор умидбахш иймонга асос:
Инсон ўлмас.
Аста ва аста
Боқийликка ўтади, холос.*

Эркин ВОҲИДОВ.

УМИДБАХШ БИР ЯНГИ ЙИЛ КЕЛАЁТИР

*Ташивишлар тегранда солса ҳам уввос,
Аҳдингни ардоқла, киндан бўл ҳалос.
Йўлингда йўл очган орзуга кафт бос,
Янги тонг бошиндан нур элаёттир,
Йил ўтса, Янги бир йил келаёттир.*

*Армонни армонда қолдириб яша,
Хасадни занжирда қолдириб яша.
Яшасанг, дилларни ёндириб яша,
Замон шийдатиде сел келаёттир,
Яхши ният билан йил келаёттир.*

*Ишонч узилмаса уммон бир қулоч,
Икки кўз ҳар қимда қалбинг кўзин оч.
Айвонингга кўнсин янги қалдирғоч,
Баҳорни етаклаб, гул келаёттир,
Офтобжамол билан йил келаёттир.*

*Оила - Ватандаги ором бекати,
Оила - одамзотнинг боқий давлати.
Оилада яралар умр ҳикмати,
Тилдан томган болга дил тўлаёттир,
Дуо қил, дуо ол, йил келаёттир.*

*Янги Ўзбекистон – янги замонда,
Эркин ва фаровон яшаб омонда,
Қудратин намоён этур жаҳонда,
Юртим самосида кун келаёттир,
Умидбахш бир янги йил келаёттир.*

*Буюк аجدодларга авлодмиз ахир,
Ватанга муҳаббат улардан махр,
Энди бизга навбат - ўзликдан фахр,
Хурлигидан хуррам эл келаёттир,
Шу элга бахт тилаб йил келаёттир!*

Маҳмуд ТОИР.

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХОҲАЛИГИ

АГРАР-ИҚТИСОДИЙ,
ИЛМИЙ-ОММАБОП ЖУРНАЛ

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХҲАЛИГИ ВА СУВ
ХҲАЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАРИ

Бош муҳаррир:

Тоҳир ДОЛИЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Шухрат ҒАНИЕВ

Жамшид ХОДЖАЕВ

Шавкат ХАМРАЕВ

Шухрат ТЕШАЕВ

Баҳодир РЎЗИБОЕВ

Баҳодир ТОЖИЕВ

Равшан МАМУТОВ

Аброр ВАХОБОВ

Баҳром НОРҚОБИЛОВ

Низомиддин БАКИРОВ

Ботиржон СУЛАЙМОНОВ

Ўктам УМУРЗОҚОВ

Равшанбек СИДДИҚОВ

Мирзиёд МИРСАИДОВ

Бахтиёр КАРИМОВ

Ибрагим ЭРГАШЕВ

Мурод АШУРОВ

2021 йил,
№1. Январь

Журнал 1922 йил
октябрдан чиқа бошлаган.

Обуна индекси:
якка обуначилар учун – 894
ташкilotлар учун – 895

МУНДАРИЖА

Ўзбекистон халқига янги йил табриги	1
Янги Ўзбекистон ислохотлари, фаровонлик йўлидаги ҳаракатларимиз бардавон ва самарали бўлади	2
Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида	4
Ш.ХАМРАЕВ. Сувчи – деҳқон мададкори	7
Р.СИДДИҚОВ, Н.ЮСУПОВ, И.АДАШЕВ. Майсалар қишлайди, ғаллакор ишлайди ...	9
М.ТОШБОЛТАЕВ. Машиналарни таъмирга тайёрлаш	11
Сув хўжалиги соҳасида давлат-хусусий шериклик тамойиллари	12
Х.КАРИМОВ. Маҳорат дарсига айланган анжуман	13
Б.СУЛАЙМОНОВ. Аграр соҳа учун етук кадрлар етиштирувчи макон	14
У.МАМАЖОНОВ. Янги ўқув даргоҳида халқаро ҳамкорликлар	16
Ш.ЖАББАРОВА. Янги тизим кенг имкониятдир	18
Самарқандда Германия двигател ва насослари	19
Ш.НОРМУРОДОВ. Мелиорация – мўл ҳосил гарови	20
Кластер — қишлоқ хўжалиги истиқболи	21
К.ЭРГАШЕВ. Эзгу мақсад сари	22
Эл сўйган Авазбек	23
Э.АБДУАЛИМОВ. Давлат тилига эътибор юксак маънавиятдир	24
А.ТОИРОВ. Чорвадорлар учун муҳим қўлланма	25
Н.ХУШМАТОВ. Соҳа ривожига замонавий агротехнологияларга боғлиқ	26
Р.НАЗАРОВ. Новые технологии в хлопководстве Узбекистана	28
Б.МАМАРАХИМОВ, С.ТУРСОАТОВ, И.РАСУЛОВ. Ғўзада қўшимча элита уруғлар жамғаришда танлаш олиб боришнинг самараси	29
Л.ЖАЛИЛОВ. Ғўза илдиз шираси ҳажмига экиш усули ва органик ўғитларнинг таъсири	30
Ш.МАМАНАЗАРОВ, Й.МУҲАММАДОВ, К.МИРЗОЁҚУБОВ, С.АЧИЛОВ. Ўрта толали “Порлок-4” ғўза навининг морфо-хўжалик белгилари ва толасининг сифат кўрсаткичлари	31
П.ИБРАГИМОВ, Б.ЎРОЗОВ, С.ЭРГАШЕВА, Д.ТЎРАЕВА, Ф.ТОРЕЕВ, Г.ШОДМОНОВА. Ғўза F ₈ оддий ва мураккаб дурагайларининг ўзаро коррелятив боғланиши	33
Ф.А.ЛИЕВА. Ғўзани зараркунандалардан химоя қилишда катта мум қуясини қўпайтириш технологияси	34
Б.ЖАНОНОВ. Эрта муддатларда экилган баҳорги буғдой навларида ўсимлик бўйи ва маҳсулдор тупланишнинг мутаносиблик кўрсаткичлари	35
М.САТТАРОВ, М.БОЙМАТОВА. Соянинг коллекция кўчатзоридagi маҳаллий ва хорижий нав намуналарини ўрганиш	36
А.ЭЛМУРОДОВ. Оралик экинлар ва уларнинг қимматли кўрсаткичлари	38
М.РАХМОНОВА, К.ҲАМДАМОВ, Н.МИРАБДУЛЛАЕВА. Мева дарахтларига тўғри шакл бериш ва буташнинг ҳосилдорликка таъсири	39
А.АЗИЗОВ, Б.АБДУСАТТОРОВ. Хўраки узум навларини сақлашда узум химоя қоғозлари (Grape guard sheets)дан фойдаланиш орқали сақлаш жараёнини сифатли ташкил этишни ўрганиш	40
А.РУСТАМОВ, М.АМАНОВА, И.ОҚҚЎЗИЕВ. Қовок селекцияси учун истиқболли янги манбалар	42
Н.АЗИЗОВА, О.ТЎРАЕВ, О.МАХМАДИЯРОВ. Сунъий усулда она асалари етиштиришда личинкаларнинг қабул қилинишига бегона асалари сутининг таъсири	44
О.АУЕЗОВ, А.БАЛТАНИЯЗОВ. Обоснование формы и количества ножей измельчителя стеблей хлопчатника	45
Янги йил шукухи	47

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва аборот агентлигида 2019 йил 10 январда 0158-рақам билан қайта рўйхатга олинган.

Манзилимиз: 100004, Тошкент ш., Шайхонтохур т., А. Навоий к., 44-уй.

Тел: +998 71 242-13-54,
+998 71 242-13-24.

www.qxjournal.uz

E-mail: uzqx_jurnal@mail.ru,

Telegram: qxjournal_uz

© «O'zbekiston qishloq va suv xo'jaligi»

Босмаҳонага топширилди: 2021 йил ... январь. Босишга рухсат этилди: 2021 йил ... январь. Қоғоз бичими 60x84 1/8. Офсет усулида офсет қоғозига чоп этилди. Шартли босма табағи 4,2. Нашр ҳисоб табағи 5,0. Буюртма №.../... Нухсаси ... донa.

Навбатчи муҳаррир: А. ТОИРОВ
Дизайнер: У. МАМАЖОНОВ

ГУРЛАН ТУМАН ҲОКИМЛИГИ ЖАМОАСИ

барча юрtdошларимизни

2021 йил


билан самимий кутлайди.

*Янги йил барчага улкан зафарлар,
омад ва шодлик олиб келсин.*



ОБУНА – 2021 *** ОБУНА – 2021 *** ОБУНА – 2021

АГАР СИЗ «O‘ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO‘JALIGI» VA «AGRO ILM» ЖУРНАЛЛАРИГА ОБУНА БЎЛСАНГИЗ:



- аграр соҳага оид долзарб мавзулардаги мақолалар;
- агросаноат мажмуига кирувчи корхона ва ташкилотлар, жумладан, илғор фермерлар, чорвадорлар ҳамда ирригация-мелиорация тармоқларида ибратли ишларни амалга ошираётган замондошларимиз, уларнинг ютуқ ва илғор тажрибалари ҳақидаги материаллар;
- олим ва мутахассисларнинг таҳлилий ҳамда амалий тавсия, маслаҳатлари;
- қишлоқ хўжалиги фанида эришилаётган илмий натижалар, ихтиролар;
- дунё қишлоқ хўжалигидаги янгиликлар билан мунтазам танишиб, касбий маҳорат ҳамда малакангизни ошириб борасиз.

Обуна индекслари:
«O‘ZBEKISTON QISHLOQ
VA SUV XO‘JALIGI» – 895
«AGRO ILM» – 859

ISSN 2091-5616
AGRO ILM
5 1681 - SON, 2020

ISSN 2181-8150
O‘ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO‘JALIGI
№7. 2020

Бўлаё қишлоқда оқим белминат
Ва тинчилас, оқимилас – шудур саодат.
Негизининг кўнлида доим шу фиср,
Қишлоқлар ўзди шу ўзди фасат.

**Журналларимизга 2021
йил учун обуна давом этмоқда!**

